# ВАЙШНАВЛАРНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ

Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг таржималари асосида

Ачютананда Свами
ва Жаяшачинандана
дас адхикари

Бхактиведанта бук траст

Буюк ачарйа-вайшнавларнинг қўшиқларини куйлашни яхши кўрадиган А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупадага бағишланади

## Сўзбоши

Кришнани англаш Халқаро жамиятига 1966 йил Нью-Йоркда асос солинган эди. Мен 1965 йилнинг сентябрь ойида Америка Қўшма Штатларига келганимда якка-ю ёлғиз, бир ўзим эдим. То 1966 йил Иккинчи Авеньюда эски магазин жойлашган иморатни ижарага олгунча жуда қаттиқ қийинчиликларга дуч келдим. ИСККОН, “Кришнани англаш Халқаро жамияти” расмий равишда рўйхатдан ўтгандан кейин менга Чак Барнетт деган йигит билан яна бир неча ёшлар қўшилдилар - ана шу ёшлар бўлғуси Халқаро ҳаракатнинг асосий негизини ташкил этдилар. Кришнани англаш Халқаро жамияти энди пайдо бўлган кунлари мен ҳар куни Нью-Йоркдаги Томпкинс-Сквер паркига борардим. Шу жойда бир дарахт соясида ўтириб олиб, Ҳаре Кришна мантрасини куйлардим. Биринчи бўлиб Шриман Барнет билан Брюс деган ўспиринлар менинг олдимда рақсга туша бошладилар, кейин уларга шу ерда юрган бекорчиларнинг яна бир иккитаси қўшилди. “Нью-Йорк Таймс” газетаси ўзининг навбатдаги сонларининг бирида кичкина мақола чиқариб, унда Томпкинс-Паркдаги қўшиқларим ҳақида хабар берган, унинг сарлавҳасида эса, мени “ёшларни Харе Кришна ҳаракатига жалб қиляпти”, деб ёзилган эди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан Чак, Брюс ва бошқалар менга шогирд бўлдилар, 1970 йилда эса, Чак ва Брюс санняси турмуш тарзига ўтиб, Ачютананда Свами ва Брахмананда Свами бўлдилар. Ҳозир Браҳмананда Африкада, Ачютананда - Ҳиндистонда одамларга Кришнани англаш таълимотини ўргатадилар.

1967 йилда мен қаттиқ касалланиб қолдим ва Америкадан Ҳиндистонга келдим. Мен билан айрилиқ азобига чидай олмай, Шриман Ачютананда ҳам Вриндаванга келди. Шундан бери Ачютананда Свами Ҳиндистонда яшайди. У бор кучини ишга солиб, шижоат кўрсатиб Кришнага садоқат билан хизмат қилади: Калькутта ва Бенгалиянинг бошқа шаҳарларида кенг тарғибот ишларини олиб боради, бенгалча куйлашни ва мридангада куй чалишни ўрганди; энди эса, бенгалча қўшиқларни инглизчага таржима қилиб, изоҳлар бериб, мана шу китобчани нашрдан чиқарди.

Гаудия-вайшнавлар сампрадаясига мансуб бўлган Бхактивинода Тхакур, Нароттама дас ва бошқа буюк ачарйаларнинг қўшиқларидан таркиб топган бу китобчанинг нашрдан чиққанидан жуда хурсанд бўлдим. Ачарйаларнинг қўшиқлари - оддий қўшиқлар эмас. Уларни вайшнавлар ҳаётининг барча қонун-қоидаларига риоя қилиб яшайдиган қалби пок вайшнавлар куйлаганида, улар бу қўшиқларни тинглаётган одамларнинг қалбида ҳар бир тирик мавжудот қалбида ётган Кришна онгини, Худога муҳаббат туйғусини уйғотади. Шунинг учун мен Шриман Ачютананда Свамига вайшнавлар падавалисидан кўпроқ қўшиқлар куйлашни ўрганишни ва уларнинг ҳар хил тўпламларини нашрдан чиқаришни маслаҳат бердим. Бунинг шарофати билан шогирдларим ва Ғарбий давлатлардаги бошқа одамлар бу қўшиқларни куйлашни

ўрганиш ва шу йўл билан қалбида Худога, Кришнага муҳаббат туйғусини уйғотиш имконига эга бўладилар.

Қалбида Кришна онгини, Худога илоҳий муҳаббат туйғусини уйғотишга самимий интилаётган Ачютананда Свамининг ҳаётда олий мақсадга эришишига тилакдошман. У бундан кейин ҳам бу йўлдан адашмай бориб, майянинг барча тўсиқларини муваффақият билан четлаб ўтади деб умид қиламан. Майянинг онгимизга ҳалокатли таъсир қилишини биз ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз ва унинг кудратли тузоқларидан ҳамиша эҳтиёт бўлиб юришимиз керак. Агар биз унинг таъсиридан четда юришни истасак, киртана-расанинг илоҳий шарбатига ғарқ бўлишимиз керак, чунки *киртана-раса* ҳолатида бўлиш бу моддий оламда энг хавфсиз ҳолатда бўлиш демакдир. Харе Кришна.

А.Ч. Бхактиведанта Свами.

## Кириш

1971 йил Парвардигор Чайтанйанинг туғилган жой - Шри Майяпурда Шрила Прабҳупадага хизмат қилиш қилиш бахтига муяссар бўлдим: мен жамиятимизнинг халқаро марказини ташкил этишда иштирок этдим. Шу йили Майяпурда жуда даҳшатли сув тошқини бўлди, аммо сув жуда кўп кунлар давомида тинмасдан кўтарилаверса ҳам, Кришнани англаш Халқаро жамиятига ажратилган ер майдонини сув босмади. Бизларнинг Парама Гуру Махараж Шрила Бхактисиддханта Сарасвати қурдирган баланд йўлнинг тўсиқ бўлиши шарофати билан тошқин сув бизларнинг майдончага кирмади. Бу ҳақда Ҳазрат Шрила Прабҳупадага хабар берар эканман мен шундай деб ёздим: “Сув тошқини бизларни четлаб ўтди. Шрила Бхактисиддхантанинг йўли бизларни қутқариб қолди”. Шрила Прабҳупада жавоб хатида менинг гапларимга бошқача маъно берди: “Албатта, Шрила Бхактисиддхантанинг йўли бизни ҳамиша қутқариб қолади, шунинг учун шогирдлар силсиласида турган руҳий устозларни шарафлаб куйлашда давом эт, шунда сен албатта муваффақият қозонасан. Кейинроқ, мен Шрила Бхактивинода Тхакурнинг ва Нароттама дас Тхакурнинг қўшиқларини инглиз тилига таржима қилишни таклиф этганимда, Илоҳий Ҳазрат шундай деди: “Ҳа, биз Бхактивинoданинг мана шу ишини давом эттиришимиз лозим”. Шунинг учун мен Шри Чайтанйа Махапрабҳудан бошланадиган шогирдлар силсиласида турган ачарйаларнинг асарлари тўпламининг биринчиси бўлган китобга Бхактивинода Тхакурнинг ҳаёт фаолиятини ҳам киритдим. Кейинги китобларга Шрила Нароттама дас Тхакурнинг, Шриниваса Ачарйанинг ва бошқа ачарйаларнинг ҳаёт фаолияти ҳам киритилади.

Бу китобдаги қўшиқларнинг кўпчилиги Бхактивинода Тхакур ва Нароттама дас Тхакур қаламига мансуб. Уларнинг инглиз тилига таржимаси унчалик оҳангдор бўлмаса ҳам, матнлар қўшиқнинг аниқ мазмунини беради. Бу қўшиқлар жуда ёқимли куйга солиб куйланади, шунинг учун китоб билан бирга қўшиқлар ёзилган кассеталарни ҳам сотиб олиш мумкин. Бу қўшиқ ва шеърларнинг барчаси Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг моҳиятини очиб беради, уларда айтилганки, Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш фақат руҳий устознинг марҳамати билан берилади. Бу марҳаматга эса, фақат унинг кўрсатмаларига мукаммал равишда самимий амал қилиш туфайли эришиш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу қўшиқлар Кали-юганинг энг асосий ва улуғвор марҳамати бўлган Ҳаре Кришна мантрасини биргаликда куйлаш - киртананинг ўрнини боса олмайди - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Киртананинг аҳамиятини тўла таърифлашнинг иложи йўқ. Бу китобдаги қўшиқлар маха-мантрадан келиб чиққан ва бизга унинг мазмунини тушунтириб беради. Шундай қилиб, улар маха-мантранинг ҳосилалари ҳисобланади ва бир тарафдан ундан фарқ қилмайди.

Шрила Нароттама дас ва Бхактивинода Тхакурнинг қўшиқлари ведавий мантралардан фарқ қилмайди. Лекин, Шрила Прабҳупада "Садоқат лаззати" асарида ёзганидек, ҳатто содиқ *гаятри* мантраси олмаган бўлса ҳам, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш шарофати билан руҳий баркамолликка эриша олади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Бу қўшиқлар - Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиб юрган содиқлар учун туганмас манба ҳисобланади. Бу қўшиқларнинг ҳар бир сатрини жуда кўп соатлаб таҳлил қилиб, тушунтириш мумкин, чунки улардаги ҳар бир ибора жуда чуқур фалсафий маънога эга. Уларда Кришнани англаш таълимотининг фалсафий ҳақиқатлари шундай оҳангдор ва чуқур ифодаланганки, Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилаётган киши руҳий фалсафани ҳар жиҳатдан таърифлаб бериш учун “Бхаджаху ре мана”, “Шри Рупа Манжари пада”, “Охе Вайшнава Тхакура” ёки “Шри Манах-шикша” каби қўшиқларнинг бирор шеърини эслашининг ўзи кифоя. Шрила Прабҳупада ўз китобларида ва маърузаларида ҳамиша ана шу қўшиқлардан мисоллар келтирарди. Бу асарга унинг қўшиқлардан баъзи бирларига берган изоҳлари ҳам киритилган.

Шрила Прабҳупаданинг ўзи таржима қилган қўшиқлар китобга ўзгартирилмасдан киритилган, чунки унинг таржималарига изоҳнинг ҳожати йўқ. Бу илоҳий қўшиқлар инглиз тилига биринчи марта таржима қилинган. Кириш ўрнида Шрила Бхактивинода Тхакурнинг қисқача биографиясини киритишга қарор қилдим.

## Бхактивинода Тхакурнинг ҳаёт фаолияти

Бхактивинода Тхакурнинг бутун ҳаёти Шри Кришнага, Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишга бағишланган эди. Унинг фаолияти инсониятга қанчалик саодат келтирганини фақат Шри Чайтанйа Махапрабҳу ҳамда Вриндаванлик олти Госвамининг буюк фаолияти билангина таққослаш мумкин. Унинг руҳий фаолияти ва ёзган илоҳий асарлари заковатли, чуқур тафаккурга эга, маданиятли, зиёли одамлар ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатди ва уларнинг қалбида Парвардигор Чайтанйанинг улуғвор насиҳат ва кўрсатмаларига чуқур ишонч уйғотди.

Орадан юз йиллар ўтгандан кейин биз унинг фаолиятига назар ташлар эканмиз, Чайтанйа

Махапрабҳунинг соф, чуқур ва улуғвор фалсафасига асосланган вайшнавлар таълимоти ўша пайтда қанчалик тушкун ҳолатда эканини кўриб ҳайратга тушамиз. Ўша пайтда ҳатто чуқур руҳий илмга эга бўлган пандитлар ҳам Парвардигор Чайтанйанинг таълимоти тақдим этган улуғвор фалсафани охиригача англаб етмагандилар. Лекин барибир, илмсиз одамларнинг ғофиллиги сабабли вайшнавлар фалсафасига асосланган урф-одатлар таназзулга юз тутган бўлса ҳам, жамиятда бошқалар ҳисобидан яшайдиган кўчадаги гадойларнингниқобига айланиб, ҳар ер - ҳар ерда сақланиб қолган эди. Аммо, қалбидаги Худога бўлган чуқур муҳаббат туйғуси таъсири остида Бхактивинода Тхакур Ведавий асарларда, Упанишадаларда, Пураналарда ва "Шримад Бхагаватам"да яшириниб ётган ана шу чуқур фалсафани бутун инсониятга батафсил таърифлаб берди. Унинг Худога садоқат билан хизмат холис қилиш ниятида кўрсатган фаолияти ва оддий тилда, кенг китобхонлар оммасига тушунарли қилиб ёзган китоблари шарофати билан бу улуғвор фалсафа бутун жаҳон аҳлига ошкор бўлди. Айнан унинг асарлари ва тенгсиз, илоҳий сифатлари туфайли эндиликда инсонлар жамиятида ўзининг вайшнав эканидан ва Шри Чайтанйа таълимотига асосланган соф ва улуғвор Кришнани англаш ҳақидаги руҳий илмга эга эканидан мағрурланадиган олий маълумотли, юксак маданиятли зиёли одамларнинг катта бир қатлами юзага келди.

Бхактивинода Тхакур 1838 йил 2 сентябрда туғилган бўлиб, ота онаси унга Кедаранатха Датта деб исм қўйдилар. Гарчи у бадавлат хонадонда дунёга келган бўлса ҳам, унинг ёшлик давридаги ҳаёти қийинчиликларга тўла бўлди. У болалик йилларини Бирнагара(Улаграм)да турадиган бува(онасининг отаси)си уйида ўтказди, буваси ўлгандан кейин, ўн уч ёшида Калькуттага кўчиб ўтиб, таълим олишни шу ерда тамомлади. Университетни тамомлагандан кейин кўп ўтмай, унга бобоси қаттиқ касал ётгани ҳақида хабар бердилар. Унинг бобоси, Раджаваллабха Датта, Калькуттада жуда обрўли мўътабар инсон эди. Умрининг охирги кунларида у таркидунё қилиб, Ориссага яқин жойда хилватда яшарди. У илоҳий кучлар билан руҳий алоқа ўрната оладиган башоратчи зот бўлиб, қачон ўлишини олдиндан аниқ биларди. Бобоси танасини тарк этаётганда Бхактивинода Тхакур унинг ёнида бўлиб, ундан жуда кўп насиҳатларини тинглади. Буюк инсон ва авлиё бобоси дунёдан ўтгандан кейин у Ориссадаги барча асосий эҳром ва ашрамларни зиёрат қилиб чиқди.

Бхактивинода Тхакурнинг кейинги ҳаёт-фаолияти халқ таълими соҳасида ўтди. У Ориссадаги мактабларда инглиз тилидан дарс бериш ишларини ташкил қилди. Битта китоб чиқариб, унда Ориссадаги барча ашрамлар ҳақида ҳикоя қилиб, унда ўз аждодларига қарашли жойлардаги муқаддас саждагоҳларни ҳам кўрсатиб ўтди. “Ориссадаги Чхотимангалпур қишлоғи менга қарашли, - деб ёзади Бхактивинода Тхакур. - шу қишлоқда бир монастир бор, ёнидаги анча ер майдони билан бирга ана шу монастирни менинг бобокалонларим авлиё зотларга эҳсон қилганлар. Шу монастирнинг эгаси бир куни совуқ тунда келган авлиё зотларга бошпана бермай қўйган экан. Бу ҳақда эшитиб, агар яна шундай хабарни эшитиб қолсам, эҳсон қилинган ер майдонини тортиб оламан, деб уларни огоҳлантирдим”. Кейинроқ Бхактивинода Тхакур ҳукумат таркибига ишга кирди ва Бенгалияга кўчиб ўтди. Шу ердаги шаҳарлардан бирида у "Шримад Бхагаватам" фалсафаси ҳақида тарихий аҳамиятга бўлган машҳур бир маъруза қилдики, унинг ана шу маърузаси минглаб обрўли одамларнинг эътиборини дарров ўзига жалб этди. У одамларга муқаддас "Шримад Бхагаватам"да нозил қилинган бебаҳо неъмат, нодир сирни ошкор этди ва “фалсафий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ҳар бир заковатли, фаросатли, зиёли инсон бу асарни албатта ўқиб чиқиши лозим” деди. Бир неча йилдан кейин у Чампаран деган шаҳарга кўчиб ўтди. Шу ерда катта банйан дарахти ичида *брахма-дайтя*(арвоҳнинг бир тури) яшар ва унга жуда кўп адашган ғофил одамлар сиғинар эдилар. Бир куни Бхактивинода Тхакурнинг олдига билимдонлиги билан шуҳрат қозонган бир қизнинг отаси садақа сўраб келди. Бхактивинода Тхакур дарров уни ўша арвоҳ яшайдиган дарахт ёнида ўтқазиб, муқаддас "Шримад Бхагаватам"ни тиловат қилишни буюрди. Орадан бир ой ўтиб, "Шримад Бхагаватам"ни тиловат қилиш ниҳоясига етганида, дарахт бирданига ўзидан-ўзи ерга қулаб тушди ва арвоҳ бутунлай бу жойни тарк этди. Ўша арвоҳга сиғинадиган ғофил одамлардан бошқа бутун шаҳар аҳолиси ажина-арвоҳдан шаҳарни халос этгани учун Бхактивинодага миннатдорчилик билдирдилар.

Бхактивинода кўчиб ўтган кейинги шаҳар Пури бўлди. Ўша вилоятга маъсул бўлган комиссар Бхактивинođанинг Пурида хизмат қилишини эшитиб жуда хурсанд бўлди ва ундан ҳукумат вакили сифатида Жаганнатҳанинг Эҳромидаги тартибни назорат қилиб туришни илтимос қилди. Бхактивинođанинг уринишлари билан эҳромдага жуда кўп тартибсизликларга барҳам берилиб, Илоҳларга таом таклиф қилиш вақти аниқ белгиланди. Кейинроқ Бхактивинода Тхакурни ҳукуматга қарши кўтарилган қўзғолоннни бостиришга юбордилар. Қўзғолонга ўзини Маха-Вишнунинг аватараси деб эълон қилган қандайдир бир Бишикишена деган одам бошчилик қилаётган эди. Бхактивинода Тхакур олиб борган тергов ишлари натижасида бу одам шунчаки бир алдоқчи қаллоб ва жиноятчи бўлиб чиқди: унга ҳукумат қарорларини бузганлиги ҳақида айб қўйдилар. Суд Бишикишенага бир ярим йил қамоқ жазосини белгилади ва у кўп ўтмай қамоқхонада оламдан ўтди. Ўша одам ҳақиқатан ҳам ғайритабиий қобилиятларга эга эди, лекин бундай қобилиятларга у руҳий амалиёти натижасида эришмаган эди, шунинг учун у Тхакурнинг амрига бўйсунишга мажбур бўлганди. Бишикишена оддий ғофил одамларни даҳшатга соларди, шунинг учун одамлар Шрила Бхактивинодадан ҳатто адолат юзасидан бўлса ҳам, уни жавобгарликка тортмасликни илтимос қилдилар, чунки у бу йог ўзининг сеҳр қудратини ишга солса, оқибати ёмон бўлади, деб қўрқардилар. Аммо, ҳеч қачон бировларга кўз-кўз қилиш учун ишламайдиган ва ўзининг ҳақиқий илоҳий сифатларини ва руҳий қудратини ҳеч кимга ошкор этмайдиган Бхактивинода Тхакур иблислар қудратига эга бўлган ўзбилармонни ҳеч қийналмасдан мағлуб қилди. Бишикишена бир ёқлик бўлгандан кейин қўшни қишлоқда ўзини “Парвардигор Балорам” деб атаган яна бир кимса пайдо бўлди; Бхактивинода Тхакур бошқа кўпчилик Худонинг сохта аватаралари билан ҳам учрашди, аммо, Бишикишена сингари, уларнинг барчасининг сирлари фош бўлиб, қора ниятлари пучга чиқди.

Жаганнатха-Пурида Бхактивинода Тхакур ўзининг анча вақтини ижодий фаолиятга ва илоҳий адабиётларни муҳокама қилишга бағишлади. У Баладе-

ва Видьябхушананинг изоҳлари билан нашр қилинган “Веданта-сутра”ларга иловалар тайёрлади, шунингдек, Нароттама дас Тхакурнинг ажойиб асарлари билан бир қаторда турадиган ўлмас “Калйана-калпатару” асарини яратди. Қўлингиздаги  китобда “Вибхавари Шеша” сарлавҳаси остида шу китобдан парча келтирилган.

1877 йил Бхактивинода Тхакур бошқа шаҳарга хизматга ўтказилди, 1881 йилда эса, “Садджанатошани”(“Асл содиқлар қувончи”) деган, кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган, руҳий ҳаёт масалаларини ёритувчи журнал чоп эта бошлади. У “Шри Кришнасамхита” асарини ҳам нашрдан чиқарди. Бу асар жаҳон аҳлига Кришнанинг руҳий табиатини ошкор этди ва зиёли одамларнинг кўзини очиб, уларнинг Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатларини батафсил тушунтириб берди. Унинг бу асарини жуда кўп немис олимлари ҳайратга тушиб қарши олдилар, чунки Кришнани - шоирнинг ўзи ўйлаб чиқарган оддий асар қаҳрамони деб ҳисоблаб юрган ғофил китобхонларнинг нотўғри тасаввурларига мутлақо қарши чиқиб, Бхактивинода мазкур асарда Ведалар илмига асосланган ҳолда Кришна - Парабраҳман, Олий Илоҳий Шахс, Мутлақ Ҳақиқат бўлган Зот эканини исботлаб берган эди.

Нараил қишлоғида ўтказган кунларининг охирида Бхактивинода Вриндаванга борди, шу ерда у Канджахарлар деган қароқчиларга дуч келди. Ана шу қудратли йўлтўсарлар муқаддас саждагоҳларга олиб борадиган йўлларда пистирма қўяр ва ҳимоясиз зиёратчиларга ташланиб, босқинчилик қилар эдилар. Бхактивинода улар ҳақида ҳукуматга хабар берди ва бир неча ой давомида улар билан қаттиқ кураш олиб бориб, қароқчиларни Вриндавандан ҳайдаб чиқарди. Ана шу вақтдан бошлаб Бхактивинода Тхакур кўплаб одамлар тўпланган мажлисларда фаол тарғибот ишларини олиб бориб, одамларга Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш - санкиртанани асослаб берадиган илоҳий кўрсатмаларни батафсил тушунтира бошлади. Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Кўп ўтмай Барасатага кўчиб ўтган Бхактивинода Тхакур таниқли Бенгал ёзувчиси Банкимачандра билан учрашди. Шу учрашувдан олдин ёзувчи ва драматург Кришна ҳақидаги асарини ёзиб тугатганди, Бхактивинода Кришна билан боғлиқ бўлган масалаларда ишончли билимдон киши бўлгани учун, ундан қўлёзмани кўриб чиқишни илтимос қилди. Аввалги ҳолатида бу асар ғарбий китобхонларнинг талабларига мос келадиган ҳар хил дунёвий фикрларга тўла эди, аммо тўрт кун давомида бирга муҳокама қилиш натижасида Бхактивинода Банкимачандрани асар мазмунини бутунлай бошқадан кўриб чиқишга ва уни Парвардигор Чайтанйанинг илоҳий пок таълимотига мос ҳолга келтиришга кўндирди. Бхактивиноданинг Барасатада ўтган охирги йилида шаҳарнинг олий судяси ундан “Шримад Бҳагавад-Гита”нинг Шри Вишванатха Чакраварти Тхакур изоҳ ёзган нашрини ўзи ишонарли таржима қилиб нашрдан чиқаришни илтимос қилди. Бу нашрга Банкимачандра сўзбоши ёзиб, Бхактивинодага чуқур миннатдорчилик билдирди. Китоблар жуда тез вақт ичида китобхонлар орасида тарқалиб кетди. Кўп ўтмай Бхактивинода Тхакур “Шри Чайтанйа-шикшамрита” (“Парвардигор Чайтанйанинг лаззатли таълимоти”) деган яна бир ажойиб асарини нашрдан чиқарди. Ана шу асарда Парвардигор Чайтанйанинг Парвардигор ҳақидаги таълимоти ва ғарбий олимларнинг фалсафий сафсаталари ёритилган. Унда Бхактивинода Тхакур бошқа барча фалсафий таълимотларни ҳар тарафлама инкор этиб, Парвардигор Чайтанйа таълимотининг устивор эканини ишонарли қилиб исботлаб берган.

1885 йилда Бхактивинода Тхакур “Шри Вишвавайшнава-раджа-сабха” жамиятини ташкил этди, бу жамиятнниг асосий мақсади соф *хари-бхакти* таълимотини одамларга кенг кўламда ўргатишдан иборат эди. Ана шу жамиятга Калькуттанинг жуда кўп обрўли кишилари аъзо бўлдилар, улар турли вазифаларни амалга оширишлари учун жамият ичида бир неча комитет ҳам ташкил этилди.

Бхактивинода Тхакур Парвардигор Чайтанйанинг моддий оламдаги эрмаклари бўлиб ўтган жойларни жуда кўргиси келарди, шунинг учун у ҳукуматдан бир неча марта Навадвипа(Маяпур)га яқинроқ бўлган бирор шаҳарга ишга ўтказишни илтимос қилди. Илтимосига ижобий жавоб ололмагандан кейин у истеъфога чиқиш ҳақида ариза ёзди, аммо унга истефога чиқишга ҳам рухсат бермадилар. Кўп ўтмай у қалби қувончга тўлиб, Навадвипага ўттиз беш чақирим турадиган Кришнанагар шаҳрига ишга тайинланди. Навадвипага яқинроқ жойга кўчиб бориб, у ўзининг ишдан бўш вақтининг ҳаммасини шу ерда ўтказарди. У дарров Парвардигор Чайтанйа Ўзининг илоҳий ўйинларини ўтказган жойлар ҳақида маълумотлар тўплай бошлади. Ҳозирги Навадвипа атиги юз йилдан бери мавжуд эканини аниқлаб, у Парвардигорнинг дунёга келган ҳақиқий жойини аниқлашга киришди. Ҳозирги Навадвипа Парвардигорнинг дунёга келган жойи эмаслигига ишонч ҳосил қилгандан кейин, у Унинг ҳақиқий жойини аниқлаш ниятида маҳаллий қариялардан сўраб суриштира бошлади. Кўплар Парвардигор Чайтанйанинг туғилган жойи шаҳар чегараси ичида деб уни ишонтирмокчи бўлдилар, уларнинг даъволаридан қутулиш осон бўлмади. Диққат билан қидирув ишларини олиб бориб, сўраб суриштиришлар натижасида у ўзи излаётган жойдан ҳозир ўзанини ўзгартирган Ганга дарёси оқиб ўтаётганини билиб олди. Лекин, бу қидирувлардан кўнгли тўлмай, унинг ўзи йога-питхини излашга тушди. Узоқ вақт, кўп қийинчиликларни бошидан кечиргандан кейин у руҳий ўзлигини англаб етган кўпчилик зотлар “Шри Чайтанйа Махапрабҳунинг ҳақиқий туғилган жойи” деб сажда қилиб юрган жойни аниқлади. Бу жой ҳозир мусулмонларга тегишли жойлар ҳудудида эди. Маҳаллий одамлардан сўраб-суриштириб, уларнинг кўрсатмаларини ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярмига мансуб бўлган “Шри Маяпур” деган харита билан солиштириб кўриб, ниҳоят у Парвардигор Чайтанйанинг ҳақиқий туғилган жойини аниқлашга муваффақ бўлди. Мана шу кашфиётидан кейин у “Навадвипадхама-махатмя” деган бебаҳо асарини яратди.

1895 йил вайшнавизм тарихида жуда катта аҳамиятга эга йил бўлди. Мана шу йил нишонланадиган барча тантаналарнинг сабабчиси Бхактивинода Тхакур эди. Айнан мана шу йилда у кенг жамоатчиликка Парвардигор Чайтанйанинг қаерда туғилганини эълон қилиб, Унинг туғилган жойининг ҳақиқий аҳамиятини тушунтириб, расмий равишда шу ҳақиқатни бутун жамоатчилик тан олишига эришди. Парвардигор Чайтанйа туғилган жойда ўтказилган катта тантана маросимларига минглаб меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Бхактивинода Тхакур ўзининг бу кашфиёти одамларнинг эсидан чиқиб кетишини сира истамасди. Шу-

нинг учун истеъфога чиққан заҳоти камтарин ҳолда эшикма-эшик юриб, шу ерда Эҳром қуриш учун одамлардан садақа тўплай бошлади. “Амрита базар патрика” газетаси 1894 йил 6 декабр сонидаги мақолада шундай ёзган эди: “Яқинда истеъфога чиққан суд ёрдамчиси Бабу Кедаранатха Датта, Жамиятнинг жуда фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Комитет таклифи билан Калькутта ва бошқа жойларда садақа тўплашга юборилган Бабу ҳар бир индусдан бундай хайрли, савоб иш учун атиги бир рупия бўлса ҳам садақа қилишни илтимос қилиб, ҳар бир уйга шахсан ўзи кириб чиқишга аҳд қилган. Агар Кедаранатха Датта қўлига сумка олиб уйма-уй юришга қилган аҳдидан қайтмаса, биз аминмизки, ана шундай тақводор, мўътабар *бхакта* остонасига келганида ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир индус Гаура-Вишнуприя Эҳромини қуриш фондига қўлидан келганча албатта ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади”. Ҳақиқатан ҳам, ана шундай эзгу ният билан Бхактивинода Тхакур жуда кўп хонадонларга кириб чиқди. Парвардигор Чайтанйанинг ниятини амалга ошириш мақсадида у ўзи учун ҳеч қачон мурожаат қилмайдиган одамларнинг олдига боришдан ҳам тап тортмади. Бхактивинода Тхакурнинг уринишлари бекорга кетмади, унинг тўплаган маблағига Парвардигор Чайтанйа дунёга келган муқаддас жойда катта бир иморат қурилди.

Ўша пайтларда Худонинг муқаддас номларининг шуҳрати ҳам кенг халқ оммасига тарғибот қилинди, уларнинг овозаси ҳатта Ер шарининг энг узоқ чеккаларига ҳам бориб етганди. Парвардигор Чайтанйанинг туғилган жойини кашф этгандан кейин, Парвардигор Чайтанйанинг ҳаёти ва таълимоти ҳақида маълумот берадиган Бхактивинoданинг инглиз тилида ёзган “Гауранга-смарана-мангала-стотра” асари, жуда оз вақт ичида икки ярим шарнинг барча ўқув юртларининг кутубхоналари китоб жавонидан жой олди.

Парвардигор Чайтанйа ва Парвардигор Кришнанинг муқаддас номларининг шуҳрати қанчалик фаол тарғибот қилинса, Бхактивинода Тхакурнинг қалби шунчалик қувончга тўларди. “Гауранга-смарана-мангала-стотра” асари нашрдан чиққандан кейин у “Шри Браҳма-самхита” ва “Шри Кришна-карнамрита” асарларига изоҳлар ёзди ва инсониятга иккита бебаҳо, ўлмас асар туҳфа қилди: “Шри Хари-нама-чинтамани” ва “Бхаджана-рахасйа”. Бундан ташқари "Шримад Бхагаватам"нинг вайшнавлар фалсафасига тааллуқли бўлган барча шлокларидан иборат “Шримад-бхагаватарка-маричи-мала” асарини таҳрир қилиб, унга изоҳ ёзди. У ўзининг ижодий фаолиятида тиним билмай меҳнат қиларди, вайшнавлар фалсафасига оид жуда кўп асарлар унинг қаламига мансуб. Бхактивинода Тхакур жамият олдидаги ўз вазифаларини бажариб бўлиб, кечқурун ижодий иш билан шуғулланар, то тунги соат бир, иккигача қўшиқ ёки китоблар ёзарди. Унинг асарларидан кўпчилиги “Саджджана-тошани” журналида чоп этилди. Жўшқин ижодий фаолият кўрсатиш билан бир вақтнинг ўзида у Бенгалиянинг жуда кўп жойларида Худонинг муқаддас номларини кенг тарғибот қиларди. Унинг ҳар бир қишлоқда пайдо бўлиши одамларга ҳайратли даражада жуда катта таъсир кўрсатарди. Надиядаги марказ фаолиятини қўллаб қувватлаш учун у Шри Годрума-двипада “Шри Свананда-сукхада-кунджа” деб ном олган иморат қурди. Ана шу даргоҳда кенг миқёсда одамларга *хари-нама* ҳақида ахборот бериларди.

Йигирманчи асрнинг бошида Бхактивинода Тхакур Пурида жойлашишга қарор қилди ва океаннинг соҳилида иморат қурди. 1908 йилда саннйаси турмуш тарзига ўтиб, Шрила Гауракишора дас Бабаджидан бабажи бўлишга фотиҳа олгандан кейин унинг марҳаматига эришишни кўп вақтдан бери интизор бўлиб юрган издошлари ўз ниятларига эришдилар. Бхактивинода таркидунё қилган бабажи бўлиб яшаётган бўлишига қарамасдан, ҳамиша унинг олдига ҳар хил табақага мансуб одамлар келиб турардилар, у уларга руҳий насиҳатлар бериб, уларни дуои-фотиҳа қиларди. 1910 йилдан бошлаб у одамлар билан учрашишни бутунлай тарк этди ва шу пайтдан бошлаб мукаммал *самадхи* ҳолатида бўлиб, бутун фикру-хаёли Парвардигорнинг мангу ўйинлари ҳақидаги мулоҳазаларга ғарқ бўлиб яшади. 1914 йил, Шри Гададхара бу оламни тарк этган куни, Шрила Бхактивинода Тхакур ҳам бу дунёни тарк этиб, илм ва лаззатга тўла Голока салтанатига кўтарилди. 1871 йилда Шрила Бхактивинода Шрила Харидас Тхакурнинг самадхисига атаб бир тўртлик ёзган эди. Унда вайшнав ҳатто ўлганидан кейин ҳам инсониятга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида айтилган:

“Вайшнав ҳам ўлади, деб юрган одамлар қаттиқ адашадилар, чунки унинг ҳаёти илоҳий товушларда давом этаверади! Вайшнавлар ўлгандан кейин яшашда давом этадилар, тириклигида эса, бутун инсониятга муқаддас ном, ҳақиқий ҳаёт ато этадилар!”

Шрила Бхактивинода шундай башорат қилган эди: “Тез кунларда Харининг муқаддас номини бутун жаҳонга кенг тарғибот қиладиган бир шахс дунёга келади”. Ўз-ўзидан равшанки, бу гаплар А.Ч. Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупадага тааллуқли башорат эди. Ўз ихтиёрини унинг нилуфар қадамлари пойига топширган ва келажакда ўз ихтиёрини унга топширадиган одамлар олдида, мен чуқур эҳтиром билан бош эгаман ва унинг нилуфар қадамлари пойига мен такрор ва такрор бош эгиб сажда қиламан. Мендан ўз марҳаматини дариғ тутмай, мана шу арзимас меҳнатимни Шри Кришна қабул қилиши учун Шрила Прабҳупада мени дуо қилсин. У мени ҳамиша Вриндавандаги олти Госвамига, Парвардигор Чайтанйага ва Шримати Радхаранига хизмат қилишда машғул қилсин!

Ачйутананда Свами. 20 августа 1972 йил.<br>
Шрила Рупа Госвами бу дунёни тарк этган куни.<br>
“Радҳа-Дамодара” эҳроми. Сева-кунджа,<br>
Вриндаван.

## Асосий дуо-илтижолар.

### Шри гуру пранама

*ом агъяна-тимирандхасйа гйянанджана-шалакайа*
*чакшур унмилитам йена тасмаи шри-гураве намаḥ*

Ғофиллик зулматини илм нури билан ёритиб, қалбим кўзини очган руҳий устозим олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан

### Шри Рупа пранама

*шри-чайтанйа-мано-бхиштам стхапитам йена бху-тале*
*свайам рупаḥ када махйам дадати сва-падантикам*

Бу моддий оламда Парвардигор Чайтаньянинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳаракатини бошлаб берган Шрила Рупа Госвами Ҳазратлари қачон менга Ўзининг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ бераркин?

### Мангалачарана

*ванде “хам шри-гуроḥ шри-йута-пада-камалам*
*шри-гурун вайшнавамш ча*
*шри-рупам сağраджатам саха-гана-рагхунатханвитам*
*там са-дживам*
*садваитам савадхутам париджана-сахитам*
*кришна-чайтанйа-девам*
*шри-радха-кришна-падан саха-гана-лалита-шри-вишакханвитамш ча*

Руҳий устозимнинг ва менга Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлларини кўрсатаётган барча мўътабар зотларнинг пойит қадамларига эҳтиром билан бош эгаман. Олти мўътабар зот - Шрила Рупа Госвами, Шрила Санатана Госвами, Рагҳунатҳа дас Госвами, Джива Госвами, Шри Гопала Бхатта Госвами ва уларнинг издошларига чуқур таъзим қиламан. Чуқур эҳтиром билан мен Шри Адвайта Ачарья, Шри Нитьянанда, Шри Чайтанйа Маҳапрабҳу ва Унинг Шривас Тхакура бошлиқ барча содиқлари олдида бош эгаман. Парвардигор Кришнанинг, Шримати Радҳарани ва Лалита ҳамда Вишакҳа бошлиқ барча гопиларнинг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

### Шрила Прабҳупада пранати

*нама ом вишну-падайа кришна-прештхайа бху-тале*
*шримате бхактиведанта-свамин ити намине*

Мен Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган ва Унга жуда азиз бўлган Абҳай Чаранаравинда Бҳактиведанта Свами Прабҳупада олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Унинг учун Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан бошқа нажот йўқ.

*намас те сарасвати деве гаура-вани-прачарине*
*нирвишеша-шунйавади-пашчатйа-деша-тарине*

Эй руҳий устоз, эй Сарасвати Госваминing содиқ хизматкори, сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. Сен ўз марҳаматинг билан инсониятга Парвардигор Чайтанья таълимотини тушунтириб, уларни ғарбий давлатларда кенг тарқалган Худо шахсини тан олмаслик ва мавҳумлик(бўшлиқ) фалсафасидан озод этяпсан.

### Шрила Бхактисиддханта Сарасвати пранати

нама ом вишну-падайа кришна-прештхайа бху тале
шримате бхактисиддханта-сарасватити намине

Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган ва Унга жуда азиз бўлган Ҳазрат Бҳактисиддханта Сарасвати олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Унинг учун Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан бошқа нажот йўқ.

*шри-варшабханави-деви-дайитайа крипабдхайе*
*кришна-самбандха-виджнана-дайине прабхаве намаḥ*

Шримати Радхаранининг Ўзи қўллаб-қувватлаб турган Шри Варшабханави-деви-дайита дас олдида мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. У - илоҳий марҳамат уммонидир ва одамларга Парвардигор Кришна ҳақидаги таълимотни ўргатади.

*мадхурйоджджвала-премадхйа-шри-рупануга-бхактида-*
*шри-гаура-каруна-шакти-виграхайа намо “сту те*

Эй Парвардигор Шри Чайтанйанинг илоҳий марҳамат қувватининг тимсоли, мен сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Шрила Рупа Госвамининг таълимотига оғишмай риоя қилган ҳолда сен одамларнинг қалбида Радха-Кришнага илоҳий муҳаббат туйғусини уйғотадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш имконини берасан.

намас те гаура-вани-шри м716тайе дина-тарине
рупануга-вируддхапасиддханта-дхванта-харине

Парвардигор Чайтанйа таълимотининг тимсоли бўлган сенинг олдингда мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Эй адашган руҳларни қутқарувчи зот, сен

Шрила Рупа Госвами баён этган Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига зид бўлган ҳар қандай таълимотни қоралайсан.

## Шрила Гауракишора пранати

намо гаура-кишора сакшад-ваирагйа-муртайе
випраламбха-расамбходе падамбуджайа те намаҳ

Мен таркидунёлик тимсоли бўлган Гауракишора дас Бабаджи Махараж олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Унинг қалби Парвардигор Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббатга тўла ва у ҳамиша Ундан айрилиқ азобидан ҳасрат чекади.

## Шрила Бхактивинода пранати

*намо бхактивинодайа сач-чид-ананда-намине*
*гаура-шакти-сварупайа рупануга-варайа те*

Мен Шри Чайтанйа Махапрабҳунинг илоҳий қуввати тимсоли бўлган Саччидананда Бхактивинода олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. У Шрила Рупа Госвами бошлиқ Госвамилар кўрсатган руҳий юксалиш йўлидан оғишмай боряпти.

## Шрила Жаганнатха пранати

*гауравирбхава-бхумес твам нирдешта садж-джана-прийаҳ*
*ваишнава-сарвабхаумаҳ шри-джаганнатхайа те намаҳ*

Мен Парвардигор Чайтанйанинг туғилган жойини аниқлаган ва барча вайшнавлар ҳурмат қиладиган Жаганнатха дас Бабаджи олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

## Шри вайшнава пранама

*ванчха-калпатарубхйаш ча крпа-синдхубхйа эва ча*
*патитанам паванебхйо вайшнавебхйо намо намаҳ*

Мен Парвардигорнинг содиқ хизматкорлари - вайшнавлар олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Уларнинг қалблари барча тирик зотларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси билан лиммо-лим тўла. Улар барча истакларни рўёбга чиқарувчи орзулар дарахти каби саховатлидирлар.

## Шри Гауранга пранама

*намо маха-ваданйайа кришна-према-прадайа те*
*кришнайа кришна-чайтанйа-намне гаура-твише намаҳ*

Эй, Худонинг энг олийҳиммат қиёфаси! Сен - Шри Кришна Чайтанйа Маҳапрабҳу кўринишида намоён бўлган Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзисан! Танаси Шримати Радҳаранининг олтиндай рангини олган эй Зот, Сен Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббатни сахийлик билан барчага улашяпсан. Биз Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз.

## Шри Панча-таттва пранама

*панча-таттватмикам кришнам бхакта-рупа-сварупакам*
*бхактаватарам бхактакхйам намами бхакта-шактикам*

Ўзининг ажралмас кўринишлари - содиқ хизматкори, Содиқ хизматкор кўринишида намоён бўлиши, содиқ хизматкор бўлиб келиши, асл содиқ хизматкори ва садоқат қувватларидан фарқ қилмайдиган ягона Парвардигор Кришна олдида таъзим билан бош эгаман.

## Шри Кришна пранама

*хе кришна каруна-синдхо дина-бандхо джагат-пате*
*гопеша гопика-канта радха-канта намо “сту те*

Эй Кришна, эй мурувват уммони! Сен - бутун борлиқнинг туганмас манбаи ва бу дунёдаги барча ғариб, ночорларнинг дўстисан. Сен подачиларнинг сардори ва гопиларнинг севгилисисан, уларнинг ичида Радҳарани Сен учун ҳаммадан ҳам азизроқ. Мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

## Самбандхадхидева пранама

*джайатам суратау пангор мама манда-матер гати*
*мат-сарвасва-падамбходжау радха-мадана-моханау*

Барчага бирдай саодат келтирадиган Радха ва Мадана-моханга шон-шарафлар бўлсин! Улар мени - чўлоқ ва бефаросат бўлган бир адашган бандани ҳақиқат йўлидан етаклаб борадилар, бутун оламда мен учун Уларнинг нилуфар қадамлари пойидан ўзга ҳеч нарса йўқ.

## Абхидхеядхидева пранама

*дивйад-вриндаранйа-калпа-друмадхаҳ*
*шримад-ратнагара-симхасана-стхау*
*шримад-радха-шрила-говинда-девау*
*прештхалибхиҳ севйаманау смарами*

Вриндаванда, истаклар дарахти тагида турган, қимматбаҳо гавҳартошлар билан безатилган эҳромда, ўзидан нур таратиб турган шоҳона тахтиравон(курси)да Шри Шри Радха-Говинда савлат тўкиб ўтиради. Уларни чуқур муҳаббат билан хизмат қилаётган яқин ҳамроҳлари ва йўлдошлари ўраб олган. Мен улар олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

## Прайоджанадхидева пранама

*шриман раса-расарамбхи вамши-вата-тата-стхитаҳ*
*каршан вену-сванаир гопир гопинатхаҳ шрийе “сту наҳ*

*Раса* рақсининг илоҳий лаззат манбаи, Шри Шрила Гопинатҳа, Ямуна дарёси қирғоғидаги Вамшиватада туриб, ўзининг машҳур найини чалиб, подачи қизларнинг диққатини ўзига тортади. Улар руҳий юксалишимизни тилаб бизларни дуо қилсинлар.

## Шри Радҳа пранама

*тапта-канчана-гауранги радхе вриндаванешвари*
*вришабхану-суте деви пранамами хари-прийе*

Вриндаван маликаси - танаси олтинранг бўлган Шримати Радҳаранига чуқур таъзим бажо келтираман. Эй шоҳ Вришабҳанунинг қизи, Сен Парвардигор Кришна учун жуда азизсан!

## Панча-таттва маха-мантра

*(джайа) шри-кришна-чайтанйа прабху нитйананда*
*шри-адваита гададхара шривасади-гаура-бхакта-врнда*

Шри Чайтанйа Маҳапрабҳу ҳамиша беш *таттва*(Ҳақиқатнинг кўринишлари) билан бирга юради: Ўзининг тўлиқ кўриниши - Шри Нитьянанда Прабҳу, Ўзининг тимсоли - Шри Адвайта Прабҳу, ички Қуввати - Шри Гададҳара Прабҳу ва оралиқ қуввати Шриваса Прабҳу.

У ўртада жойлашган, чунки У - Худонинг Олий Шахси. Шуни эсда сақлаш лозимки, ана шу таттвалар ҳамиша Шри Чайтанйа Махапрабҳуга ҳамроҳ бўлиб юрадилар. Шу сабабли Парвардигор Чайтанйага эҳтиром кўрсатиш учун биз ушбу *панча-таттва маха-мантра*ни ўқиймиз: *шри-кришна-чайтанйа прабху нитйананда шри-адваита гададхара шривасади-гаура-бхакта-врнда.* Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилар эканмиз, биз аввало панча-таттва-мантрани зикр қилиш билан Шри Чайтанйа Махапрабҳуга сажда қиламиз, фақат шундан кейингина Ҳаре Кришна маха мантрани зикр қилишни бошлаймиз - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилаётган киши ўн хил ҳақоратларнинг бирортасини билмасдан содир қилиб қўйиши мумкин, аммо аввал *Панча-таттва мантра*(*шри-кришна-чайтанйа прабху нитйананда шри-адваита гададхара шривасади-гаура-бхакта-врнда*)ни такрорлаганда ҳеч қандай ҳақоратлашлар инобатга олинмайди. Шри Чайтанйа Махапрабҳу бу дунёда адашиб юрган руҳларнинг ҳақоратлашларига аҳамият бермайди, шунинг учун уни *маха-ваданйаватара*, яъни, “Парвардигорнинг энг саховатли аватараси” деб атайдилар. Шундай қилиб, Ҳаре Кришна мантраси(Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре)ни зикр қилишдан энг катта самара олишга эришиш учун аввал Шри Чайтанйа Махапрабҳунинг марҳамати паноҳи остига кириб олиш керак, бунинг учун эса, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишдан олдин Панча-таттва мантрани зикр қилиш керак. Шунда Ҳаре Кришна мантраси зикр қилаётган кишига жуда кучли илоҳий таъсир кўрсатади.

## Ҳаре Кришна маҳа-мантра

*Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна*
*Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре*
*Ҳаре Рама, Ҳаре Рама*
*Рама Рама, Ҳаре Ҳаре*

Илоҳий товушлардан иборат бўлган Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре мантрасини зикр қилиш - қалбимизда мудраб ётган Кришна онгини(руҳий тафаккурни) уйғотишнинг осон ва улуғвор усулидир. Бизларнинг барчамиз руҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудотлармиз, азалдан Кришна онгига эгамиз. Лекин, жуда қадим замонлардан бери моддий унсурлар ичида яшаймиз, шунинг учун моддий табиатнинг таъсири остида онгимиз булғанган. Ҳозир биз яшаётган моддий олам *майя*, алданиш, сароб, “ёлғончи” деб аталади.(*майя* ибораси “йўқ нарсани бор деб билиш” деганни англатади). Ана шу ёлғон, алданиш нимадан иборат? Бу алданиш шундан иборатки, биз ўзимиз моддий табиатнинг бешафқат қонунлари исканжасида яшаётган бўлсак ҳам, моддий табиат устидан хукмронлик қилишга интиламиз. Агар хизматкор ўзининг кудратли хўжайинига тақлид қилишга ҳаракат қилаётган бўлса, уни “ақлдан озиб қолган” деб айтадилар. Ана шундай булғанган онгда пайдо бўладиган ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурлар бизни моддий табиат бойликларидан беаёв фойдаланишга ундайди, лекин аслида, бу ҳаракатимиз билан биз моддий табиатнинг исканжасига тушиб, унинг тўрларига тобора маҳкамроқ ўралашиб қоламиз. Моддий табиатни бўйсундириш учун биз жуда кўп куч сарфлаймиз, лекин, охир-оқибатда унга тобора кўпроқ қарам бўлиб бораверамиз. Лекин, қалбимизда азалий, табиий Кришна онгини қайта тиклаган заҳоти моддий табиат билан бемаъни курашни ўз-ўзидан тўхтатамиз.

Кришна онги(руҳий тафаккур) бизнинг ақлимизга сунъий равишда мажбур қилиб сингдирилаётган бегона тафаккур эмас: бу онг, яъни Кришна онги тирик мавжудот(руҳ, жон)нинг азалдан мавжуд бўлган табиий қувватидир. Биз Ҳаре Кришна мантрасининг илоҳий товушларини тинглашимиз натижасида қалбимизда ана шу онг қайта тикланади. Ишонарли мўътабар зотлар ва муқаддас китоблар ҳозирги даврда руҳий ўзликни англашнинг айнан мана шу усулини тавсия қиладилар. Бунга ҳар ким ўзи ишонч ҳосил қилиши мумкин: маха-мантрани, яъни, “Ақлни озодликка чиқарадиган буюк қўшиқ”ни куйлаш натижасида инсон ўз қалбида руҳий оламдан келган илоҳий жазавали лаззат ҳис қила бошлайди. Кишининг онги сезгилар, ақл ва тафаккур поғонасидан юқори кўтарилиб, ҳаётга руҳий назар билан қарай бошлаганида у илоҳий поғонага кўтарилади. Мантра товушлари асл табиатига кўра илоҳий табиатга эга, Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре, шунинг учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишда юзага келадиган товуш тебранишлари инсон онгининг барча қуйи поғоналарига - сезгилар, ақл ва тафаккурга нисбатан илоҳий ҳисобланади. Шу боис ҳатто маха-мантранинг маъносини тушуниб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Ундан қандайдир маъно излаб, ҳар хил фикрларга бориб, моддий тафаккурни зўриқтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу товушлар бевосита руҳий оламдан тушади, шунинг учун ҳеч қандай тайёргарликсиз ҳар қандай одам ҳам Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни бошлаши ва мантра берадиган илоҳий лаззатни шахсан ўзи бевосита ҳис қилиши мумкин.

Биз бунга амалда ишонч ҳосил қилганмиз. Ҳатто ёш бола ҳам мантра куйлашда иштирок этиши мумкин, ҳатто итлар, ҳайвонлар ҳам унда иштирок этиши мум-

кин. Албатта, дунёвий ҳаёт ботқоғига чуқурроқ ботиб кетган одамлар Ҳаре Кришна мантрасини куйлаб лаззатланиш поғонасигага кўтарилиши учун анча вақт керак бўлади, лекин, ҳатто моддий фаолият билан машғул одам ҳам мантра зикр қилиш натижасида руҳий поғонага кўтарила олади. Мантра товушларини Худонинг асл содиқ хизматкори оғзидан тинглаганда улар тингловчига жуда катта таъсир кўрсатади, шу боис мантранинг самарасини тез вақт ичида ҳис қилиш учун Худонинг асл содиқ хизматкори мантра куйлашини тинглашга интилиш керак. Иложи борича Ҳаре Кришна мантрасини Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган иймонсиз одамнинг зикр қилиши ва куйлашини тингламасликка ҳаракат қилиш керак. **Илоннинг тили теккан сут заҳарли бўлади.**

*Ҳара* – Парвардигорнинг қувватига мурожаат қилиш усули, Кришна ва Рама эса, бевосита Парвардигорнинг Ўзига мурожаат қилишдир. "Кришна" ва "Рама" сўзларининг маъноси - "энг олий лаззат" деганни билдиради. *Ҳара*(мурожаат шаклида - Ҳаре) эса, - Парвардигорнинг олий лаззатланиш қуввати. Ана шу қувват Парвардигорга етишишимизда бизга ёрдам беради.

*Майя* деб аталадиган моддий қувват ҳам Худонинг қувватларидан бири. Бизлар, яъни, тирик мавжудотлар ҳам Парвардигорнинг "оралиқ қувват" деб аталадиган қувватимиз. Оралиқ қувват, яъни, тирик мавжудотлар моддий қувватдан устун туради. Юқори қувват қуйи қувват билан аралашганда ғайритабиий, нотўғри бирикма юзага келади, аммо олий қувват ўзи сингари олий қувват - Хара билан бирикканида тирик мавжудот ўзининг табиий, бахтга, лаззатга тўла мангу ҳолатига қайтади.

Мана шу уч илоҳий сўз - Ҳаре, Кришна, Рама - маха-мантранинг илоҳий уруғлари бўлиб, моддий танага қамалиб, шартланиб қолган руҳ(жон)нинг Парвардигорга ва Унинг ички қуввати Харага зорланиб, нажот сўраб қилаётган илтижосидир. Бу мантрани куйлаш онасини чорлаётган гўдакнинг беозор йиғисига ўхшатиш мумкин. Худди боланинг онаси сингари, ихлос билан илтижо қилаётган содиқ хизматкорга Ҳара қуввати Олий Отаси Харининг, Кришнанинг марҳаматига эришишида ёрдам беради. Ҳаре Кришна мантрасини ихлос билан самимий зикр қилаётган содиқ хизматкорга Парвардигор албатта Ўзини намоён этади.

Шундай қилиб, Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре мантрасини зикр қилиш - ҳозирги даврда инсоннинг руҳий ўзлигини англаб, ҳаётда комил инсон бўлиб етишида ёрдам берувчи энг самарали усулдир.

*апарадха сахасрани крийанте ахар нишам майа*
*дасо ахам ити мам матва кшамасва мадхусудана,*
*сваҳа*

Эй Худойим, мен кеча-ю кундуз, билар-билмас минглаб гуноҳ ишлар қилиб Сени ҳақоратлаётган бўлсам керак. О Мадхусудана, мени Ўзингнинг содиқ хизматкоринг ўрнида кўриб, билиб-билмай қилган гуноҳларимни Ўзинг кечиргайсан!

*пратиджна тава говинде на ме бхактаҳ пранашйати*
*ити самсмритйа самсритйа пранан самдхарайами*
*ахам, сваҳа*

О Говинда! Эй Худойим! Сен "Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди!" - деб ваъда берган. Сенинг мана шу ваъдангни ҳамиша эсимда сақлаганим учунгина мусибатларга тўла бу дунёда яшашдан воз кечмай юрибман.

## Шри Шри Гурв-аштака

### Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура

Ўн еттинчи асрнинг ўрталарида туғилган Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур - Кришнани англаш ҳаракатининг шогирдлар силсиласига мансуб бўлган буюк руҳий устоз. Мазкур қўшиқ ҳақида у шундай дейди: "Руҳий устозга аталган мана шу илтижони *брахма-мухурта* пайтида овоз чиқариб, диққат билан куйлаган киши ажали етганда Вриндаван Ҳукмдори Кришнага бевосита садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эришади".

1
*самсара-даванала - лидха - лока-*
*транайа карунйа - гханагханатвам*
*праптасйа калйана - гунарнавасйа*
*ванде гуроҳ шри - чаранаравиндам*
*2*
*махапрабхоҳ киртана - нритйа - гита-*
*вадитра - мадйан - манасо расена*
*романча - кампашру - таранга - бхаджо*
*ванде гуроҳ шри - чаранаравиндам*
*3*
*шри - виграхарадхана - нитйа - нана-*
*шрингара - тан - мандира - марджанадау*
*йуктасйа бхактамш ча нийунджато "пи*
*ванде гуроҳ шри - чаранаравиндам*
*4*
*чатур - видха - шри - бхагават - прасада-*
свадв-*анна-триптан хари-бхакта-сангхан*
*критваива триптим бхаджатаҳ садаива*
*ванде гуроҳ шри - чаранаравиндам*
*5*
*шри - радхика - мадхавайор апара-*
*мадхурйа - лила - гуна - рупа - намнам*
*прати - кшанасвадана - лолупасйа*
*ванде гуроҳ шри - чаранаравиндам*
*6*
*никунджа - йуно рати - кели - сиддхаи*
*йа йалибхир йуктир апекшанийа*
*татрати - дакшйад ати - валлабхасйа*
*ванде гуроҳ шри - чаранаравиндам*
*7*
*сакшад - дхаритвена самаста - шастраир*
*уктас татха бхавйата эва садбхиҳ*
*кинту прабхор йаҳ прийа эва тасйа*
*ванде гуроҳҳ шри - чаранаравиндам*
*8*
*йасйа прасадад бхагават - прасадо*
*йасйапрасадан на гатих куто "пи*
*дхйайан стувамс тасйа йашас три-сандхйам*
*ванде гуроҳ шри чаранаравиндам*

1. Руҳий устоз бизга Парвардигорнинг чексиз марҳамати уммонидан марҳамат олиб келади. Ёмғир юбориб, ўрмондаги ёнғинни ўчирадиган булут сингари, руҳий устоз ҳам бу моддий оламдаги туғилиш ва

ўлишлар оловини ўчириб, унда мусибат чекиб юрган одамларни озодликка чиқаради. Шундай руҳий устоз эзгу фазилатлар уммонидир. Мен ана шундай руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

2. Парвардигор Чайтанйа Маҳапрабҳунинг *санкиртана*(муқаддас номларни биргаликда куйлаш) ҳаракати руҳий устоз учун чексиз шодлик манбаидир. У баъзида муқаддас номларни зикр қилади, баъзан жазава билан рақсга тушади, баъзида мусиқа асбобларида куй-лар чалиб, Парвардигорга ҳамду-санолар куйлайди. Унинг ақли қалбининг соф садоқати шарбатидан лаззат олади, шу боис баъзида унинг кўзларидан лаззат ёшла-ри тинмай оқади, вужуди титраб, туклари ҳурпайиб кетади. Мен ана шундай руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

3. Ҳамиша эҳромда Шри Шри Радҳа-Кришнага сажда қилиш билан банд бўлган ҳолда, руҳий устоз бу илоҳий хизматга ўз шогирдларини ҳам жалб этади. Улар Илоҳларни ажойиб либослар ва тақинчоқлар билан безайдилар, Уларнинг эҳромини тозалайдилар ва бошқа ҳар хил илоҳий хизмат турлари билан шуғулланиб Парвардигорга хизмат қиладилар. Мен ана шундай руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман

4. Руҳий устоз Кришнага ҳар хил ширин таомларнинг тўрт туридан тақдим этади. Худонинг содиқлари Парвардигорнинг марҳамати - бҳагавата-прасадамдан тотиб, лаззат олаётганини кўриб, у жуда хурсанд бўлади. Мен ана шундай руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

5. Руҳий устоз ҳамиша Шри Шри Радҳика ва Мадҳаванинг ишқий ўйинлари ҳақида, Уларнинг муқаддас номлари, Уларнинг илоҳий сифатлари ва қиёфалари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга интилади ва ўзи ҳам Уларни ҳамиша шарафлаб куйлашга тайёр юради. Руҳий устоз ана шундай фаолият билан ҳамиша, бетиним машғул бўлиб лаззатланишга интилади. Мен ана шундай руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

6. Вриндаван бутазорларида Шри Шри Радҳа ва Криш-нанинг ишқий ўйинларини мукаммал ҳолатга етказиш учун гопилар ўзларининг бутун санъатини намойиш этадилар. Руҳий устоз жуда моҳирлик билан уларга ёрдам беради. Шу боис руҳий устоз Кришна учун жуда азиз. Мен ана шундай руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

7. Руҳий устозга худди Парвардигорнинг Ўзидай ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш керак, чунки у Парвардигор-нинг энг яқин хизматкори. Барча муқаддас китоблар шуни таъкидлайдилар ва барча мўътабар донишманд-лар ана шу кўрсатмага амал қиладилар. Руҳий устоз - Шри Хари(Парвардигор Кришна)нинг энг ишончли, ҳақиқий вакили. Мен ана шундай руҳий устознинг ни-луфар қадамлари пойига чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

8. Фақат руҳий устознинг марҳамати билангина Парвардигорнинг марҳаматига сазовор бўлиш мумкин. Руҳий устознинг марҳаматисиз руҳий баркамолликка эришиш йўлидаги барча интилишлар ҳеч қандай фойда бермайди. Шунинг учун мен ҳамиша руҳий устозимни эслаб юришим ва уни олқишлаб, унга ҳамду-санолар айтишим керак. Руҳий устозимнинг нилуфар қадамлари пойига ҳар куни камида уч марта чуқур эҳтиром билан бош эгишим лозим.

## Шри Шри Шад-госвамй-аштака

*кришноткиртана-гана-нартана-парау премамри-тамбхо-нидхи*
*дхирадхира-джана-прийау прийа-карау нирматсарау пуджитау*
*шри-чаитаниа-крипа-бхарау бхуви бхуво бхаравахан-таракау*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагху-натха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эга-ман - улар Кришнанинг муқаддас номларини куйлашга бутунлай ғарқ бўлиб, жазавали лаззат билан рақсга тушадилар. Улар Худога муҳаббат уммони, улар ҳеч кимга ҳасад қилмагани сабабли уларни одобли одамлар ҳам, иймонсиз ярамас нодонлар ҳам бирдай ҳурмат қиладилар. Уларга Парвардигор Чайтанйанинг марҳамат тўла назари тушган, уларнинг қилаётган ҳар бир иши барчага бирдай шодлик келтиради. Улар мод-дий оламдаги барча шартланган руҳларни озодликка чиқариш ниятида ўз ҳаётини бутунлай эзгу ишларга бағишлаган.

*нана-шастра-вичаранаика-нипунау сад-дхарма-самстхапакау*
*локанам хита-каринау три-бхуване манйау шаранйа-карау*
*радха-кришна-падаравинда-бхаджананандена матта-ликау*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман - улар бутун инсониятнинг бахт-саодати учун ҳақиқий мангу дин қонун-қоидаларини аниқлаш ниятида диққат билан барча муқаддас китобларни чуқур ўрганиб чиқдилар. Бутун уч олам аҳлига бирдай ҳурматли, мўътабар бўлган ҳолда, улар - барча тирик мавжудотлар учун ҳақиқий нажот маконидир, чунки гопиларнинг илоҳий ҳолатига ғарқ бўлиб, улар Радха ва Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлганлар.

*шри-гауранга-гунануварнана-видхау шраддха-самриддхи-анвитау*
*папоттапа-никрнтанау тану-бхртам говинда-ганамритаих*
*анандамбудхи-вардханаика-нипунау каивалйа-нистаракау*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагху-натха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эга-ман - улар Парвардигор Чайтанйани чуқур англаб етган зотлардир, шу боис, Унинг илоҳий сифатларини ажой-

иб таърифлай оладилар. Улар Говинда ҳақидаги илоҳий қўшиқлар ёмғири марҳаматини ёғдириб, барча шартланган руҳларни барча гуноҳлар оқибатидан поклашга қодир зотлардир. Улар тирик мавжудотларни ҳаммани ютиб кетаётган мавҳум озодлик чангалидан қутқариб қоладилар ва илоҳий лаззат уммонини тобора чуқурлаштириш санъатини биладилар.

*тйактва турнам ашеша-мандала-пати-шреним сада туччха-ват*
*бхутва дина-ганешакау карунайа каупина-кантхашритау*
*гопи-бхава-расамритабдхи-лахари-каллола-магнау мухур*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман - улар жамиятнинг бадавлат одамлари билан учрашишни бемаъни иш сифатида бутунлай рад этдилар. Бахтиқаро шартланган руҳларни моддий тутқунлик азобидан қутқариш учун улар бу дунёда ўзларига фақат белини бекитиш учун зарур бўлган бир бўлак мато қолдириб, бошқа ҳамма нарсадан бутунлай воз кечдилар. Лекин, гарчи гадойлардай ҳаёт кечириб юрсалар ҳам, улар гопиларнинг Кришнага бўлган жазавали муҳаббати уммонига ғарқ бўлиб, ҳамиша унинг лаззат тўлқинларида чўмиладилар.

*куджат-кокила-хамса-сараса-ганакирне Майуракуле*
*нана-ратна-нибаддха-мула-витапа-шри-йукта-вриндаване*
*радха-кришнам ахар-нишам прабхаджатау дживарт-хадау йау муда*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман - улар шохаларини ҳар хил гуллар қоплаган ва турли хил мевалари оғирлигидан эгилиб турган ажойиб дарахтлар ўсиб ётган, дарахтлар ўсиб ётган ерларда қимматбаҳо тошлар тўлиб ётган Вриндаваннинг илоҳий масканида Радха-Кришнага сиғиниш билан бутунлай машғул бўлиб кун кечирадилар. Ана шу олти Госвами барча тирик мавжудотларга энг буюк саодат келтиришга қодир, чунки улар одамларга инсон ҳаётининг олий мақсадини кўрсата оладилар.

*санкхйа-пурвака-нама-гана-натибхих Калавасани-кртау*
*нидрахара-вихаракади-виджитау чатйанта-динау ча йау*
*радха-кршнам-гуна-смртер мадхуриманандена саммо-хитау*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман - улар Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга ғарқ бўлганлар ва ҳар куни белгиланган миқдорда Парвардигорга сажда қилганлар. Улар Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзларининг бебаҳо ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини бахшида қилганлар ва шу тариқа ухлаш ва овқатланишга бўлган эҳтиёжидан бутунлай халос бўлганлар. Итоаткор ва камтарин бўлган ҳолда, Парвардигорнинг илоҳий сифатларини эслаб, улар ҳайратга тушар эдилар.

*радха-кунда-тате калинда-танайа-тире ча вамшива-те*
*премонмада-вашад ашеша-дашайа грастау прамат-тау сада*
*гайантау ча када харер гуна-варам бхавабхибхутау муда*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман - улар баъзан Радха-кунда ёки Ямунанинг қирғоқларида, баъзан эса, Вамшиватага келардилар. Кришна онги билан яшаш ва Кришнага чуқур муҳаббат лаззатидан улар худди телбалардай кўринар, уларнинг таналарида илоҳий жазаванинг ҳар хил аломатлари пайдо бўларди.

*хе радхе враджа-девике ча лалите хе нанда-суно кутах*
*шри-говардхана-калпа-падапа-тале калинди-ване ку-тах*
*гхошантав ити сарвато враджа-пуре кхедаир маха-вихвалау*
*ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джива-гопалакау*

Мен олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман - улар Вриндаванда сайр қилиб юриб, баланд овозда: “О Радхарани, Вриндаван маликаси! О Лалита! О Нанда Махаражнинг ўғли! Қаердасизлар? Балки, Говардхана тепалиги устида сайр қилиб юргандирсизлар, балки Ямуна қирғоғидаги дарахтлар соясида ҳордиқ чиқараётгандирсизлар? Қаердасиз, ахир?” деб қичқириб юрардилар. Улар Кришнага ҳамиша ана шундай руҳий ҳолатда хизмат қилардилар.

## Шри Шикшаштака

*чето-дарпана-марджанам бхава-маха-давагни-нирвапанам*
*шрейаҳ-каирава-чандрика-витаранам видйа-вадху-дживанам*

*анандамбудхи-вардханам прати-падам пурнамритас-ваданам*
*сарватма-снапанам парам виджайате шри-кришна-санкиртанам*

Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш ҳаракати(*Шри Кришна санкиртана*)га шон-шарафлар бўлсин! Бу фаолият инсон қалбини узоқ йиллар давомида тўпланган дунёвий иллатлардан поклайди, моддий оламда туғилиш-ўлишлар кетма-кетлигидан иборат шартланган ҳаёт оловини ўчиради. Бу ҳаракат бутун инсониятга энг буюк саодат келтиради, чунки, ўсимликларга шарбат берувчи Ой нурига ўхшаб, илоҳий илм нури билан инсон қалбидаги ғофиллик зулматини ёритади. *Санкиртана* - илоҳий илм сарчашмасидир. У илоҳий лаззат уммонини тошдириб, бизга ўзимиз ҳамиша интилиб келаётган илоҳий лаззат шарбатидан тотиш имконини беради.

*намнам акари бахудха ниджа-сарва-шактис*
*татрарпита нийамитаҳ смаране на калаҳ*
*этадрши тава крипа бхагаван мамапи*
*дурдаивам идришам ихаджани нанурагаҳ*

Эй Худойим, фақат Сенинг муқаддас номларинггина барча тирик мавжудотларга чексиз бахт-саодат келтира олади. Шунинг учун бу дунёда Сенинг Кришна, Говинда сингари юзлаб, миллионлаб муқаддас номларинг мавжуд. Сен Ўзингнинг бутун илоҳий қудратингни ана шу илоҳий номларингда мужассам қилгансан. Уларни зикр қилишда амал қилиш лозим бўлган мушкул, қатъий қоидалар ҳам йўқ. Эй, Худойим, чексиз марҳамат кўрсатиб, муқаддас номларни зикр қилиш ёрдамида Сенга яқинлашиш йўлини бизлар учун жуда осон қилиб қўйибсан. Аммо мен шу қадар бахтиқароманки, ана шу энг осон йўл ҳам мени сира қизиқтирмайди.

*тринад апи суничена тарор апи сахишнуна*
*аманина манадена киртанийаҳ сада хариҳ*

Худонинг муқаддас номларини ўзини кўчада ётган чўпдан ҳам паст деб билиб, ақлнинг мискин ҳолатида зикр қилиш керак. Дарахтдан ҳам сабрлироқ, манманлик, ғурур иллатидан бутунлай пок бўлиб, ҳамиша бошқаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга интилиш керак. Мана шундай ҳолатдагина одам Худонинг муқаддас номларини бетиним такрорлаш имкониятига эга бўлади.

*на дҳанам на джанам на сундарим кавитам ва джагад-иша камайе*
*мама джанмани джанманишваре бхаватад бхактир ахайтуки твайи*

Эй қудратли Парвардигор, мен Сендан мол-дунё, чиройли аёлларга эга бўлишни, кўплаб издошларим бўлишини тиламайман. Йўқ! Менинг ягона истагим - умрлар оша Сенга муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилишдан иборат.

*айи нанда-тануджа кинкарам*
*патитам мам вишаме бхавамбудхау*
*крипайа тава пада-панкаджа –*
*стхита-дхули-садришам вичинтайа*

Эй Махараж Нанданинг ўғли, Кришна, мен Сенинг мангу хизматкорингман. Лекин, қандайдир сабаблар билан мен бу туғилиб-ўлишлар уммонига тушиб қолдим. Илтимос, мени бу ажал уммонидан қутқариб ол ва Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойида бир заррача қилиб қўй!

*найанам галад-ашру-дхарайа*
*ваданам гадгада-руддхайа гира*
*пулакаир ничитам вапух када*
*тава нама-грахане бхавишйате*

Эй Худойим, қачон менинг кўзларим Сенинг муқаддас номларингни зикр қилганимда тинмай оқадиган шашқатор ёшлар билан безанар экан? Қачон Сенинг муқаддас номларингни тилга олганимда ҳаяжондан танамдаги туклар ҳурпайиб, овозим титраб кетар экан?

*йугайитам нимешена*
*чакшуша правришайитам*
*шунйайитам джагат сарвам*
*говинда-вирахена ме.*

О Говинда! Сенсиз менга ҳар бир лаҳза ўн икки йилдай узоқ туюлиб кетади. Ҳижрон азобида кўзларимдан шашқатор ёшлар оқиб, Сен бўлмасанг бутун олам кўзларимга бўм-бўшдай кўриниб кетади.

*ашлишйа ва пада-ратам пинашту мам*
*адаршанан марма-хатам кароту ва*
*йатха татха ва видадхату лампато*
*мат-прана-натхас ту са эва напараҳ.*

Мен учун ягона Кришнадан бошқа Парвардигор йўқ. Агар У мени қаттиқ бағрига босса, ёки кўзларимга кўринмай, бағримни қон қилиб юборса ҳам, - Кришна мен учун ягона Парвардигор бўлиб қолаверади. У нимани хоҳласа, шуни қилади, чунки қандай бўлишидан қатъий назар, У ҳамиша мен сиғинадиган қудратли Худо, ягона Парвардигор бўлиб қолаверади.

*Арунодая-киртан*

Тонг отар пайтда ўтказиладиган киртан
пайтида куйланадиган қўшиқлар.
(“Гитавали”дан)

*удило аруна пураба-бхаге,*
*двиджа-мани гора амани джаге,*
*бхаката-смуха лоийа сатхе,*
*гела нагара-брадже*
*2*
*татхаи татхаи баджало кхол,*
*гхана гхана тахе джхаджера рол,*
*преме дхала сонара анга,*
*чаране нупура бадже*
*3*
*мукунда мадхава йадава хари,*
*болена боло ре вадана бхори,*
*мичхе нида-баше гело ре рати,*
*диваса шарира-садже*
*4*
*эмана дурлабха манава-дехо,*
*пайа ки коро бхава на кехо,*

*эбе на бхаджиле йашода-сута,*
*чараме порибе ладже*
*5*
*удита тапана хоиле аста,*
*дина гело боли хоибе бйаста,*
*табе кено эбе аласа хой,*
*на бхадж хридойа-радже*
*6*
*дживана анитйа джанаха сар,*
*тахе нана-видха випада-бхар,*
*намашрайа кори джатане туми,*
*тхакаха апана кадже*
*7*
*дживера калйана-садхана-кам,*
*джагате аси э мадхура нам,*
*авидйа-тимира-тапана-рупе,*
*хрид-гагане бирадже*
*8*
*кришна-нама-судха корийа пан,*
*джурао бхакативинода-пран,*
*нама бина кичху нахико аро,*
*чаудда-бхувана-маджхе*

1. Шарқ томон салгина қизара бошлаган заҳоти браҳманлар ичида қимматбаҳо гавҳар бўлган Парвардигор Гаурасундара уйқудан уйғонади. Ўзининг содиқлари даврасида У Надиянинг қишлоқ ва шаҳарларидан ўтади.
2. Мридангалар "тат-хай", "тат-хай" деган овоз чиқариб гумбурлаб, киртанада уларга жхаджилар ҳамоҳанг жўр бўладилар. Худога жазавали муҳаббат лаззатидан Парвардигор Гауранганинг олтин танасининг бутун вужуди титрайди, Унинг оёқларида қўнғироқчалар майин жиринглайди.
3. Парвардигор Гауранга шаҳарликларга мурожаат қилади: "Тун бўйи сизлар бемаъни уйқуда ётасизлар, кундузи эса, танангизни безайсизлар. Энди сизларнинг тилингизни Худонинг муқаддас номлари безасин! Ҳақоратларсиз: "Мукунда! Мадхава! Ядава! Хари!" - деб куйланг!"
4. "Сизлар нодир тухфа, бебаҳо неъмат бўлган инсон танасини олдинглар. Нимага сизлар бу неъматни инкор этяпсизлар? Сизлар Яшода онанинг севимли эркатойига сиғинмайсизлар, шунинг учун ажалингиз етганда мусибатларингиз чексиз бўлади".
5. "Ҳар куни тонг отиб, кун ботиши билан нодир умрингизнинг бир куни ўтади, - уни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди. Сизлар умрингизни бекор ўтказиб юрган ҳолда, нимага қалбингиз Парвардигорига сиғинмайсизлар?"
6. "Сизлар мана шу муҳим ҳақиқатни тушуниб олишларингиз лозим: ҳаётингиз мангу эмас, бунинг устига у туганмас муаммо, мусибатларга тўла. Шунинг учун Худонинг муқаддас номлари ягона нажот маконингиз бўлсин, ўзингизни уларга садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бахшида қилинг".
7. "Барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун "Кришна" деган ширин ном моддий оламга ташриф буюрган. У қалбимиз осмонида қуёшдай порлаб, ўзининг нурлари билан ғофиллик зулматини ёритади".
8. Кришнанинг муқаддас номининг соф шарбатидан ичинг - шунда Бхактивинода Тхакурнинг қалби қувончга тўлади. Бутун ўн тўрт олам ичра Худонинг муқаддас номларидан қадрлироқ бирор неъмат йўқ.

## Жив жаго

*1*
*Жив жаго жив жаго гаурачандра боле*
*кота нидра жао майа-пишачира коле*
*2*
*бхаджибо болийа эсе самсара-бхитаре*
*бхулийа рохиле туми авидйара бхаре*
*3*
*томаре лоите ами хоину аватара*
*ами бина бандху ара ке ачхе томара*
*4*
*энечхи аушадхи майа нашибаро лаги*
*хари-нама маха-мантра лао туми маги*
*5*
*бхакативинода прабху-чаране парийа*
*сеи хари-нама-мантра лоило магийа*

1. "Уйғонинг, эй ғафлат уйқусига ботган руҳлар! Уйғонинг, эй ухлаб ётган руҳлар! - чорлайди Парвардигор Гауранга. - Сизлар узоқ вақтдан бери ялмоғиз Майя(Шайтон) қучоғида ётибсизлар!"
2. "Сизлар бу дунёга келганда: "Эй азиз Худойим, мен Сенга сажда қиламан!" - деган эдинглар. Аммо, ваъдангизни эсдан чиқариб, чуқур ғафлатга ботиб кетдинглар".
3. "Мен Ер юзига фақат сизларни моддий олам тутқунлигидан халос этиш учун келдим. Сизларнинг Мендан бошқа бирор дўстингиз борми?"
4. "Мен сизларни Майя яратиб қўйган алданиш азобидан халос этадиган дори олиб келдим. Мана шу *хари-нама маха*-мантрани олишга интилиб илтижо қилинг, *хари-нама* олинг!"
5. Тхакур Бхактивинода муқаддас ном беришини илтижо қилиб, Парвардигор Гауранганинг нилуфар қадамлари пойига йиқилди ва мана шу маха-мантрани олди.

## Шри нама
("Гитавали"дан)

*1*
*гай гора мадхур сваре*
*Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна,*
*Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре*
*Ҳаре Рама, Ҳаре Рама,*
*Рама Рама Ҳаре Ҳаре*
*2*
*грихе тхако, ване тхако, сада хари боле дако,*
*сукхе дукхе бхуло нако, вадане хари-нам коро ре*
*3*
*майа-джале баддха хойе, ачхо мичхе каджа лойе*
*экхона четана пейе, радха-мадхав нам боло ре*
*4*
*дживана хоило шеша, на бхаджиле хришикеша*
*бхактивинодопадеша, экбар нам-расе мато ре*

1. Парвардигор Гаурасундара майин овоз билан оҳиста куйлайди: "Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре"
2. Оилалимисан ёки санньяси, Худонинг муқаддас номларини бетиним куйла: "Хари! Хари!" Тилларингни *хари-нама* билан беза, қувонганда ҳам, қийналганда

ҳам Худонинг муқаддас номларини зикр қилишни тарк этма!
3. Сен майянинг чангалига тушиб қолгансан, бемаъни, оғир машаққатли заҳмат чекиш - пешонангга ёзилган. Энди эса, сен инсон танасига эга бўлиб, юксак даражада ривожланган онгга эга бўлганингда Радха-Мадхаванинг муқаддас номларини куйла.
4. Умринг истаган пайтда узилиб қолиши мумкин, сен эса, ҳалигача сезгилар ҳукмдори Хришикешага хизмат қилмадинг. Бхактивинода Тхакурнинг насиҳатини тингла - атиги бир марта бўлса ҳам муқаддас ном шарбатини тотиб кўр!

## Гопинатха
(“Калйана-калпатару”дан)

*1*
*гопинатх, мама ниведана шуно*
*вишайа дурджана, сада кама-рата*
*кичху нахи мора гуна*
*2*
*гопинатх, амара бхараса туми*
*томара чаране, лоину шарана,*
*томара кинкора ами*
*3*
*гопинатх, кемоне шодхибе море*
*на джани бхакати, карме джада-мати,*
*поречхи сомсара-гхоре*
*4*
*гопинатх, сакали томара майа*
*нахи мама бала, джнана сунирмала,*
*свадхина нахе э кайа*
*5*
*гопинатх, нийата чаране стхана*
*маге э памара, кандийа кандийа,*
*корохе каруна дана*
*6*
*гопинатх, туми то, сакали паро*
*дурджане тарите, томара шакати,*
*ке ачхе папира аро*
*7*
*гопинатх, туми крипа-парабара*
*дживера каране, асийа прапанче,*
*лила коиле субистара*
*8*
*гопинатх, ами ки доше доши*
*асура сакала, паило чарана,*
*винода тхакило боси*

1. О Гопинатха, гопилар ҳукмдори, илтимос, менинг арзу-нолаларимга қулоқ сол. Мен қалби дунёвий истакларга тўлиб ётган, гуноҳкор бир бандангман, умрим давомида бирор эзгу, савоб иш қилган эмасман.
2. О Гопинатха, ягона умидим Сен Ўзингсан, шунинг учун Сенинг нилуфар пойи қадамларинг паноҳига кирдим, энди мен Сенинг мангу хизматкорингман.
3. О Гопинатха, Сен мени барча гуноҳларимдан поклай оласанми? Қалбимда Сенга садоқатдан асар ҳам йўқ, дунёвий ўйларга ботиб кетган ақлим эса, ўткинчи кармали фаолиятга боғланиб қолган. Дунёвий тирикчиликнинг ана шу тубсиз чуқурлиги мен ўз домига бутунлай ютиб юборди.
4. О Гопинатха, бу олам шунчаки, Сенинг ёлғончи, алдамчи қувватингдир. Менда на куч-қувват, на илоҳий илм бор, танам эса, бутунлай моддий табиат қонунлари ҳукми остида.
5. О Гопинатха, кўзидан тинмай ёш оқиб йиғлаётган бу гуноҳкор банданг Ўзингнинг илоҳий пойқадамларинг ёнидан мангу паноҳ беришингни тилаб, Сенга ёлвориб илтижо қилади. Илтимос, унга раҳминг келсин.
6. О Гопинатха, Сен ҳеч ким қила олмайдиган ишни ҳам амалга ошира оласан, Сен ҳамма гуноҳкорларни озодликка чиқаришга қодирсан. Аммо, бутун оламда мендан ҳам гуноҳкорроқ одам бормикан?
7. О Гопинатха, Сен - марҳамат уммонисан. Бу моддий оламга келиб, адашган руҳларнинг бахти-саодати учун Ўзингнинг илоҳий ўйинларингни намоён этасан.
8. О Гопинатха, жаҳонда мендан ҳам гуноҳкорроқ одам йўқ. Иймонсиз иблисларнинг барчаси аллақачон нилуфар қадамларинг пойидан нажот топдилар, Бхактивинода эса, ҳалигача бу моддий оламда тирикчилик қилиб, судралиб юрибди.

## Иккинчи қисм

*1*
*гопинатх, гхучао самсара-джвала*
*авидйа-джатана, аро нахи сахе,*
*джанама-марана-мала*
*2*
*гопинатх, ами то камера даса*
*вишайа-басана, джагичхе хрдойе,*
*пхадичхе карама пхаса*
*3*
*гопинатх, кабе ва джагибо ами*
*кама-рупа ари, дуре тейагибо,*
*хридойе спхурибе туми*
*4*
*гопинатх, ами то томара джана*
*томаре чхарийа, самсара бхаджину,*
*бхулийа апана-дхана*
*5*
*гопинатх, туми то сакали джано*
*апанара джане, дандийа экхано,*
*шри-чаране дехо стхано*
*6*
*гопинатх, эи ки вичара таба*
*бимукха декхийа, чхаро ниджа-джане,*
*на коро каруна-лаба*
*7*
*гопинатх, ами то муракха ати*
*кисе бхало хойа, кабху на буджхину,*
*таи хено мама гати*
*8*
*гопинатх, туми то пандита-бара*
*мудхера мангала, туми анвешибе,*
*э дасе на бхаво пара*

1. О Гопинатха, бу дунёда тирикчилик қилиш мусибатларидан мени халос эт. Мен ғофиллик зулматининг ва кетма-кет туғилиб-ўлишларнинг бу азоб-уқубатларига бошқа чидай олмайман.
2. О Гопинатха, ҳақиқатан ҳам мен шаҳвоний эҳтиросим қули бўлиб қолдим. Қалбимда янгидан-янги дунёвий истаклар пайдо бўлаверади, оқибат(*карма*) келтирадиган гуноҳ ишлар тугуни тобора қаттиқроқ тугила боряпти.

3. О Гопинатха, қачон мен ҳушимга келиб, ана шу маккор душманим - эҳтиросни улоқтириб ташлар эканман? Қачон Сен қалбимда пайдо бўларкинсан?
4. О Гопинатха, мен - Сенинг содиқ хизматкорингман, лекин, Сендан йироқлашиб, ўзимнинг энг қадрли яқинимдан айрилиб, бу ўткинчи дунёга сиғиниб юрибман?
5. О Гопинатха, Сенга ҳамма нарса аён, Сен Ўз хизматкорингни аллақачон жазолаб қўйдинг - энди унга нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ бер, ахир!
6. О Гопинатха, Сендан юз ўгирганимни кўриб, наҳотки чексиз марҳаматингдан бир томчи бермай, Сен ҳам Ўз хизматкорингдан воз кечган бўлсанг?
7. О Гопинатха, мен жуда ғофил нодонман, ҳеч қачон ўзимга нима фойдали-ю, нима зиён эканини билмаганман. Шунинг учун мана шундай туганмас мусибатларга дучор бўлиб юрибман.
8. О Гопинатха, ҳақиқатан ҳам, бутун уч оламда Сендан донишмандроқ зот йўқ, шундай экан, мендай бир ғофил нодонни ҳам ёруғликка чиқариш йўлини топ ва уни Ўзингга бегона тутма!

## Учинчи қисм

*1*
*гопинатх, амара упайа наи*
*туми крипа кори, амаре лоиле,*
*самсаре уддхара паи*
*2*
*гопинатх, поречхи майара пхере*
*дхана, дара, сута, гхиречхе амаре,*
*камете рекхечхе джере*
*3*
*гопинатх, мана дже пагала мора*
*на мане шасана, сада ачетана,*
*вишайе ройечхе гхора*
*4*
*гопинатх, хара дже менечхи ами*
*анека джатана, хоило бипхала,*
*экхано бхараса туми*
*5*
*гопинатх, кемоне хоибе гати*
*прабала индрийа, боши-бхута мана,*
*на чхаре вишайа-рати*
*6*
*гопинатх, хридойе босийа мора*
*манаке шамийа, лахо ниджа пане,*
*гхучибе випада гхора*
*7*
*гопинатх, анатха декхийа море*
*туми хришикеша, хришика дамийа,*
*таро хе самсрти-гхоре*
*8*
*гопинатх, галайа легечхе пхаса*
*крипа-аси дхори, бандхана чхедийа,*
*винode корохо даса*

1. О Гопинатха, руҳий юксалишда муваффақият қозонишга ҳеч қандай умидим қолмади, аммо, агар Ўзинг марҳамат кўрсатиб, менга нилуфар қадамларинг пойидан нажот берсанг, бу олам тутқунлигидан албатта озодликка чиқа оламан.
2. О Гопинатха, мен ҳар хил хавфу-хатарларга тўла бу ёлғончи моддий олам уммонига тушиб қолдим. Мол-дунё тўпладим, бой-бадавлат бўлдим, атрофимда хотиним, фарзандларим, эҳтирос олови мени тобора кемириб боряпти.
3. О Гопинатха, бефаросат ақлим ҳеч кимга ишонгиси келмайди. У мутлақо ғофил, нодон ва ҳамиша дунёвий ташвишлар уммонига ботиб юради.
4. О Гопинатха, мен ўзимнинг мағлуб бўлганимни тан оламан. Барча уринишларим бекор кетди. Энди менинг ягона умидим фақат Сен Ўзингсан.
5. О Гопинатха, қудратли сезгиларим ҳукми остига тушиб қолган нодон ақлим дунёвий боғланишлардан воз кеча олмаётган бўлса, муваффақият ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?
6. О Гопинатха, ақлимни бўйсундириб, қалбимга кириб олиб, Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ бер - фақат шундагина бу оламнинг барча даҳшатлари яксон бўлади.
7. О Гопинатха, Сен - Хришикеша, ҳиссиётлар Султонисан. Қанчалик ожиз эканимни кўриб, барча сезгиларимни Ўзингга бўйсундириб ол ва мени бу моддий ҳаётнинг хавф-хатарларга тўла қоронғу зулматидан қутқариб ол.
8. О Гопинатҳа, моддий ҳаёт сиртмоғи бўйнимни қаттиқ қисиб боряпти. Моддий оламдаги тутқунлик ипларини ҳамдардлик қиличи билан чопиб ташла ва Бхактивинодани Ўзингнинг камтарин қулинг қилиб ол!

## Гурудев
“Шаранагати”дан

1
*гурудев!*
*крипа - бинду дийа, коро” эи дасе,*
*тринапекха ати хина*
*сакала сахане, бала дийа коро”*
*ниджа - мане сприха - хина*
2
*сакале саммана, корите шакати,*
*дехо” натха! джатхаджатха*
*табе то” гаибо, хари- нама - сукхе”*
*апарадха ха”бе хата*
*3*
*кабе хено крипа, лабхийа э джана,*
*критартха хоибе , натха!*
*шакти - буддхи - хйна, ами ати дина,*
*коро” море атма - сатха*
*4*
*джогйата - вичаре, кичху нахи паи,*
*томара каруна ---- сара*
*каруна на хоиле, кандийа кандийа,*
*прана на ракхибо ара*

1. Эй руҳий устоз! Мендан, содиқ хизматкорингдан бир томчи марҳаматингни дариғ тутма! Сенинг марҳаматинга ҳатто ерда ётган хас, чўп ҳам мендан кўра муносиброқ. Менга ёрдам бер, ўзинг қўллаб-қуватла! Менинг қалбим ҳам сеникига ўхшаб, ҳар қандай дунёвий истаклардан, шон-шуҳратга интилиш иллатларидан поклансин!
2. Мен сенинг пойи қадамларингга чуқур эҳтиром билан бош эгаман ва шунинг шарофати билан сенинг қалбингни англай олиш имконига эга бўлишдан умидворман. Шундагина мен Худонинг муқаддас номларини чуқур лаззат билан зикр қилиб, барча гуноҳларимдан поклана оламан.

3. Эй мангу устоз ва Ҳожам! Қачон бу ношуд хизматкорингнинг омади келиб, сенинг марҳаматингдан баҳраманд бўларкин? Гуноҳга ботган ва йўлдан адашган, ақл-фаросатдан маҳрум бўлган шогирдинг сифатида сендан ялиниб илтижо қиламан: мени ўзингнинг севимли хизматкоринг қилиб ол!
4. Қалбимга назар ташлаб, унда эзгуликдан асар ҳам йўқлигига амин бўлдим. Шу боис мен сенинг марҳаматингга жуда ҳам муҳтожман. Агар ўз марҳаматингни мендан дариғ тутсанг, сенга илтижо қилиб, то ажалим етганча кечаю-кундуз зор йиғлаб ўтаман.

## Манаса деха геха

*(“Шаранагати”дан)*

*манаса, дехо, гехо, джо кичху мор*
*арпилу тува паде, нанда-кишор!*
*2*
*сампаде випаде, дживане-маране*
*дай мама гела, тува о-пада баране*
*3*
*мароби ракхоби-джо иччха тохара*
*нитйа-даса прати тува адхикара*
*4*
*джанмаоби моэ иччха джади тор*
*39*
*бхакта-грхе джани джанма хау мор*
*5*
*кита-джанма хау джатха тува дас*
*бахир-мукха брахма-джанме нахи аш*
*6*
*бхукти-мукти-спрха вихина дже бхакта*
*лабхаите тако санга ануракта*
*7*
*джанака, джанани, дайита, танай*
*прабху, гуру, пати-туху сарва-мой*
*8*
*бхакативинода кохе, шуно канк!*
*Радха-натха!туху хамара парана*

1. Ўзимда бор нарсаларнинг ҳаммасини - ақлим, танам ва оиламни - мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига қўйдим, эй Нанданинг ширин эркатойи!
2. Мен Сенинг нилуфар пойи қадамларинг паноҳи остига кирганимдан бери руҳий ҳаёт йўлида ҳеч қандай қийинчиликка учрамадим - бу ҳаётда бахтлиманми ёки омадсизликларга учраяпманми, тирикманми ёки ўлаяпманми, мени қизиқтирмайди.
3. Сен мени ўлдиришинг ёки ҳимоя қилишинг мумкин, чунки Сен - менинг ягона ҳукмдоримсан, мен эса - Сенинг мангу хизматкорингман.
4. Агар менинг яна бу дунёда туғилишимни истасанг, менга Сенинг содиқ хизматкоринг хонадонида туғилиш имконини бер.
5. Мен ҳатто чувалчанг бўлиб туғилишга ҳам розиман, фақат Сенинг содиқ хизматкоринг бўлиб қолсам, бас. Лекин, агар қалбимда Сенга нисбатан зиғирча муҳаббат бўлмаса, мен ҳатто қудратли Браҳма бўлиб ҳам туғилишни истамайман.
6. Мен қалбида дунёвий лаззатларга ва озодликка чиқишга интилиш туйғусидан асар бўлмаган Худонинг асл содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлишга интиламан.
7. Сен менинг ҳаётимсан: отам ҳам, онам ҳам, севгилим ҳам, ўғлим ҳам, устозим ҳам, эрим ҳам, Худойим ҳам ягона Сен Ўзингсан!
8. “О Кана, менинг гапларимга қулоқ сол! Эй Радханинг ҳукмдори, Сен - менинг ҳаётим қуёшисан!” - деб зорланади Бхактивинода Тхакур.

## Прасада-севая

*маха прасаде говинде*
*намо браҳмане вайшнаве*
*св-алпа-пунья-ватам раджан*
*вишвасо наива джайате*

*бхаи - ре!*
*шарира абидйа - джал, джодендрийа тахе кал,*
*дживе пхеле вишайа - сагоре*
*та “ра мадхйе джихва ати, лобхамой судурмати,*
*та” ке джета катхина самсаре*
*кришна баро дойамой, корибаре джихва джай,*
*сва - прасад - анна дило бхаи*
*сеи аннамрита пао, радха - кришна - гуна гао,*
*преме дако чаитанйа - нитаи*

Аввалги ҳаётларида Худога сиғиниб, етарли даражада савоб тўпламаган кишининг қалбида на махапрасадга, на Худонинг Ўзига, на Худонинг муқаддас номига, на Худонинг содиқларига иймон, ишонч туйғуси пайдо бўлмайди.

Эй оғайнилар! Моддий танамиз ғофиллик маконидир, сезгиларимиз эса, - бизни ҳалокатга элтувчи сўқмоқлардир. Тақдир тақозоси билан бизлар мана шу сезгиларимиз қулига айланиб, ғафлат ботқоғига ботиб қолганмиз. Барча сезгилар ичида нафс(тил) - энг очофат ва бўйсунмас, тўймас туйғудир. Тирик мавжудотнинг бу дунёда ўз нафсини қондириши жуда қийин. Аммо, Эй Парвардигор Кришна, Сенинг марҳаматинг чексиз, шу боис, тўймас нафсимизни қондира олишимиз учун бизга Ўз овқатингдан қолдириб бердинг. Ана шу лаззатли Кришна-прасаддан тотиб роҳатланинг ва Шри Шри Радҳа ва Кришнага ҳамду санолар айтинг! Муҳаббат билан “Чайтаньйа! “Нитай!” деб чорланг!

## Иккинчи қисм

*1*
*бхаи-ре!*
*эк-дина шантипуре, прабху адваитера гхаре,*
*дуи прабху бходжане босило*
*шак кори асвадана, прабху боле бхакта-гана,*
*эи шак кришна асвадило*
*2*
*хено шак-асвадане, кришна-према аисе мане,*
*сеи преме коро асвадана*
*джада-буддхи пари-хари, прасада бходжана кори,*
*хари хари боло сарва-джан*

1. Эй оғайнилар! Бир куни Шантипурда, Шри Адвайтанинг уйида, Парвардигор Чайтанйа Нитйананда билан бирга овқатланишга ўтирди, кўкатлардан тотиб кўриб, У шундай деди: “Эй содиқларим, мана бу шакнинг

таъми жуда зўр экан! Бундан Кришнанинг Ўзи албатта тотиб кўрган бўлса керак!”
2. “Ана шундай шакнинг таъми содиқнинг қалбида Кришнага муҳаббат уйғотади!” Бу прасадни Парвардигорга ана шундай муҳаббат билан тотиш керак. Ҳаёт ҳақидаги бошқа ҳар қандай моддий тасаввурларни четга суриб қўйингда, Худонинг прасадини тотиб, “Хари, Хари!” - деб куйланг!”

## Радха-Кришна бол
(“Гитавали”дан)

*1*
*радха-кришна бол бол боло ре собан*
*(эи) шикха дийа, саб надийа,*
*пхирчхе нече гаура-нитай*
*(мичхе) майар боше, джаччхо бхесе,*
*кхаччхо хабудубу, бхаи*
*2*
*(джив)кришна-дас, э бишвас,*
*корле то ар дуккхо наи*
*(кришна)болбе джабе, пулак хабе,*
*джхорбе анкхи, боли таи*
*3*
*(радха)кришна боло, санге чало,*
*эи-мантра бхикха чаи*
*(джай)сакал бипод, бхактивинод,*
*боле, джакхон о-нам гаи*

1. Бутун Надия бўйлаб рақсга тушиб айланиб юрган Парвардигор Чайтанйа ва Парвардигор Нитйананда ҳаммани “Тинмасдан “Радха-Кришна!” - деб куйланг!” - деб чорлайди. Эй оғайни, майянинг ҳукми остига тушиб, сен бекорга мусибат чекяпсан. Унинг қудратли тўлқинлари остида сен гоҳида юзага чиқасан, гоҳида алданиш, ғафлат уммонининг энг тубига тушиб юрибсан.
2. Аммо, алоҳида руҳ - Кришнанинг мангу хизматкори эканига ишонч ҳосил қилганингда барча мусибатларинг ўзидан ўзи изсиз йўқолиб кетади. Сен Кришнанинг муқаддас номларини куйлай бошлаганингда эса, бутун вужудинг жазавали лаззатдан титраб кетади, кўзларингдан Худога муҳаббат ёшлари тинмай оқа бошлайди. Менинг сенга айтадиган гапим шу.
3. Сендан ягона илтимосим - Худонинг содиқлари даврасида “Радха-Кришна!” - деб куйла! “Мен Худонинг муқаддас номларини шарафлаб куйлаганимда барча хавф-хатарлар ўз-ўзидан ғойиб бўлади!” - Бхактивинода Тхакур шундай дейди.

## Джая Радха-Мадхава
(“Гитавали”дан)

*(джайа) радҳа- мадхава (джайа) кунджа - бихари*
*(джайа)гопи-джана-валлабха(джайа) гири-вара-дхари*
*(джайа)йашода - нандана, (джайа) браджа -джана-ранджана,*
*(джайа)йамуна - тира - вана - чари*
Кришна - Радҳаранининг севгилиси. У Вриндаван бутазорларида Ўзининг ишқий ўйинларини намоён этади. У Враджа подачиларининг суюкли дилбанди, У катта Говардҳана тепалигини кўтарган. У Яшоданинг эркатойи ва Враджа аҳолисининг қалбларига қувонч бағишлайди. У Ямуна соҳилидаги ўрмонларда сайр қилиб юради.

Шрила Прабҳупада мана шу қўшиқни жуда яхши кўрар ва ҳар гал маъруза қилишдан олдин шу қўшиқни куйларди. У Аллаҳобод ва Горакхпурда маърузалар ўқиганида, биринчи икки қаторини куйлаб бўлиб чуқур жазавали лаззатга ғарқ бўлди. Бироз вақтдан кейин трансдан чиқиб, ўзига келганида: “Энди Ҳаре Кришна мантрасини куйланглар!” - деди. “Бу қўшиқ Вриндаванни аниқ-равшан тасвирлаб беради, - деган эди Шрила Прабҳупада. - Унда ҳаммаси бор: Шримати Радхарани, Вриндаван, Говардхана, Яшода, подачилар”.

## Сиддхи-лаласа
Руҳий баркамолликка эришиш истаги
(“Шаранагати”дан)

**1**
*кабе гаура-ване, сурадхуни-тате,*
*ха радхе ха кришна боле*
*кандийа бера бо, дехо-сукха чхари,*
*нана лата-тару-тале*
*2*
*шва-пача-грхете, магийа кхаибо,*
*пибо сарасвати-джала*
*пулине пулине, гара-гари дибо,*
*кори кришна-колахала*
*3*
*дхама-баси джане, пранати корийа,*
*магибо крпара леша*
*ваишнаба-чарана-рену гайа макхи,*
*дхори авадхута-беша*
*4*
*гауда-браджа-джане, бхеда на декхибо,*
*хоибо барадж-баси дхамера сварупа, спхурибе найане,*
*хоибо радхара даси*

1. Қачон кўзларимдан ҳижрон ёшлари тинмай оқа бошлайди? Қачон уйимни тарк этиб, чирмовуқларга ўралган қалин ўрмонда, самовий Ганга қирғоғида, ақлдан озган одамлардай, тинмасдан "О Радҳа, қаердасан? Кришна, Ўзингни кўрсат!" - деб нола қилиб юраркинман?
2. Ҳеч нарсадан нафратланмасдан, фақат одамлар берган садақа билан кун кечириб, чандалаларнинг уйларидан ҳам садақа сўрайман, Ганганинг ирмоқларидан лаззатланиб сув ичаман. "Кришна! Кришна!" деб, нола қилиб йиғлаган ҳолда, ерда юмалаб, дардимга чидамай тупроққа беланаман.
3. Муқаддас Навадвипада яшайдиган ҳар бир одам олдида тиз чўкиб, ундан марҳамат кутиб, дуо қилишларини сўраб илтижо қиламан. Девоналарнинг эски, жулдур кийимлари менинг либосим бўлади, вайшнавларнинг гарди пойи эса, - бебаҳо тақинчоқларим бўлади.
4. Кўзимни очиб, бирданига мен Враджада яшаётганимни, Гаудада яшаётган ҳар бир одам - *бриджабаси* эканини кўраман. Кўз олдимда муқаддас *дхама*, Вриндаван ва унинг маликаси Радҳарани намоён бўлади, мен эса, унинг канизаги эканимни кўраман.

## Кабе ха”бе боло

(из “Шаранагати”)

*кабе хабе боло се-дина амар*
*(амар)апарадха гхучи, шуддха наме ручи,*
*крипа-бале хабе хрдойе санчар*
*2*
*тринадхика хина, кабе нидже мани,*
*сахишнута-гуна хридойете ани*
*сакале манада,апани амани,*
*хойе асвадибо нама-раса-сар*
*3*
*дхана джана ара, кобита-сундари,*
*болибо на чахи дехо-сукха-кари*
*44*
*джанме-джанме дао, охе гаурахари!*
*ахаитуки бхакти чаране томар*
*4*
*(кабе)корите шри-кришна нама уччарана,*
*пулакита дехо гадгада бачана*
*баибарнйа-бепатху, хабе сангхатана,*
*нирантара нетре бабе ашру-дхар*
*5*
*кабе навадвипе, сурадхуни-тате,*
*гаура-нитйананда боли нишкапате*
*начийа гаийа, бераибо чхуте,*
*батулера прайа чхарийа бичар*
*6*
*кабе нитйананда, море кори дойа,*
*чхараибе мора вишайера чхайа,*
*намера хатете дибе адхикар*
*7*
*кинибо, лутибо, хари-нама-раса,*
*нама-расе мати хоибо бибаша*
*расера расика чарана параша,*
*корийа моджибо расе анибар*
*8*
*кабе джибе дойа, хоибе удойа,*
*нииджа-сукха бхули судина-хрдойа*
*бхакативинода, корийа бинойа,*
*шри-аджна-тахала корибе прачар*

1. Қачон, айт, қачон ана шундай кун келади? Барча ҳақоратлардан халос бўлиб, Сенинг чексиз марҳаматинг билан қалбимда лаззат, муқаддас ном лаззатини қачон сезар эканман? Қачон, айт, қачон шундай кун келади?
2. Қачон ўзимнинг, ҳатто йўлдаги хасдан ҳам паст эканимни сезаман ва ҳурмат-эътиборга, шон-шуҳратга интилишни тарк этиб, ҳар бир инсон олдида эҳтиром билан бош эга оламан? Қачон, айт, қачон шундай кун келади?
3. Қачон дунёвий лаззатлар, издошларим, бойлик, шеърият, дунёвий муҳаббат ва ёш, гўзал қизларнинг чиройли қарашларига эътибор бермайдиган бўлиб, қалбимни Сенга бўлган муҳаббат туйғуси бутунлай қамраб олади? Қачон, айт, қачон шундай кун келади?
4. Қачон овозим титраб, кўзларимдан тинмай муҳаббат ёшлари оқа бошлайди, қачон вужудимни ҳайрат бутунлай қоплаб олиб, жазава билан титроқ босади? Қачон "Кришна" деган товушни эшитган заҳоти овозим бўғзимга тиқилиб, юзим оқариб кетади? Қачон, айт, қачон шундай кун келади?
5. Қачон ақлдан озган одамдай, Ганганинг қирғоқларида: "Гауранга! Нитянанда!" - деб қичқирганча елиб, югуриб юраман? Қачон оёқларим рақсга тушиб, қўлларим самога кўтарилади? Қачон одамлар орасида "Навадвипанинг жинниси" деган отга қолиб, йиғлаб, қўшиқлар айтаман. Қачон, айт, қачон шундай кунлар келади?
6. Қачон Нитьянанда менга марҳамат кўрсатаркан, қачон ғаройиб майянинг кўз-қарашлари менга ўз таъсирини ўтказолмай қоларкин? Қачон Унинг раҳми келиб, муқаддас ном билан савдо қиладиган бозордан менга ҳам панох бераркин? Қачон, айт, қачон шундай кун келади?
7. Шу жойда, муқаддас ном бозорида, то чексиз бахт лаззатидан ҳушимдан кетиб йиқилгунча харинама-расанинг шарбатидан ўғирлаш, сотиш, сотиб олиш билан шуғулланаман. Вайшнавларнинг нилуфар қадамлари пойига бошимни теккизиб, ана шу ғаройиб *раса*(лаззат) таъмини татиб кўраман. Қачон, айт, қачон шундай кун келади?
8. Қачон Бхактивиноданинг қалбида адашган бандаларга нисбатан ачиниш, ҳамдардлик туйғуси пайдо бўлади? Қачон бахтли бўлиш ва таъмагирлик туйғуларидан бутунлай халос бўла оламан. Қачон дунё бўйлаб кезиб, учраган ҳар бир одамдан, Ер юзига Гауранга қиёфасида ташриф буюрган ягона Парвардигорнинг амрига бўйсунишини илтимос қилиб, камтар ва бахтиёр кезиб юра оламан? Қачон, айт, қачон шундай кун келади?

## Шуддха-бхаката
(“Шаранагати”дан)

*1*
*шуддха-бхаката чарана-рену,*
*бхаджана-анукула*
*бхаката-сева, парама-сиддхи,*
*према-латикара мула*
*2*
*мадхава-титхи, бхакти-джанани,*
*джатане палана кори*
*кришна-басати боли,*
*парама адаре бори*
*3*
*гаур амара, дже-саба стхане,*
*корало бхрамана ранге*
*се-саба стхана, херибо ами,*
*пранайи-бхаката-санге*
*4*
*мриданга-бадйа, шуните мана,*
*абасара сада джаче*
*гаура-бихита, киртана шуни,*
*ананде хрдойа наче*
*5*
*дугала-мурти, декхийа мора,*
*парама-ананда хойа*
*прасада-себа, корите хойа,*
*сакала прапанча джайа*
*6*
*дже-дина грхе, бхаджана декхи,*
*грхете голока бхайа*
*чарана-сидху, декхийа ганга,*
*сукха са сима пайа*
*7*
*туласи декхи, джурайа прана,*
*мадхава-тошани джани*
*гаура-прийа, шака-севане,*

*дживана сартхака мани*
*8*
*бхакативинода, кришна-бхаджане,*
*анукула пайа джаха*
*прати-дибасе, парама-сукхе,*
*свикара коройе таха*

1. Қалби пок вайшнавларнинг пойи қадамларидан олинган гард инсонни Кришнага садоқат билан хизмат қилиш бахтига олиб келади. Вайшнавларга хизмат қилиш руҳий баркамоллик чўққиси ва Парвардигорга илоҳий муҳаббат илдизидир.
2. Муқаддас улуғ саналар ва Мадхаванинг байрамлари уларни нишонлаган кишининг қалбида Парвардигорга нисбатан илоҳий муҳаббат туйғусини уйғотади. Кришна яшаган муқаддас жойлар инсонга бу дунёда яшашда ёрдам бериб, унинг қалбида Худога нисбатан ҳаяжонли эҳтиром туйғусини уйғотади.
3. Мен қалбимга азиз вайшнавларни тўплайман ва улар билан бирга Гауранга Ўзининг табаррук оёқ изларини ва бошқа ҳар хил эсдаликлар қолдириб кетган жойларнинг барчасини зиёрат қиламан.
4. Мриданга овозларини эшитишим билан ақлим яйраб кетади ва Худонинг муқаддас номларини куйлагим келади. Гауранга шарафига айтилган ҳамду-санолар овози қалбимни ларзага солиб, яйратиб юборади.
5. Радха ва Говинданинг муртиларини кўрганимда уларнинг чиройли жамолига маҳлиё бўлиб қувонаман. Уларнинг прасадига хизмат қилиб, бу ўткинчи дунё чангалидан халос бўламан.
6. Вайшнавлар меҳмонга келиб Парвардигор Харига хизмат қилганларида уйим Голокага айланади. Парвардигор Ўзининг пойи қадамларини ювган муқаддас Гангага кўзим тушганида бахтиёрликдан ўзимни бутунлай унутиб қўяман.
7. О Туласи! Сен менинг қалбимга ором бағишлайсан: биламанки, сен - Кришна учун ҳаммадан ҳам азизроқсан. Гауранга яхши кўрадиган таом - шакга эҳтиром кўрсатаётганимда - умрим бекор ўтмаётганини ҳис қиламан.
8. Бхактивинода зорланиб илтижо қилади: Ҳар куни менга Кришнани эслатиб турадиган нарсаларнинг барчасини қабул қиламан ва шулар билан яшаётганимдан бахтиёрман.

## Бхога- арати
(“Гитавали”дан)

*бхаджа бхаката-ватсала шри гаурахари*
*шри-гаурахари сохи гоштха-бихари,*
*нанда-джашомати-читта-хари*
*2*
*бала холо, дамодара, аиса экхано*
*бхога-мандире боси корахо бходжана*
*3*
*нандера нидеше баисе гири-бара-дхари*
*баладева-саха сакха баисе сари сари*
*4*
*шукта-шакади бхаджи налита кушманда*
*дали дална дугдха- тумби дадхи моча-кханда*
*5*
*мудга-бора маша-бора ротика гхртанна*
*шашкули пиштака кхир пули пайасанна*
*6*
*карпура амрита-кели рамбха кхира-сара*
*амрита расала, амла двадаша пракара*
*7*
*лучи чини сарпури ладду расабали*
*бходжана корена кришна хойе кутухали*
*8*
*радхикара пакка анна вивидха бйанджана*
*парама ананде кришна корена бходжана*
*9*
*чхале-бале ладду кхай шри-мадхумангала*
*багала баджай ара дейа хари-боло*
*10*
*радхикади гане хери найанера коне*
*трипта хойе кхай кришна джашода-бхаване*
*11*
*бходжананте пийе кришна субасита бари*
*сабе мукха пракхалои хойе сари сари*
*12*
*хаста-мукха пракхалийа джата сакха-гане*
*ананде бишрама коре баладева-сане*
*13*
*джамбула расала ане тамбула-масала*
*таха кхейе кришна-чандра сукхе нидра гела*
*14*
*бишалакха шикхи-пуччха-чамара дхулайа*
*апурба шаййайа кришна сукхе нидра джайа*
*15*
*джашомати-аджна пейе дхаништха-анито*
*шри-кришна-прасада радха бхундже хойе прито*
*16*
*лалитади сакхи-гана авашеша пайа*
*мане мане сукхе радха-кришна-гуна гайа*
*17*
*хари-лила эк-матра джахара прамода*
*бхогарати гай тхакур бхакативинода*

1. Ўзининг содиқларига нисбатан жуда меҳрибон бўлган Шри Гаурахарига сажда қил. У ўша бир вақтлар Враджа яйловларида югуриб юрган, Нанда ва Яшоданинг қалбини Ўзига ром этиб олган ягона Парвардигор, Кришнанинг Ўзи бўлади.
2. “Азизим Дамодара, - деб чақиради Яшода Кришнани, - жуда кеч бўлиб кетди. Тезроқ уйга кел, овқатланиш пайти келди”.
3. Говардхана тоғини кўтарган Кришна Нанда Махаражнинг амри билан Ўз ўрнига ўтиради, Ундан кейин қаторлашиб, Кришнанинг оғаси Шри Балорам билан бошқа подачи болалар ҳам ўтирадилар.
4. Уларга катта зиёфат мунтазир: шукта ва ҳар хил кўкатлардан кейин қовурилиб пишган таомлар, жутнинг яшил япроқларидан тўғралган салат, кейин қовоқ, мева тўла идишлар, чечевица(ясмиқ дони) ва қуюқ сутдан қилинган тўртбурчак печеньелар, кейин қуюқ қатиқ, сутда бўктирилган кабачкилар ва банан дарахтининг гулларидан қилинган таомлар келади.
5. Кейин уларга мунг ва урад-далдан қилинган сомсалар, сариёғ билан чапати ва гуруч, шунингдек, сут, шакар ва кунжутдан қилинган ширинликлар, гуруч унидан қилинган чўраклар, қуюлтирилган сут, сутда пиширилган сомса ва ширин гуруч берадилар.
6. Шундан кейин, камфаранинг шарофати билан шарбатга ўхшаган ширин гуруч, бананлар ва ажойиб ширали пишлоқ, кейин тамаринда, лимон, апелсин ва анорлар билан бирга ўн икки турли ачитиб пишириладиган таомлар берадилар.

7. Ундан кейин шакарга оқ ун қўшиб, қаймоқ қўшиб пиширилган пурилар, ладду ва ширин гуруч билан қайнатилган мошдан қилинган пирожкилар. Кришна бу таомларнинг барчасидан лаззат билан овқатланади.
8. Чексиз лаззат ва қувонч билан Кришна Шримати Радхарани тайёрлаган гуручдан, устига *карри* сепилган сабзавотлардан, печенье ва ширинликлардан тотади.
9. Кришнанинг ҳазилкаш дўсти, ҳеч қачон ладдуга тўймайдиган браҳман Мадҳумангала* ҳар хил баҳоналар билан Ундан *ладду* сўраб олади. Ладдуни еганида эса: “Харибол! Харибол!” - деб қичқириб, икки қўли билан қўлтиғининг тагига ғалати товушлар чиқариб, шапатилаб, ҳаммани кулдиради.
10. Шримати Радхарани ва Унинг дугоналарига кўз қирини ташлаб, Яшода онанинг уйида Кришна лаззатланиб овқатланади.
11. Кришна тушликдан кейин муаттар ҳидли бинафша ранг сувдан ичади. Кейин подачи болаларнинг ҳаммаси қатор туриб оғизларини чаядилар.
12. Оғизларини чайиб, қўлларини ювгандан кейин таърифлаб бўлмайдиган лаззат олган подачи болалар Парвардигор Балорама билан бирга дам олиш учун кетадилар.
13. Айни пайтда Жамбула ва Расала Кришнага бетел ёнғоғи, *катеху* ва бошқа ҳар хил зираворлардан тайёрланган *пан* олиб келадилар. Пан еб бўлиб, мамнун бўлган Шри Кришначандра ухлашга йўл олади.
14. Ажойиб ўриндиқда Кришна лаззат билан уйқуга кетганида, хизматкори Вишалакша Уни товус патларидан қилинган елпиғич билан елпиб туради.
15. Яшода онанинг илтимоси билан Дхаништха деган гопи Шримати Радхаранига Кришнанинг тарелкасида қолган овқат қолдиқларини бериб юборади, Шримати Радхарани чуқур мамнуният билан кришна-прасаддан ейди.
16. Лалита-деви ва бошқа гопилар, Унинг овқат қолдиқларини еб, қалблари қувончга тўлиб, Шри Шри Радха ва Кришнанинг шуҳратини шарафлаб куйлайдилар.
17. Парвардигор Харининг илоҳий ўйинлари ҳаётининг ягона қувончи бўлган Бхактивинода Тхакур “Бхогаарати” деб аталган шу қўшиқни куйлайди.

*"Бхакти-расамрита-синдху"да ёзилганки, овқатланиш пайтида Мадҳумангала ҳаммадан кўп овқат ер, айниқса ладдуга ўч эди. Шунда ҳам тўймасдан, Кришнадан ялиниб сўрай бошларди:

50

“Кришна, менга яна бир ладду бер, мен “Сендан Шримати Радхарани ҳамиша мамнун бўлиб юрсин!” - деб Сени дуо қиламан.

## Гаура - арати
(“Гитавали”дан)

*джайа джайа горачандер аратико шобха*
*джахнави - тата - ване джага - мана - лобха*
*(припев)*
*гаурангер аротик шобха*
*джага - джана - мана - лобха*
*2*
*дакхине нитайчанд, баме гададхара*
*никате адваита, шриниваса чхатра - дхара*
*3*
*босиачхе горачанд ратна - симхасане*
*арати корен брахма - ади дева - гане*
*4*
*нарахари - ади кори чамара дхулайа*
*санджайа - мукунда - васу - гхош - ади гайа*
*5*
*шанкха бадже гханта бадже бадже каратала*
*мадхура мриданга бадже парама расала*
*(припев)*
*шанкха бадже гханта бадже*
*мадхур мадхур мадхур бадже*
*6*
*баху - коти чандра джини вадана уджджвала*
*гала - деше бана - мала коре джхаламала*
*7*
*шива - шука - нарада преме гада - гада*
*бхактивинода декхе горара сампада*

1. Парвардигор Чайтанйага сиғинишнинг ажойиб маросимига ҳамду-санолар бўлсин! Бу маросим Гаура-арати Жахнави(Ганга) дарёси соҳилидаги бутазорда ўтказилади ва ўзига бутун оламни жалб этади.
2. Парвардигор Чайтанйанинг ўнг томонида Парвардигор Нитйананда, чап томонида - Шри Гададҳара. Шри Адвайта уларнинг ёнида турибди, Шривас Тхакур эса, Парвардигор Чайтанйа боши узра соябон ушлаб турибди.
3. Парвардигор Чайтанйа қимматбаҳо тошлар билан безалган тахтиравонда савлат тўкиб ўтирибди. Фаришталар Тангри Браҳма раҳбарлигида Унга сиғиниш(*арати*) маросимини ўтказяптилар.
4. Нарахари Саракара ва Парвардигор Чайтанйанинг бошқа йўлдошлари Уни чамаралар билан елпийдилар. Содиқлар эса, Санжай Пандит, Мукунда Датта ва Васу Гҳош бошчилигида Худонинг муқаддас номларини ёқимли куйлаяптилар.
5. Чалинаётган сурларнинг, қўнғироқчаларнинг, караталаларнинг майин, жарангдор овозлари-ю мридангаларнинг гумбурлаган товушлари эшитилиб турибди. Муқаддас номларни куйлаш оҳанги бениҳоя мароқли ва уни тинглаётганларга тенгсиз лаззат бағишлайди.
6. Парвардигор Чайтанйанинг сиймоси минглаб қуёш чақнаётгандек нур таратади, Унинг бўйнига осилган ўрмон гулларидан қилинган гулчамбар эса, кўзни қамаштиргудай ярқирайди.
7. Парвардигор Шива, Шукадева Госвами ва Нарада Муни ҳам шу ерда; Парвардигорга бўлган муҳаббат нашъасидан уларнинг овозлари титраб чиқади. Парвардигор Чайтанйанинг улуғворлигини Бҳактивинода Тҳакур мана шундай тассавур этади.

## Шри Нама-киртан
муқаддас номларни куйлаш
(“Гитавали”дан)

йашомати-нандана, браджа-баро-нагара
гокула-ранджана кана
гопи-парана-дхана, мадана-манохара,
калийа-дамана-видхана
2
амала харинам амийа-виласа
випина-пурандара, навина нагара-бора,
бамши-бадана суваса
3
браджа-джана-палана, асура-кула-нашана,
нанда-годхана-ракховала
говинда мадхава, наванита-таскара,

сундара нанда-гопала
4
джамуна-тата-чара, гопи-басана-хара,
раса-расика, крипамойа
шри-радха-валлабха, бриндабана-натабара,
бхакативинод-ашрайа

1. Ҳамма Кана деб атайдиган Парвардигор Кришна - Яшоданинг севимли эркатойи. У - Враджада яшайдиган илоҳий ошиқ, Гокулада яшайдиганларнинг қувончи ва гопиларнинг ҳаёт нури. У севги фариштаси Купидонни ҳам ақлдан оздиради, У илон Калияни жазолайди.
2. Парвардигор Харининг соф, муқаддас номлари Унинг илоҳий ўйинларининг ширин лаззатига тўла. Кришна - Враджадаги ўн икки ўрмоннинг ҳукмдори. У ҳамиша ёш, навқирон, ошиқлар орасида Унга тенг келадигани йўқ. У ғайритабиий юксак дид билан кийинади ва ҳамиша Ўзининг чиройли найини чалиб юради.
3. Кришна - Враджа аҳолисининг посбони ва иблислар сулоласига қирон келтирувчи Зот. У Нанда Махаражнинг сигирларини боқиб юради ва ерга, сигирларга ва руҳий сезгиларга чексиз лаззат келтиради. У - равнақ фариштасининг рафиқаси. У - қаймоқ ўғриси ва Нанада Махаражнинг ўғли бўлган ажойиб подачи болакай.
4. Кришна Ямуна қирғоқлари бўйлаб сайр қилиб юради. У дарёда чўмилаётган враджалик ёш қизларнинг кийимларини ўғирлади. У *раса* рақсининг ширин лаззатига ғарқ бўлади; У - Вриндаваннинг энг яхши раққоси ва У жуда меҳрибон; у - Шримати Радхаранининг севгилиси, Ўзи ҳам Унга шундай чуқур муҳаббат билан жавоб беради. Бхактивинода Тхакурнинг ҳаётида Ундан бошқа бирор қароргоҳи, бирор қувончи йўқ.

## Туми Сарвешварешвара
(“Шаранагати”дан)

*1. туми сарвешварешвара, браджендра-кумара!*
*томара иччхайа бишве сриджана самхара*

*2. тава иччха-мато брахма корена сриджана*
*тава иччха-мато бишну корена палана*

*3. тава иччха-мате шива корена самхара*
*тава иччха-мате майа сридже карагара*

*4. тава иччха-мате дживер джанама-марана*
*самриддхи-нипата духкха сукха-самгхатана*

*5. мичхе майа-баддха джива аша-паше пхире*
*тава иччха бина кичху корите на паре*

*6. туми то ракхака ар палака амара*
*томара чарана бина аша нахи ара*

*7. ниджа-бала-чешта-прати бхараса чхарийа*
*томара иччхай ачхи нирбхара корийа*

*8. бхакативинода ати дина акинчана*
*томара иччхай тара джибана марана*

1. О Кришна, Враджендра-Кумар, Враджа ҳукмдорининг эркатойи, бутун борлиқни яратувчи ва яксон қилувчи Парвардигор! Бутун олам ҳукмдори Сен Ўзингсан!
2. Сенинг амрингга бўйсуниб, Браҳма бу моддий оламни яратди. Сенинг амринг билан Парвардигор Вишну унинг мавжудлигини таъминлаб туради.
3. Сенинг амринг билан вақти келганда Тангри Шива уни яксон қилади. Майя ҳам Сенинг амрингга бўйсуниб, ўзининг ғофиллик зулматини яратади.
4. Сенинг амринг билан, белгиланган пайтда ўлиш учун шартланган руҳлар бу дунёда туғиладилар. Бахт ва мусибат, омад ва кулфатлар ҳам Сенинг амринг билан уларнинг бошига тушади.
5. Орзу-истак ва эҳтирослар домига тушиб, майя чангалига тушиб қолган руҳ безовта бўлиб, хавотирда типирчилайди. Агар Сен Ўзинг ёрдам бермасанг, эй Парвардигор, у(адашган руҳ) ноилож, нотавон ҳолда бирор чора тополмайди.
6. Менинг ягона ҳукмдорим ва нажоткорим Сен Ўзингсан. Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан ўзга бирор орзуим қолмади. О Кришна, мен ҳамиша, ҳар бир ҳаракатимда, итоаткор камтарин ҳолда фақат Ўзингдан умидвор бўлиб, Сенга таваккал қиламан.
7. Ҳаётдаги бошқа барча уриниш ва интилишларим бефойда ва бемаъни эканини англаб етдим. Энди менга бутунлай Сенинг амринг билан яшашга изн бер!
8. Бхактивинода - энди Сенинг кўримсиз, мискин нотавон бир хизматкоринг, унинг манманлиги ва мағрурлиги ниҳоясига етди. Шу боис, энди мени ўлдирасанми ёки тирик қолдирасанми, бу ёғи Ўзингга ҳавола.

## Охе! Вайшнава Тхакура
(“Шаранагати”дан)

*1. Охе!*
*ваишнаба тхакура, дойара сагара,*
*э дасе коруна кори*
*дийа пада-чхайа, шодхо хе амайа,*
*томара чарана дхори*
*2. чхайа бега доми, чхайа доша шодхи,*
*чхайа гуна дехо дасе*
*чхайа сат-санга, дехо хе амаре,*
*босхечхи сангера аше*
*3. экаки амара, нахи пайа бала,*
*хари-нама-санкиртане*
*туми крипа кори, шраддха-бинду-дийа,*
*дехо кришна-нама-дхане*
*4. кришна се томара, кришна дите паро,*
*томара шакати ачхе*
*ами то кангала, кришна кришна боли,*
*дхаи тава пачхе пачхе*

1. О Вайшнава Тхакур, эй марҳамат уммони! Сендан ўтиниб сўрайман, менга, Сенинг камтарин, итоаткор қулингга раҳминг келсин, нилуфар қадамларинг пойидан менга нажот бер, манманлик ва бошқа иллатлардан қалбимни поклашга ёрдам бер, о Тхакур. Мен Сенинг нажоткор қадамларинг пойига маҳкам ёпишиб олганман, ундан ажралишга қўрқаман.
2. Тхакур, олти ўжар, асов хуруж(нафсим)ни енгишда менга ёрдам бер. Мендаги олти иллатни яксон қилиб, олти эзгу фазилат ато эт*. О Вайшнава Тхакур! Ҳаётда ҳамиша авлиё, табаррук зотлар суҳбатида бўлишимга ёрдам бер. Мен умидвор бўлиб сенга кўз тикаман: менга ҳамиша сен билан қолишга рухсат бер.

3. Сенсиз мен муқаддас номларни шарафлай олмайман. Энди куч-кувватим қолмаган. Қалбимдаги шижоат олови пасайган. Мендан марҳаматингни дариғ тутмай, қалбимни комил ишонч, чуқур иймон билан тўлдир. Чуқур иймон уруғи билан Кришнанинг муқаддас номини ҳадя қил.
4. Ишончим комилки, Кришна - сенинг мулкинг, агар Уни сен менга ато этмасанг, менга бошқа ким уни Уни бера олади? Мискин ва ночорман. Энди ҳаётда ҳеч кимим, бирор бисотим қолмади. Шу боис, кўзларим ёшга тўлиб, изма-из сенга эргашиб югурганимча зор йиғлаб нола қиламан: "Кришна! Кришна!  Кришна!..."

*Олти иллат: кўп овқат ейиш ёки керагидан кўп мол-дунё тўплаш; дунёвий орзу-ҳавасларга эришиш учун ҳаддан ташқари интилиш; дунёвий ташвишлар ҳақида бемаъни, фисқу-фасод гаплар; муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга ҳаддан ташқари катта эътибор бериш ёки уларга етарли эътибор бермаслик; руҳий ҳаёт билан қизиқмайдиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш; дунёвий муваффақиятга, ютуқларга интилиш. Олти хуруж - ақлнинг, тилнинг, қориннинг, жинсий аъзоларнинг, ғазабнинг ва нутқнинг хуружи. Олти эзгу фазилат - иштиёқ; сабр; ишонч; Худога садоқат билан хизмат қилишга фойдали бўлган ишни қилишга қатъий қарор, иймонсизлар билан ҳамсуҳбат бўлишдан воз кечиш; ҳамиша аввалги ўтган буюк устозлар изидан бориш. Авлиё зотлар билан бўладиган руҳий муносабатлар ҳам олти хил бўлади: - эҳсон совға қилиш, эҳсон қабул қилиш, ички сирларни айтиш, чуқур ишонч ва садоқат билан хизмат қилишга доир самимий саволлар бериш, бошқаларни прасад билан меҳмон қилиш, бошқалардан прасад қабул қилиш.

## Вибхавари Шеша
(“Калйана-калпатару”дан)

*1. вибхавари шеша, алока-правеша,*
*нидра чхари утхо джива*
*боло хари хари, мукунда мурари,*
*рама кришна хайагрива*
*2. нрисимха вамана, шри-мадхусудана,*
*браджендра-нандана шйама*
*путана-гхатана, каитабха-шатана,*
*джайа дашаратхи-рама*
*3. йашода дулала, говинда-гопала,*
*вриндавана пурандара*
*гопи-прийа-джана, радхика-рамана,*
*бхувана-сундара-бара*
*4. раванантакара, макхана-таскара,*
*гопи-джана-вастра-хари*
*браджера ракхала, гопа-вринда-пала,*
*читта-хари бамши-дхари*
*5. йогиндра-бандана, шри-нанда-нандана,*
*бракжа-джана-бхайа-хари*
*навина нирада, рупа манохара,*
*мохана-бамши-бихари*
*6. йашода-нандана, камса-нисудана,*
*никунджа-раса-виласи*
*кадамба-канана, раса-парайана,*
*бринда-випина-ниваси*
*7.  ананда-вардхана, према-никетана,*
*пхула-шара-джоджака кама*
*гопангана-гана, читта-винодана,*
*самаста-гуна-гана-дхама*
*8.  джамуна-дживана, кели-парайана,*
*манаса-чандра-чакора*
*нама-судха-раса, гао кришна-джайа,*
*ракхо вачана мана мора*

1. Тун охирлаб қолди, тонг ёриша бошлади. Ғафлат уйқусидан уйғон, эй тирик жон! Сени мангу озодликка чиқарадиган Парвардигор Харининг муқаддас номларини куйла! У - олий лаззатланувчи, У - барчани Ўзига маҳлиё қилади. У - Хаягрива, калласи отнинг калласига ўхшаш қиёфада ҳам намоён бўлган, иблис Муранинг душмани бўлган Илоҳий Зот.
2. Иблис Мадхуни ўлдирган Парвардигор Хари(Кришна), ярим одам - ярим арслон қиёфасида, шунингдек, Упендра номли пакана браҳман қиёфасида ҳам намоён бўлган. У Нанда Махаражнинг севимли эркатойи, унинг танаси қорамтир рангда. У ялмоғиз Путанани ва иблис Кайтабхуни ўлдирди. Бу дунёга Шоҳ Дашаратханинг ўғли Рама бўлиб келган Парвардигор Харига шон-шарафлар бўлсин!
3. У - она Яшоданинг суюкли эркатойи, У ерга, сигирларга ва руҳий сезгиларга лаззат беради. У - сигирларнинг ҳимоячиси ва Вриндаван ўрмонларининг ҳукмдори. У - Радхиканинг севгилиси, У гопиларга жуда азиз. Бутун жаҳонда Ундан гўзалроқ зот йўқ.
4. Рамачандра кўринишида келиб У иблислар шоҳи Раванни яксон қилди; Кришна кўринишида келиб, У ёши катта гопиларнинг қаймоқларини ўғирларди, бир куни ёш гопилар дарёда чўмилаётганида, уларнинг кийимларини ўғирлаб қўйган. У - Враджалик подачи ва бошқа подачиларнинг ҳимоячиси. У - ҳамманинг қалбини Ўзига ром этиб қўяди, У ҳеч қачон Ўзининг найидан ажралмайди.
5. Парвардигор Кришна - Нанданинг ўғли, Унга энг буюк йоглар сажда қиладилар. У Враджа аҳолисининг қалбларидан ҳар қандай қўрқувни тарқатиб юборади. Унинг танаси осмонда эндигина пайдо бўлган ёмғирли булут рангида, У Ўзининг гўзаллиги билан ҳаммани мафтун этади.
6. У - Яшоданинг ўғли, У шоҳ Камсани ўлдирди. У Вриндаван ўрмонида яшайди ва Враджа бутазорларида, *кадамба* дарахтлари тагида *раса* рақсига тушиб лаззатланади.
7. У Ўзининг содиқларининг жазавали лаззатини чуқурлаштиради. У - муҳаббат уммони ва У - ишқий истакларини кучайтириш учун гопиларга гуллардан пайкон юборадиган илоҳий Купидон. У - уларнинг қалбларининг қувончи ва барча ажойиб эзгу фазилатлар даргоҳи.
8. Парвардигор Кришна - Ямуна дарёсининг ҳаёти. У ҳамиша ишқий эрмакларга ғарқ бўлиб яшайди. У - фақат ой нури билан озиқланадиган *чакора* қушларига ўхшаган гопилар ақлининг Ойи. Эй ақлим, менинг гапларимга қулоқ сол ва Шри Кришнани шарафлаб, мана шу лаззатга тўла муқаддас номларни куйла!

## Видъйара виласе
(“Шаранагати”дан)

*видйара виласе,  катаину кала,*
*парама сахасе ами*
*томара чарана, на бхаджину кабху,*
*экхона шарана туми*
*2. порите порите, бхараса барило,*
*джнане гати хабе мани*
*се аша бипхала, се джнана дурдабала,*
*се джнана аджнана джани*
*3. джада-видйа джато, майара ваибхава,*
*томара бхаджане бадха*
*моха джанамийа, анитйа сомсаре,*
*джибаке карайе гадха*

*4. сеи гадха хойе, самсарера боджха,*
*бахину анека кала*
*бардхакйе экхано, шактира абхаве,*
*кичху нахи лаге бхало*
*5. дживана джатана, хоило экхано,*
*се видйа авидйа бхело*
*авидйара джала, гхатило бишама.*
*се видйа хоило шело*
*6. томара чарана, бина кичху дхана*
*сомсаре на ачхе ара*
*бхакативинода, джада-бидйа чхаре,*
*тува пада коре сара*

1-2. Зўр иштиёқ билан илм ўрганишга берилиб, умримни бекорга сарфладим. Илм ўрганиш - ҳаётимнинг олий мақсади бўлиб кўринган эди. Ҳар бир ўқиган китобим орзу-умидларимни кучайтирар, ишончимни яна ҳам мустаҳкамларди. Аммо бугун - буларнинг барчаси мутлақо бемаъни эканини аниқ кўриб турибман. Барча умидларим пучга чиқди ва ўрганган шунча дунёвий илмларимдан ҳеч нарса қолмади.
3. Дунёвий илм - Сенга хизмат қилишни унутиш, майанинг рўёси, шайтоннинг алдамчи ҳийласи. Мангу руҳий оламда, ҳамиша лаззат оғушида роҳатланиб юрган улуғвор руҳлар эндиликда алданиш домига тушиб, *самсара* чангалида юрган ачинарли ҳолатдаги эшакларга айланганлар. Ана шулардан бири менман.
4. Ўткинчи дунёвий ҳаётнинг кераксиз, оғир юкини узоқ йиллар давомида елкасида кўтариб келаётган шундай эшак - мен бўламан. Мана энди қарилик ҳам етиб келди, сезгиларим ҳам хиралашиб қолган, энди ҳаётда бирор нарса мени қувонтира олмайди.
5. Дунёвий ҳаёт мен учун оғир бир дардга айланди. Олган шунча илмларим ҳаётда бирор мусибатдан халос бўлишда ёрдам бера олмади, аксинча, улар шунча умримни бекорга ўғирлаган ғафлат ва нодонлик экан, холос. Ғофиллик пайкони қалбимга наштардек санчиляпти, қалбимда фақат чуқур алам-изтироб қолган.
6. "Эй, Худойим! Сенинг пойи қадамларингдан ўзга менинг бирор хазинам йўқ. Шу пойи қадамларинг кекса умримнинг мазмуни бўлсин деб, билган нарсаларимнинг ҳаммасидан воз кечаман!" Кўзларидан бетиним ёшлар тўкиб Бхактивинода Сенга зорланиб илтижо қилади.

## Нароттама дас Тхакурнинг қўшиқлари

### Вайшнаве вигьяпти

Вайшнавга илтижо
(“Прартхана”дан)

*1. эи-баро каруна коро ваишнава госаи*
*патита-павана тома бине кехо наи*
*2 джахара никате геле папа дуре джай*
*эмона дойала прабху кеба котха пай*
*3 гангара параша хоиле пашчате паван*
*даршане павитра коро-эи томара гун*
*4 хари-стхане апарадхе таре хари-нам*
*тома стхане апарадхе нахи паритран*
*5 томара хридойе сада говинда-вишрам*
*говинда кохена-мора ваишнава паран*
*6 прати-джанме кори аша чаранера дхули*
*нароттаме коро дойа апанара боли*

1. О вайшнав-госвами, сендан илтимос, менга раҳминг келсин. Бу дунёда адашган руҳларни поклашга қодир бўлган сендан бошқа бирор зот йўқ.
2. Бир марта учрашиш шарофати билан ҳамма гуноҳлардан покланиш мумкин бўлган ана шундай шахсни яна қаердан топиш мумкин?
3. Муқаддас Ганга сувлари гуноҳларидан поклаши учун инсон унда жуда кўп марта чўмилиши лозим. Сен эса, шу қадар қудратлисанки, адашган руҳлар шунчаки сени кўришлари биланоқ покланадилар.
4. Парвардигор Харини ҳақорат қилган одамнинг гуноҳини муқаддас ном қутқариб қолади, аммо сени ҳақоратлаган одамни ҳеч ким қутқара олмайди.
5. Парвардигор Говинда ҳамиша сенинг қалбингда ором олади, айни пайтда, Парвардигор Говинда: “Вайшнавлар ҳамиша Менинг қалбимда!” - дейди.
6. Бундан кейинги ҳаётларимнинг барчасида, улар яна қанча бўлса ҳам, танамни сенинг нилуфар қадамларинг гарди пойи билан буркашни истайман. Билиб қўй: Нароттама - сеники; илтимос, ундан ўз марҳаматингни дариғ тутма, уни марҳаматингдан маҳрум этма.

### Ишта-деве вигьяпти

Севимли Парвардигорга илтижо
(“Прартхана”дан)

*Хари хари! бипхале жанама гонаину*
*манушйа-джанама паийа, радха-кришна на бхаджийа,*
*джанийа шунийа биша кхаину*
*2 голокера према-дхана, хари-нама-санкиртана,*
*рати на джанмило кене тай*
*самсара-бишанале, диба-ниши хийа джвале,*
*джураите на коину упай*
*3 браджендра-нандана джеи, шачи-сута хоило сеи,*
*баларама хоило нитаи*
*дина-хина джата чхило, хари-наме уддхарило,*
*тара шакши джагаи мадхаи*
*4 ха ха прабху нанда-сута, вршабхану-сута-джута,*
*коруна карохо эи-баро*
*нароттама-даса кой, на тхелихо ранга пай,*
*тома бине ке ачхе амара*

1. Эй Парвардигор Хари, умрим бекорга ўтди. Бутун умрим давомида онгли равишда заҳар ичиб келдим, чунки, инсон танасида туғилган бўлсам ҳам, Радха ва Кришнага сажда қилмадим.
2. Голока Вриндаваннинг илоҳий муҳаббат жавоҳири Ер сайёрасига Парвардигор Харининг муқаддас номларини биргаликда куйлаш кўринишида ташриф буюрди. Нимага ана шу жараён мени ўзига жалб қилмади? Кеча-ю кундуз дунёвий ташвишлар заҳри қалбимни куйдиради, ана шу азоб-уқубатлардан қутулиш имкониятидан фойдаланиб қолмадим.
3. Парвардигор Кришна, Враджа шоҳининг ўғли энди Шачининг ўғли(Парвардигор Чайтанйа) бўлди, Балорам эса, - Нитай бўлди. Муқаддас ном барча адашган ва бахтиқаро зотларни руҳий озодликка чиқарди, бунга яққол мисол - икки ашаддий гуноҳкор - Жагай ва Мадхай.
4. Эй Парвардигор Кришна, ҳамиша Вришабханунинг қизи билан бирга бўладиган о Нанданинг ўғли, илтимос, менга раҳминг келсин: “Эй азиз Худойим, қизғиш

рангли нилуфар қадамларинг пойидан мени ҳайдама, чунки мен Сендан бошқа ҳеч кимни сева олмайман" - деб зорланади Нароттама дас.

## Лаласамайи прартхана

(“Прартхана”дан)

*1 гауранга болите хабе пулака-шарира*
*хари хари болите найане бабе нира*
*2 ара кабе нитаи-чандер коруна хоибе*
*самсара-басана мора кабе туччха хабе*

*3 вишайа чхарийа кабе шуддха хабе мана*
*кабе хама херабо шри-бриндабана*

*4 рупа-рагхунатха-паде хоибе акути*
*кабе хама буджхабо се джугала-пирити*

*5 рупа-рагхунатха-паде раху мора аша*
*прартхана коройе сада нароттама-даса*

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабҳупаданинг изоҳи

Бу қўшиқнинг муаллифи Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори, Парвардигор Чайтанйага бориб тақаладиган Гаудия-сампрадайа шогирдлар силсиласига мансуб бўлган буюк *ачарйа*. Нароттама дас Тхакур барча вайшнавлар тан олган жуда кўп қўшиқлар ёзган. У бу қўшиқларни оддий бенгал тилида ёзган, лекин бу қўшиқларда чуқур маъно яширингани сабабли улар жуда катта аҳамиятга эга.

Мазкур қўшиқда у: *гауранга болите хабе пулака шарира*, дейди. Агар кимдир бутун жаҳонга *санкиртана*, Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш ҳаракатини бошлаб берган Парвардигор Гауранганинг номларини тилига олганида бутун вужуди титраб кетса, ундай одам Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда баркамолликка эришган инсон бўлади. Тақлид қилиш билан жазава ҳолатини юзага келтириб бўлмайди, яъни, бундай ҳолат сохта бўлмайди. Шунда ҳам Нароттама дас Тхакур савол беради: “Мен Парвардигор Гауранганинг номларини куйлай бошлашим билан бутун вужудим титраб кетадиган бахтиёр онлар қачон келаркин?” Ана шундай ҳолатга эришганда, - *хари хари болите найане бабе нира*: “Ҳаре Кришна мантрасини куйлаганда содиқнинг кўзидан беихтиёр ёш оқиб кетади”.

Кейин у шундай дейди: *ара кабе нитай-чандер коруна хоибе*. Бизлар барчамиз Парвардигор Нитьянандадан марҳамат кўрсатишини илтижо қиламиз. Нитйананда бошланғич руҳий устоз, шу боис, Гаруангага, Парвардигор Чайтанйага яқинлашиш учун аввало Парвардигор Нитйананданинг марҳаматига эришиш лозим. Парвардигор Нитйананданинг бесабаб марҳаматига эришган кишини қандай таниб олиш мумкин? Нароттама дас Тхакурнинг айтишига кўра, Парвардигор Нитйананданинг бесабаб марҳаматига эришган одамнинг алоҳида белгиси шундан иборатки, унинг қалбида дунёвий истаклардан асар ҳам қолмайди. *Ара кабе нитай-чандер коруна хоибе-басана мора кабе туччха ха бе. Самсара-басана* дегани “дунёвий лаззатларга интилиш” деганни билдиради. Нароттама дас ўзига савол беради: “ана шундай интилиш сенда қачон тамом бўлади?” Албатта, биз моддий танага эга бўлгандан кейин, унинг моддий эҳтиёжларини қаноатлантиришимиз лозим, аммо, бундай эҳтиёжларни қондиришни лаззатланиш даражасига кўтармаслик, аксинча, шунчаки тананинг ҳаётини сақлаб туриш даражасидагина қилиш керак.

Кейин Нароттама дас Тхакур айтадики, *рупа-рагхунатха-паде, хоибе акути* - “Қачон менинг қалбимда олти Госвами ёзиб кетган асарларни ўқиб чиқишга қаттиқ интилиш туйғуси пайдо бўларкин?” *акути* дегани “кучли инитилиш”, “кучли иштиёқ” деганни билдиради. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлининг отаси Шрила Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху" асарини ёзган, унда садоқат билан хизмат қилишга тааллуқли бўлган жуда кўп насиҳат ва кўрсатмалар мавжуд. Бу масалалар "Чайтанйа Чаритамрита" ва бошқа асарларда ҳам кўриб чиқилган. Ана шу кўрсатмаларнинг қисқача баёни "Парвардигор Чайтанйа таълимоти" асаримизда келтирилган. Радха ва Кришнанинг ишқий муносабатларини англаб етиш учун олти Госвамининг кўрсатмаларига амал қилиш керак. Нароттама дас Тхакур бизларни Радха-Кришнанинг ишқий муносабатларини чекланган ақлимизга ишониб ўзимиз англашга интилишни маслаҳат бермайди. Бу *угала-парити* - илоҳий ошиқлар муҳаббатини фақат Госвамилар насиҳатларига риоя қилган ҳолда англаб етиш мумкин.

Токи инсоннинг ақли дунёвий фикр-мулоҳазаларга тўла экан, у Вриндаван салтанатига кира олмайди. Аммо, Нароттама дас Тхакур шундай деди: *“вишайа чхарийа кабе шуддха ха”бе мана кабе хама херабо шри-бриндабана* - “Қачон ақлим бутунлай покланса ва барча дунёвий ташвиш ва истаклардан халос бўлсам, мен Вриндаванни ва Радха ва Кришнани англай оламан, шунда мен руҳий юксалиш йўлида баркамолликка эришиб, ҳаётим муваффақият билан ниҳоясига етган бўлади”.

## нама-санкиртана

*хари харайе намаҳ кришна йадавайа намаҳ*
*йадавайа мадхавайа кешавайа намаҳ*

*2 гопала говинда рама шри-мадхусудана*
*гиридхари гопинатха мадана-мохана*

*3 шри-чаитанйа-нитйананда шри-адвайта-сита*
*хари гуру ваишнаба бхагавата гита*

*4 шри-рупа санатана бхатта-рагхунатх*
*шри-джива гопала-бхатта даса-рагхунатх*

*5 эи чхай госаир кори чарана вандан*
*джаха хоите бигхна-наш абхишта-пуран*

*6 эи чхай госаи джар-муи тар дас*
*та-сабара пада-рену мора панча-грас*

*7 тадера чарана-себи-бхакта-сане бас*
*джанаме джанаме хой эи абхилаш*

*8 эи чхай госаи джабе брадже коила бас*
*радха-кришна-нитйа-лила корила пракаш*

*9 ананде боло хари бхаджа бриндабан*
*шри-гуру-ваишнаба-паде маджайа ман*

*10 шри-гуру-ваишнаба-пада-падма кори аш*
*нама-санкиртана кохе нароттама дас*

Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабҳупаданинг изоҳи

Шрила Нароттама дас Тхакур ёзган бу қўшиқлар Бенгалия ва Орисса вилоятидаги содиқлар орасида кенг тарқалган. Парвардигор Чайтанйа Гайада Шри Ишвара Пуридан фотиҳа олиб, Навадвипага қайтиб келганида, унинг шогирдлари аввалги Нимайни таний олмай қолдилар, чунки У қалби Худога муҳаббат туйғусига ғарқ бўлганидан Ўзини телбалардай тутарди. Одатдагидай грамматика қоидаларини тушунтириш ўрнига бирор гапни таҳлил қилар экан, Парвардигор Чайтанйа ҳар бир санскритча сўз ва ҳарфни Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси билан боғлар эди. Грамматик таҳлилнинг бу усули кейинчалик Шрила Жива Госваминининг “Хари-намамрита-вйакарна”(“Шри Харининг лаззатли номлари грамматикаси”) асарида яна ҳам ривложлантирилди. Лекин, Парвардигор Чайтанйанинг ўқувчилари Уни ақлдан озган бўлса керак деб ўйлаб, Уни даволашга киришдилар ва Унинг калласига ақл безовта бўлганда суртиладиган “Вишну балзами” деган ёғ суртдилар. Ниҳоят улар Парвардигор Чайтанйадан сўрадилар: “Сен ҳамма нарса Кришна, бизнинг ҳаётда қилишимиз лозим бўлган ягона иш - Унинг муқаддас номини зикр қилиш” - дейсан. Биз буни қандай амалга оширишимиз лозим?” Уларга жавобан Парвардигор Чайтанйа қарсак чалиб, Кришнанинг муқаддас номларини куйлай бошлади. Шу тарзда У *нама-санкиртана* ҳаракатини бошлаб берди. Парвардигорнинг куйлаган муқаддас номлари қўшиқнинг биринчи икки қаторида кўрсатилган; Нароттама дас Тхакур ва бошқа ачарйалар шу муқаддас номлар, ана шу воқеалар одамларнинг онгига сингиб қолишини ўйлаб, ана шу номларни ўз асарларининг бошида келтирадилар.

Кейин Нароттама дас Тхакур Парвардигор Чайтанйанинг, Парвардигор Нитйананданинг, Шри Адвайтанинг ва Ситанинг (Парвардигор Адвайтанинг рафиқаси) номларини тилга олади. Парвардигор Хари ҳам, руҳий устоз ҳам, "Бхагавад Гита" ҳам илоҳий руҳий поғонадаги зотлардир, шунинг учун уларга баробар хурмат билан хизмат қилиш лозим. Шундан сўнг Шрила Нароттама олти Госвамининг номларини келтиради, “Мен уларнинг оёғига йиқиламан, - деб куйлайди у, - чунки уларнинг пойи қадамлари инсон шунча узоқ йиллар давомида сабр билан чидаб келаётган барча азоб-уқубатлардан халос этишга қодир. Мен ана шу олти Госвамининг хизматкориман, уларнинг нилуфар қадамлари пойиидан олинган чанг эса, мен учун беш турли таом билан тенг. Ягона истагим - умрлар оша уларнинг пойи қадамларига хизмат қилишдан ва ҳеч қачон Худонинг содиқлари даврасини тарк этмасликдан иборат. Олти Госвами Вриндаванда яшаганида Шри Шри Радха-Кришнанинг мангу илоҳий ўйинларини таърифлаб асарлар ёздилар. Парвардигор Чайтанйа Ер юзига ташриф буюришидан олдин Парвардигор Кришнанинг илоҳий ўйинлари ўтган ҳақиқий жойлар маълум эмас эди. Шунинг учун Парвардигор Чайтанйа олти Госвамига шу жойларни излаб топиб, шу ерда эҳромлар қуришни буюрди. Раса рақси бўлиб ўтган жой яқинида “Шри Шри Радха-Дамодара” эҳроми қурилди, Шрила Рупа Госвами бошлиқ олти Госвами тез-тез шу ерда тўпланиб, ўз асарларини муҳокама қилардилар. Улар ўз асарларида Шри Шри Радҳа-Кришнанинг улуғвор илоҳий ўйинларини илмий жиҳатдан тушунтириб бердилар. Нароттама дас Тхакур ҳаммани даъват қилиб шундай дейди: "Ҳаётингизни ҳақиқий руҳий устозга ва Худонинг содиқларига хизмат қилишга бағишлаб, Парвардигор Харининг муқаддас номларини баланд овозда куйланг!” Қўшиқ охирида у шундай дейди: "Руҳий устоз ва авлиё вайшнавларнинг нилуфар қадамлари пойи марҳаматига таваккал қилиб, Нароттама дас Парвардигор Харига *санкиртана* куйлайди: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

## Сакхи-вринде вигьяпти

(Сакхиларга илтижо, “Прартхана”дан)

*радха-кришна прана мора жугала-кишора*
*дживане маране гати аро нахи мора*

*2 калиндира куле кели-кадамбера вана*
*ратана-бедира упара босабо дуджана*

*3 шйама-гаури-анге дибо(чува) чандарена гандха*
*чамара дхулабо кабе хери мукха-чандра*

*4 гатхийа малатир мала дибо дохара гале*
*адхаре тулийа дибо карпура-тамбуле*

*5 лалита вишакха-ади джата сакхи-брнда*
*аджнайа корибо себа чаранаравинда*

*6 шри-кршна-чаитанйа-прабхур дасер анудаса*
*сева абхилаша коре нароттама-даса*

1. Илоҳий жуфт, Шри Шри Радха ва Кришна - менинг ҳаётим нури. Ҳаётим давом этадими ёки ажалим етиб турибдими, Улардан бошқа бирор нажот маконим йўқ.
2. Ямуна қирғоғида кадамба дарахтлари ўсиб турган ўрмонда мен илоҳий ошиқларни ўзидан нур таратиб турадиган қимматбаҳо гавҳарлардан ясалган тахтиравонга ўтқазаман.
3. Уларнинг қорамтир ва сарғиш таналарига муаттар ҳид таратиб турган сандал пастаси суртиб, Уларни чамара билан елпий бошлайман. Оҳ, қачон уларнинг ойдай гўзал жамолини кўрар эканман?
4. Уларнинг бўйнига малати гулларидан гулчамбар осаман ва Уларнинг нилуфарсимон лабларига тамбулу, муаттар ҳидли камфара таклиф қиламан.
5. Лалита ва Вишакха бошлиқ барча сакхиларнинг рухсати билан мен Радха ва Кришнанинг пойи қадамларига садоқат билан хизмат қиламан.
6. Нароттама дас, Шри Кришна Чайтанйа Махапрабҳунинг хизматкорининг содиқ хизматкори илоҳий ошиқларга ана шундай хизмат қилишга муштоқ.

## сапарша-бхагавад-вираха-жанита-вилапа

Парвардигор ва Унинг ҳамроҳларидан айрилиқ доғида йиғлаш.
(“Прартхана”дан)

*1 дже анило према-дхана коруна прачур*

*хено прабху котха гела ачарйа-тхакур*

*2 каха мора сваруп рупа каха санатан*
*каха даса рагхунатха патита-паван*

*3 каха мора бхатта-джуга каха кавирадж*
*эка-кале котха гела гора ната-радж*

*4 пашане кутибо матха анале пашибо*
*гауранга гунера нидхи котха геле пабо*

*5 се-саба сангира санге дже коило билас*
*се-санга на пайа канде нароттама дас*

1. Ҳамдардлик билдириб, меҳрибонлик билан Шриниваса Ачарйа бизларга мана шу бебаҳо неъматни эҳсон қилди, - энди у қаерга кетди?
2. Менинг Сварупа Дамодарам ва Рупа Госвами қани? Санатана қани? Адашган руҳларни қутқарувчи Рагхунатха дас қани?
3. Рагхунатха Бхатта ва Гопала Бхатта қани? Кришнадас Кавираджа қани? Буюк раққос Парвардигор Гауранга бирдан қаерга ғойиб бўлди?
4. Мен бошимни тошга уриб ёраман, ўзимни оловга ташлайман! Барча ажойиб фазилатлар тимсоли Парвардигор Гаурангани қаердан топаман?
5. Бирга Ўзининг илоҳий эрмакларини ўтказган ана шу содиқлари даврасида юрган Парвардигор Гаурангага яқинлаша олмай, Нароттама дас зор зор йиғлайди.

## Шри Гуру - вандана

Руҳий устозга сажда қилиш
(“Према-бхакти-чандрики”дан)

*1*
*шри - гуру - чарана - падма,*
*кевала - бхакати - садма*
*бандо муи савадхана мате*
*джахара прасаде бхаи,*
*э бхава торийа джаи,*
*кришна - прапти хой джаха ха”те*
*2*
*гуру - мукха - падма - вакйа,*
*читтете корийа аикйа*
*ар на корихо мане аша*
*шри - гуру - чаране рати,*
*эи се уттама - гати*
*дже прасаде пуре сарва аша*
*3*
*чакху - дан дило джеи,*
*джанме джанме прабху сеи,*
*дивйа - гьян хриде прокашито*
*према - бхакти джаха хоите,*
*авидйа винаша джате*
*веде гай джахара чарито*
*4*
*шри - гуру каруна - синдху,*
*адхама джанара бандху,*
*локанатх локера дживана*
*ха ха прабху коро дойа,*
*дехо море пада - чхайа*
*эбе джаша гхушук трибхувана*

1. Руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойи - Худога соф садоқат билан хизмат қилишга элтувчи ягона йўл. Мен унинг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром билан бош эгаман. Фақат руҳий устознинг марҳамати билангина биз бу моддий олам уммонини кечиб ўтиб, Кришнанинг марҳаматига сазовор бўла оламиз.
2. Менинг ягона истагим - руҳий устозимнинг нилуфарсимон оғизларидан чиқаётган насиҳатлар онгимни ҳам покласин! Руҳий устознинг нилуфар қадамларига боғланиш - руҳий баркамолликка эришишнинг энг самарали усулидир. Барча орзуларимиз фақат унинг марҳамати билан рўёбга чиқади.
3. У менинг ғафлат босган кўзларимни очиб, қалбимни илоҳий илм нури билан ёритди. Шу боис, у умрлар оша менинг руҳий ҳожам, ҳукмдоримдир. У қалблардаги ғафлат зулматини ёритиб, соф муҳаббат лаззатидан баҳраманд этади. Барча муқаддас ёзувлар унинг улуғворлигига тасанно айтади.
4. Эй руҳий устоз, эй мурувват уммони, эй адашган бандаларнинг дўсти, сен содиқ хизматкорларнинг ҳожаси ва насиҳатгўйисан. Эй устоз, мендан ўз марҳаматингни дариғ тутма ва менга нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топишимга имкон бер. Сенинг шону-шуҳратинг бутун уч оламга таралсин!

## Саварна-шри-гаура-пада-падме прартхана

Шри Гауранганинг нилуфар қадамлари пойига илтижо

*1.*
*шри-кришна-чайтанйа прабху дойа коро море*
*тома бина ке дойалу джагат-самсаре*
*2*
*патита-павана-хету тава аватара*
*молам сама патита прабху на паибе ара*
*3*
*ха ха прабху нитйананда, премананда сукхи*
*крипабалокана коро ами боро дукххи*
*4*
*дойа коро сита-пати адваита госаи*
*тава крпа-бале паи чаитанйа-нитаи*
*5*
*ха ха сваруп, санатана, рупа, Рагхунатха*
*бхатта-джуга, шри-джива ха прабху локанатха*
*6*
*дойа коро шри-ачарйа прабху шриниваса*
*рамачандра-санга маге нароттама-даса*

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг изоҳи.

Бу қўшиқда Нароттама дас Тхакур Парвардигор Чайтанйага шундай илтижо қилади: “Эй азиз Худойим, илтимос, менга раҳминг келсин, бутун уч оламда Сендан меҳрибонроқ, Сендан раҳмдилроқ бирор Зот йўқ”. Ҳақиқатан ҳам шундай. Парвардигор Чайтанйага бундай илтижо билан мурожаат қилган фақат Нароттама дас Тхакур эмас, Шрила Рупа Госвами ҳам Унга шундай илтижо қилади. Парвардигор Чайтанйа билан Праяг(Аллахобод)да биринчи марта учрашиб, Шрила Рупа Госвами шундай дейди: "Эй азиз Худойим, Сен – Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфалари ичида энг саховатлисисан, чунки Сен одамларга Кришнага муҳаббат туйғусини, Кришна онгини туҳфа қиласан”. Парвардигор Кришнанинг Ўзи Ер юзига ташриф буюрганида У бизлардан аввало ўз ихтиёримизни Унга топширишни талаб қилган, лекин Ўзини бундай саховат

билан одамларга тарқатмаган эди. У барибир шарт қўйган эди: “Аввал ўз ихтиёрингни Менга топшир!” Аммо, Парвардигор Чайтанйа гарчи У Парвардигор Кришнанинг Ўзи бўлса ҳам, ҳеч қандай шарт қўймайди. У Кришнага муҳаббат туйғусини барчага баробар ато этади ва: “Мана олинг!” - дейди. Шунинг учун Парвардигор Чайтанйа Парвардигорнинг энг саховатли қиёфаси деб аталади. Нароттама дас Тхакур шундай дейди: "Илтимос, менга раҳминг келсин. Ҳозирги даврда одамларнинг қанчалик жаҳолатга юз тутганини кўриб, Сен уларга жуда олийжаноблик қилдинг, қалбинг уларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси билан тўлди. Билсанг, мен энг гуноҳкор осий бандангман. Бу оламда мендан ҳам гуноҳкорроқ одам йўқ”. *Патита-павана-хету тава аватара* - “Сен бу ерга фақат адашган шартланган руҳларни тўғри йўлга солиш учун ташриф буюрдинг, аммо мен Сени ишонтириб айтаман: Сен мендан ҳам гуноҳкорроқ бирор кимсани тополмайсан. Шунинг учун қутқаришни мендан бошла.”

Кейин у Парвардигор Нитйанандага илтижо қилади: *ха ха прабху нитйананда премананда-сукхи* - “Азиз Парвардигор Нитйананда, Сен қувонч ва руҳий лаззатга тўласан. Сен ҳамиша жуда бахтиёр кўринасан, мен шунинг учун Сенинг олдингга келдим, чунки мен ҳаммадан ҳам бахтсизроқман. Агар Сен менга Ўзингнинг меҳр тўла нигоҳингни ташласанг, балки мен ҳам худди Сендай бахтиёр бўларман”. Кейин у Адвайта Ачарйага илтижо қилади. *Дойа коро сита-пати адваита госаи*. Адвайта Прабхунинг хотинининг исми Сита, шу боис, баъзан Уни *сита-пати* деб атайдилар. Нароттама дас Тхакур Унга илтижо қилади: “Азизим Адвайта Прабху, Ситанинг рафиқаси, Сен жуда меҳрибонсан. Менга Ўз марҳаматингни кўрсат. Агар Сен менга раҳм қилсанг, Парвардигор Чайтанйа ва Нитйананда ҳам менга раҳм қиладилар”. Аслида айнан Адвайта Прабху Парвардигор Чайтанйадан руҳий оламдан бу оламга тушишни илтимос қилган эди. Барча адашган руҳлар Кришна онгидан, Парвардигорнинг ниятидан бехабар ҳолда, фақат ҳиссий лаззатланишга бутунлай ғарқ бўлиб юрганини кўриб, Адвайта Прабху уларга нисбатан чуқур ҳамдардлик билдирди. Айни пайтда У тушундики, Унинг Ўзи бу адашган руҳларга ёрдам бера олмайди, шунинг учун Парвардигор Кришнага илтижо қила бошлади: “Илтимос, Ўзинг кел! Бу адашган руҳларни фақат Сен Ўзинг қутқара оласан!” Унинг илтимоси билан Парвардигор Чайтанйа Ер юзига ташриф буюрди. Шунинг учун Нароттама дас Тхакур Адвайта Прабхуга илтижо қилади: “Агар Сенинг менга раҳминг келса, Парвардигор Чайтанйа ва Нитйананда ҳам мендан Ўз марҳаматларини дариғ тутмайдилар”.

Кейин у Госвамиларга илтижо қилади: *ха ха сваруп санатана рупа рагхунатха. Сваруп* деганда Сварупа Дамодара, Парвардигор Чайтанйанинг шахсий котиби кўзда тутилган. У ҳамиша Чайтанйа Махапрабҳу билан бирга юрар ва Унинг ҳамма истакларини амалга оширарди. Сварупа Дамодара ва Говинда, Парвардигор Чайтанйанинг икки яқин йўлдоши, ҳамиша Парвардигор билан бирга юрардилар. Шунинг учун Нароттама дас Тхакур Сварупа Дамодарага, кейин Парвардигор Чайтанйанинг энг яқин шогирдлари бўлган олти Госвамига илтижо қилади: Шрила Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Гопала Бхатта Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Рагхунатха дас Госвами. Ана шу олти Госвами Парвардигор Чайтанйадан бевосита мана шу Кришнани англаш ҳаракатини кенгайтиришга кўрсатма олдилар. Нароттама дас Тхакур улардан ҳам ўзига марҳамат кўрсатишларини тилаб илтижо қилади.

Кейинги *ачарйа*, олти Госваминингг издоши Шринивааса Ачарйа. Нароттама дас Тхакур у билан деярли бир даврда яшаган, шу боис шогирдлар силсиласида ундан кейинги ўринда туради. Нароттама даснинг яқин дўстларидан бири Рамачандра Чакраварти эди, Нароттама дас шундай илтижо қилади: “Мен ҳамиша Рамачандра билан бирга бўлишни истайман!” У ҳамиша Худонинг асл содиқ хизматкорининг ёнида бўлишни истайди. Аслини олганда бу Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг асосий қоидаларидан бири: биз марҳамат кўрсатишини тилаб, ҳамиша буюк ачарйаларга, руҳий устозларга илтижо қилишимиз ва Худонинг асл содиқлари билан бирга бўлишимиз лозим. Шунда ҳаётда Кришна онги билан яшашимиз, Парвардигор Чайтанйа ва Парвардигор Кришнанинг марҳаматига эришишимиз осон бўлади. Нароттама дас Тхакур ўзининг қўшиғида шу ҳақда куйлайди.

## Манах - шикша

Ақлимга насиҳат

(“Прартхана”дан)

*нитаи-пада-камала, коти-чандра-сушитала,*
*дже чхайай джагата джурай*
*хено нитаи бине бхаи, радха-кришна паите наи,*
*дридха кори дхаро нитаир пай*
*2*
*се самбандха нахи джар, бритха джанма гело тар,*
*сеи пашу боро дурачар*
*нитаи на болило мукхе, маджило самсара-сукхе,*
*видйа-куле ки корибе тар*
*3*
*аханкаре матта хоийа, нитаи-пада пасарийа,*
*асатйере сатйа кори мани*
*нитайер коруна хабе, брадже радха-кришна пабе,*
*дхаро нитаи-чарана ду”кхани*
*4*
*нитайер чарана сатйа, тахара севака нитйа,*
*нитаи-пада сада коро аша*
*нароттама боро дукхи, нитаи море коро сукхи,*
*ракхо ранга-чаранера паша*

Сиз Нароттама дас Тхакурнинг ажойиб қўшиқларидан яна бири билан танишяпсиз. Бу қўшиқда у *нитаи-пада*, яъни, Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи (*камала* -”нилуфар” дегани, *пада* эса, - “пойи қадамлари”) бир эмас, бир неча миллион ой нури келтирадиган ором, осойишталик даргоҳи экани ҳақида гапиради. Тасаввур қилиб кўринг, бир неча миллион ой кишининг қалбига қанчалик ором бериб нур таратади, осойишталик келтиради. Дўзах сари шиддат билан бораётган бу моддий олам(*жагат*), ҳамиша даҳшатли ёнғин ичида, шу боис бу дунёдаги ҳар бир тирик мавжудот тиним билмай ҳаёт учун, тирикчилик учун оғир кураш олиб боради. Агар одам ана шу бемаъни курашдан тин олиб, ором олишни, осойишталикка эришишни истаса, Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кириб олиши керак. Унинг нилуфар қадамлари пойи худди нур сочиб турган миллион Ойдай кишининг қалбига ором бағишлайди. *Журайа* дегани “озодлик” деган маънони

англатади. Тирикчилик учун курашни тарк этиб, қалбидаги дунёвий мусибатлар оловини ўчиришга интилаётган ҳар бир кишига Нароттама дас Тхакур шундай насиҳат беради: “Парвардигор Нитйананданинг паноҳига киринг!”

Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кирган киши нимага эришади? Нароттама дас Тхакур шундай жавоб беради: *хено нитаи бине бхаи* - токи инсон Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кирмас экан, *радха-кришна паите наи* - унинг Радха-Кришнага яқинлашиши жуда қийин бўлади. Кришнани англаш Халқаро жамиятининг мақсади - бизга Радха-Кришнага яқинлашиш ва Парвардигорнинг барчага чексиз илоҳий лаззат бағишлайдиган раса-рақсида Унга ҳамроҳ бўлишда ёрдамлашишдан иборат. Радха-Кришнанинг *раса* рақсида иштирок этишни истаган одам Нароттама дас Тхакурнинг маслаҳати билан Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кириши лозим.

У яна шундай дейди: *"се самбандха нахи. Самбандха* дегани “алоқа”, “боғланиш” деганни билдиради. Парвардигор Нитйананда билан алоқа ўрната олмаган киши инсон танаси берадиган нодир имкониятни қўлдан бой бериб, умрини хазон қилган бўлади. Бу ҳақда Нароттама дас Тхакурнинг бошқа қўшиғида ҳам айтилган: *хари хари бипхале жанама гонаину* - Нитйананда билан муносабатини қайта тикламаган, шу йўл билан Радха-Кришнага яқинлашишга уриниб кўрмаган одам умрини бекорга яшаган бўлади. *Бритха* дегани “бефойда”, “бемаъни” деганни, *жанма* - “ҳаёт”, *та”р* - “уни”, *самбандха* - “ўзаро муносабатлар” деган маънони билдиради. Бебаҳо неъматга, инсон танасига эга бўла туриб, Парвардигор Нитйананда билан ўзаро муносабат ўрната олмаган киши ўз умрини хазон қилади. Нимага? *Сеи пашу боро дурачар. Сеи* дегани “ўша”, *пашу* - “ҳайвон”, *дурачар* - “аҳмоқона ишлар билан машғул бўлган”, “энг пасткаш ишлар қиладиган” деганни билдиради. Агар инсон ҳаётда Парвардигор Чайтанйа ва Парвардигор Нитйананданинг марҳаматига эришиб, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интилмаса, ўз умрини бекорга хазон қилади, чунки у ўзининг ҳайвоний туйғуларининг талабларини қондириб, нафсининг, шаҳвоний эҳтиросининг қули бўлиб яшайди. Нароттама дас айтадики, ҳайвонни бирор нарсага ўргатиш, жиловлаб олиш мумкин, аммо, агар инсон ўзининг ҳайвоний эҳтиросининг қули бўлиб, ҳайвонларга ўхшаб яшай бошласа, - бу энг даҳшатли ҳолат бўлади. Чунки ундай одамни ҳайвонликдан, ваҳшийликдан қайтариб бўлмайди. Оддий мушук, ит ва йўлбарсларни қўлга ўргатиш мумкин, лекин инсон ҳақиқат йўлидан адашиб, ўзига буюрилган, инсонга муносиб иш билан шуғулланмай, яъни, ҳаётда Худонинг хоҳиши билан, Кришна онги билан яшамай, ўзининг юксак даражада ривожланган ақлидан ҳайвоний туйғуларининг талабини қондиришда фойдалана бошласа, ундай одамни тўхтатиб бўлмайди. Ҳукумат қандай қонунлар чиқармасин, бу қонунлар ўғрини ҳалол пок инсон қилиб тарбиялай олмайди, чунки унинг қалби булғанган. Ҳаммага маълумки, ҳукумат жиноятчиларни жазолайди, бунинг устига муқаддас китобларда ҳам уларнинг дўзахда қаттиқ қийналиши айтилган, шунга қарамай, иблис табиатли одамлар қилиб юрган ишлари ёмон эканини яхши билсалар ҳам, ҳатто жиноий иш қилгани учун жазоланган одамларни ўз кўзи билан кўрган бўлса ҳам, уларни жиноятдан, гуноҳ ишлардан тўхтатиб бўлмайди.

Ундай одамлар нима билан шуғулланадилар? *Нитай на болило мукхе*. Нитйананданинг ким эканини билмасдан, улар ҳеч қачон Парвардигор Нитйананда ва Парвардигор Чайтанйанинг номларини тилга олмайдилар. *Маджило самсара-сукхе. Маджило* дегани “ғарқ бўлади” деганни билдиради. Ундай одамлар моддий сезгиларини лаззатлантириш билан банд. Парвардигор Нитйананда ва Парвардигор Чайтанйа ким экани уларни қизиқтирмайди, шу боис улар моддий тирикчилик уммонига тобора чуқурроқ ботиб бораверадилар. *Видйа-куле ки корибе тар* - агар инсон Нитйананда билан умуман боғланмаган бўлса, у ҳеч қачон Кришнани, Худони англаш йўлига сира кирмаган бўлса, *видйа*, яъни, дунёвий илми ҳам, *кула*, яъни, обрўли хонадонда ёки буюк давлатда туғилиши ҳам уни дўзах азобидан қутқариб қола олмайди. Одам қанчалик обрўли оилада ёки буюк давлатда туғилган бўлмасин, дунёвий илмларни қанчалик чуқур эгаллаган бўлмасин, табиат қонуни бўйича, ажали етганда унинг бутун фаолияти бирданига тўхтаб қолади, ана шу фаолиятига яраша у навбатдаги танага эга бўлади.

Инсон қиёфасидаги мана шу ҳайвонлар нима сабабдан бу дунёда шундай яшайдилар? *Аханкаре матта хоийа нитаи-пада пасарийа*. Улар ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эга, уларнинг ақли бузилган, улар Парвардигор Нитйананда билан ўзаро мангу муносабатларини унутиб қўйганлар. *Асатйере сатйа кори мани* - ана шундай унутувчан одамлар Парвардигорнинг алдамчи қувватини ҳақиқий, ўткинчи нарсаларни - мангу деб қабул қиладилар. *Асатйере* - “аслида йўқ нарса”, *майя*, сароб. Вақтинчалик алданиш, аслида йўқ бўлган нарсани *майя* деб атайдилар. Нитйананда билан боғланмаган киши ўзининг ўткинчи танасини ҳақиқий, мангу мавжуд бўлган ”ўзим” деб қабул қилади.

Нароттама дас яна айтадики: *нитайийер коруна хабе, брадже радха-кришна пабе* - “Агар сен ҳақиқатан ҳам Радха-Кришна билан ҳамсуҳбат бўлишга интилаётган бўлсанг, аввало Парвардигор Нитйананданинг марҳаматига сазовор бўлишинг керак. Фақат Унинг марҳамати билангина сен Радха-Кришнага яқинлаша оласан”. *Дхаро нитаи-чарана ду”кхани.* Нароттама дас бизга Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойига маҳкамроқ ёпишишни маслаҳат беради.

Кейин у шундай дейди: *нитай-чарана сатйа*. Майяга қаттиқ ёпишиб олиб, Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи ҳам *майя* сингари ўткинчи нарса деб ўйлаган одам қаттиқ адашади. *Нитаи-чарана сатйа* - Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойи алданиш, сароб эмас, аниқ ҳақиқатдир. *Тахара севака нитйа* - Нитйанандага илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ҳам илоҳий табиатга эга экани ҳақиқат. Кришна онги билан яшаб юриб, ҳаётини илоҳий муҳаббат билан Парвардигор Нитйанандага хизмат қилишга бағишлаган киши шу заҳотиёқ ўзининг руҳий оламдаги илм ва лаззатга тўла азалий мангу илоҳий ҳолатига қайтади. Шунинг учун Нароттама дас шундай дейди: *нитай-пада сада коро аша* - “ҳамиша Парвардигор Нитйананданинг нилуфар қадамлари пойига ёпишишга ҳаракат қил!”

*Нароттама баро дукхи*. Нароттама дас Тхакур, ачарйа, “мен жуда бахтиқароман” дейди. Аслида у бизларниг ҳолатимизга тушиб, жуда бахтиқаро одам тили-

дан бизга мурожаат қиляпти. У шундай дейди: "Эй азиз Худойим, мен жуда бахтиқароман!” *нитаи море коро сукхи.* - “шунинг учун Парвардигор Нитйанандага менга бахт беришини тилаб илтижо қиламан”. *Ракхо ранга-чаранаера паша* - “Илтимос, менга нилуфар қадамларинг пойидан нажот бер!”

## Шри Рупа манжари пада

Шри Рупа Манжарининг пойи қадамлари
(“Прартхана”дан)

*шри рупа манжари пада, сеи мора сампада*
*сеи мор бхаджана-пуджана*
*сеи мора прана-дхана, сеи мора абхарана,*
*сеи мор дживанера джвана*
*2*
*сеи мора раса-нидхи, сеи мора ванчха-сиддхи,*
*сеи мор ведера дхарама*
*сеи брата, сеи тапа, сеи мора мантра-джапа,*
*сеи мор дхарама-карама*
*3*
*анукула хабе видхи, се-паде хоибе сиддхи,*
*ниракхибо э дуи найне*
*се рупа-мадхури-раши, прана-кувалайа-шаши,*
*прапхуллита хабе ниши-дине*
*4*
*тува адаршана-ахи, гарале джарало дехи,*
*чиро-дина тапита дживана*
*ха ха рупа коро дойа, дехо море пада-чхайа,*
*нароттама лоило шарана*

1. Шри Рупа Манжарининг пойи қадамлари - ҳақиқий бойлигим. Мен *бхаджана* ва пуджаларимни унга бағишлайман. Улар - қалбимнинг безаги, нақши, гўзаллиги, ҳаётим нури ва хазинам.
2. Улар мен учун барча лаззатли муносабатлар манбаи ва барча орзуларим натижаси. Улар - Ведалар илмининг мазмуни, барча муқаддас қасамларим, риёзатларим ва Худонинг муқаддас номларини зикр қилишларимнинг моҳиятидир. Улар - менинг бутун руҳий ҳаётим мазмунидир.
3. Ана шу пойи қадамларнинг қудрати билан фаолиятим қалбимда садоқат туйғусини уйғотади ва мен руҳий юксалишга эришаман, шунда мана шу кўзларим билан бор ҳақиқатни яққол кўра оладиган бўламан. Шри Рупа Манжарининг ажойиб илоҳий пойи қадамлари худди порлаган тўлин ойдай, мусибатга тўла қалбимга ором бағишлаб, кеча-ю кундуз қалбим нилуфарида порлаб туради.
4. Қалбим сендан айрилиқ олови билан заҳарланган, бутун ҳаётим азоб-уқубат ва мусибатларга тўла. О Рупа Манжари, менга раҳминг келсин, чексиз марҳаматингни намоён қилиб, нилуфар пойи қадамларинг соясидан нажот бер! Сенинг пойи қадамларинг Нароттама учун ягона нажот макони бўлиб қолди.

## А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг илтижолари

### Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига илтижо

Атлантика океанини кесиб ўтиб, Америка қирғоқларига яқинлашаётган юк ташувчи пароход каютасида Шрила Прабҳупада 1965 йил 10 сентябр куни кундалигига шундай деб ёзди: “Бугун кема унчалик чайқалмаяпти, ўзимни анча яхши ҳис қиляпман. Лекин Вриндавандан айрилиқ азобига чидолмаяпман, ҳукмдорларим Шри Говинда. Гопинатха ва Радха-Дамодарани жуда соғиндим. Менинг ягона овунчоғим - "Чайтанйа Чаритамрита", уни ўқиб, Парвардигор Чайтанйанинг илоҳий ўйинлари лаззатига ғарқ бўламан. Мен фақат бевосита Парвардигор Чайтанйанинг орзусидан фарқ қилмайдиган Шри Бхактисиддханта Сарасватининг истагини амалга ошириш учунгина Бхаратабхумини тарк этдим. Бунинг учун зарур бўлган сифатларга эга бўлмасам ҳам, барибир мўътабар руҳий устозимнинг кўрсатмасини бажаришга уриниб кўрмоқчиман. Вриндавандан узоқда бўлган ҳолда мен фақат уларнинг марҳаматига таваккал қиламан ва умидвор бўламан”. Орадан уч кун ўтгандан кейин эса, қалби худди шундай соф садоқатга тўлиб, Шрила Прабҳупада қуйидаги илтижони ёзди:

нақорат:
*кришна таба пунйа хабе бхаи*
*э-пунйа корибе жабе радхарани кхуси хабе*
*дхрува ати боли тома таи*
*1*
*шри-сиддханта сарасвати, шачи-сута прийа ати,*
*кришна-себайа джара тула наи*
*сеи се моханта-гуру, джагатер мадхе уру,*
*кришна-бхакти дей тхаи тхаи*
*2*
*тара иччха балаван, пашчатйете тхан тхан,*
*хой джате гаурангер нам*
*притхивйте нагаради, асамудра нада нади,*
*сакалеи лой кришна нам*
*3*
*тахале ананда хой, табе хой диг-виджай,*
*чаитанйер крипа атишай*
*майа душта джата духкхи, джагате сабаи сукхи,*
*ваишнавер иччха пурна хой*
*4*
*се карджа дже корибаре, аджна джади дило море,*
*джогйа нахи ати дина хина*
*таи се томара крпа, магитечхи ануруnа,*
*аджи туми сабар правина*
*5*
*томара се шакти пеле, гуру-себайа басту миле,*
*джибана сартхак джади хой*
*сеи се сева паиле, тахале сукхи хале,*
*таба санга бхагйате милой*
*6*
*эвам джанам нипатитам прахавахи-купе*
*камабхи камам ану йах прапатан прасангат*
*критватмасат сурариина бхагаван грихитах*
*со”хам катхам ну висрдже тава бхртйа-севам*
*7*
*туми мор чира сатхи, бхулийа майар латхи,*
*кхаийачхи джанма-джанмантаре*
*аджи пунах э суджога, джади хой джогаджога,*
*табе пари тухе милибаре*
*8*
*томара милане бхаи, абар се сукха паи,*
*гочаране гхури дин бхор*
*ката бане чхутачхути, бане кхаи лутапути,*

*сеи дин кабе хабе мор*
*9*
*аджи се субидхане, томара смарана бхела,*
*баро аша дакилам таи*
*ами томара нитйа-даса, таи кори эта аша,*
*туми бина анйа гати наи*
*нақорат:*

нақорат: Эй оғанйилар, сизларга очиқ ҳақиқатни айтсам: хизматингиздан Шримати Радхарани мамнун бўлгандагина Парвардигор Кришна сизга омад юборади.

1. Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур Шачидевининг ўғли Парвардигор Гаурангага жуда жуда азиз. Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилишда унга тенг келадиган зот йўқ. У - бутун жаҳондаги барча одамларга Парвардигор Кришнага чуқур садоқат туйғусини эҳсон қиладиган буюк ва табаррук руҳий устоздир.

2. Унинг қалбининг тўридан чиқаётган самимий истагининг кудрати билан Парвардигор Гауранганинг муқаддас номи бутун ғарбий олам халқларига ҳам маълум бўлади. Қишлоқларда, катта ва кичик шаҳарларда, океан ва денгизларда, катта ва кичик дарёларда - ҳамма жйда одамлар Кришнанинг муқаддас номларини биргаликда шарафлаб куйлайдилар.

3. Шри Чайтанйа Махапрабҳу Ўзининг бесабаб марҳамати билан оламнинг барча тарафини қамраб олганида, илоҳий лаззат оқимлари ер юзини босиб кетади. Барча гуноҳкор ва бахтиқаро тирик мавжудотлар ҳақиқий бахтга эга бўлганида вайшнавларнинг эзгу орзулари ушалади.

4. Гарчи руҳий устозим мана шу вазифани гарданимга юклаган бўлса ҳам, мен бунга мутлақо муносиб эмасман ва уни бажаришга қодир эмасман. Мен бир адашган ва қўлидан ҳеч иш келмайдиган ярамас, ношуд одамман. Шунинг учун эй азиз Худойим, мен Сенга илтижо қиламан: “Менга бу вазифани адо этиш қобилиятини ато эт. Фақат Сен Ўзинг менга ёрдам бера оласан, чунки бутун оламда Сендан донишмандроқ ва эпчилроқ бирор зот йўқ.

5. Сен Ўзинг етарли куч-қудрат ато этган одам ҳаётда тўла муваффақиятга эришади, чунки, руҳий устозига садоқат билан хизмат қилиб у Мутлақ Ҳақиқатни англаб етади. Шундай садоқат билан хизмат қилишга эриша олган кишининг қалби қувончга тўлади, агар омади келса, Сен билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади”.

6. “Эй азиз Худойим, эй Худонинг Олий Шахси, қалбимда бирин-кетин пайдо бўлаверадиган ҳар хил дунёвий истакларни асраб-авайлаб, мен ҳам бошқа ғофил одамлар сингари, босган ҳар бир қадамим билан заҳарли илонлар тўла кўринмас жарлик томон тобора яқинлашиб бораётган эдим. Аммо, Сенинг содиқ хизматкоринг Нарада Муни чексиз марҳамат кўрсатиб, мени ўзининг шогирди қилиб олди ва илоҳий поғонага кўтарилиш йўлини ўргатди. Шунинг учун мен унга садоқат билан хизмат қилишни ўзимнинг энг биринчи бурчим деб биламан. Шундай экан, қандай қилиб бу хизматни тарк этишим мумкин?”

7. Эй Парвардигор Кришна, Сен менинг мангу ҳамроҳимсан. Сени эсдан чиқариб, мен умрлар оша майянинг қаттиқ зарбалари остида оғир азоб-укубатларга дучор бўлиб келдим. Лекин, агар мабодо бугун мен яна Сени учратгудай бўлсам, энди Сени ҳеч қачон тарк этмайман.

8. Эй азиз дўстим, Сенинг ёнингда мен яна чексиз бахтиёр бўламан. Эрта туриб, дала ва ўтлоқларда сайр қилиб юраман, Враджанинг ўрмонларида югуриб, яйраб юраман, жазавали илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб, ерда юмалаб ётаман. Э-воҳ, қачон шу дамлар келар экан?

9. Бугун хаёлимга Сен ҳақингда ана шундай фикрлар келди, ҳаётимда бундан ҳам лаззатлироқ онлар бўлган эмас. Қаттиқ ҳижрон азобига ғарқ бўлиб, Сенга зорланиб илтижо қиламан. Мен Сенинг мангу хизматкорингман, шунинг учун Сен билан яна бирга бўлишни интизор бўлиб кутяпман. Эй Парвардигор Кришна, мени муваффақиятга элтувчи ягона йўл Сен Ўзингсан.

## Маркине бхагавата-дхарма

(бхагавата-дхармани Америкада тарқатиш)

1965 йил 17 сентябрда Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада “Жаладута” кемасида Бостонга келди. Унинг нияти - руҳий устозининг Шри Чайтанйанинг таълимоти билан Ҳиндистондан бошқа давлатларнинг халқини ҳам таништириб, бу илмни бутун жаҳонга тарқатиш бўйича берган кўрсатмасини бажариш эди. Бостоннинг нурсиз, сўниқ осмонўпар иморатларига кўзи тушиб, бу вазифани амалга ошириш қанчалик қийин бўлишини у тушуниб етди ва унинг қалбини Ғарбий давлатлардаги Худони бутунлай эсдан чиқарган иймонсиз одамларга нисбатан чуқур ҳамдардлик туйғуси қамраб олди. Эртаси куни у бенгал тилида мана шу тарихий илтижони ёзди. Бунда у Парвардигор Кришнадан барча адашган руҳларни қутқаришни илтижо қилади.

*1.*
*баро-крипа каиле кришна адхамер прати*
*ки лагийаниле хетха коро эбе гати*
*2*
*ачхе кичху карджа таба эи анумане*
*нахе кено анибен эи угра-стхане*
*3*
*раджас тамо гуне эра сабаи ачханна*
*басудев-катха ручи нахе се прасанна*
*4*
*табе джади таба крипа хой ахаитуки*
*сакал-и самбхава хой туми се каутики*
*5*
*ки бхаве буджхале тара буджхе сеи раса*
*эта крипа коро прабху кори ниджа-баша*
*6*
*томара иччхайа саба хой майа-баша*
*томара иччхайа наша майар параша*
*7*
*таба иччха хой джади тадера уддхар*
*буджхибе нишчаи табе катха се томар*
*8*
*бхагаватер катха се таба аватар*
*дхира хаийа шуне джади кане бар бар*
*9*
*шринватам сва-катхах кришнах*
*пунйа-шравана-киртанах*
*хридй антах-стхо хй абхадрани*
*видхуноти сухрт сатам*

*нашта-прайешв абхадрешу*

*нитйам бхагавата-севайа*
*бхагавати уттама-шлоке*
*бхактир бхавати наиштхики*

*тада раджас-тамо-бхавах*
*кама-лобхадайаш ча йе*
*чета этаир анавиддхам*
*стхитам саттве прасидати*

*эвам прасанна-манасо*
*бхагавад-бхакти-йогатах*
*бхагават-таттва-виджнанам*
*мукта-сангасйа джайате*

*бхидйате хридайа-грантхиш*
*чхидйанте сарва-самшайах*
*кшийанте часйа кармани*
*дришта эватманишваре*
*10*
*раджас тамо хате табе паибе нистар*
*хридайер абхадра саб гхучибе тахар*
*11*
*ки ко"ре буджхабо катха баро сеи чахи*
*кхудра ами дина хина коно шакти нахи*
*12*
*атхача энечхо прабху катха болибаре*
*дже томар иччха прабху коро эи баре*
*13*
*акхила джагат-гуру! Бачана се амар*
*аланкрта корибар кхамата томар*
*14*
*таба крипа ха"ле мор катха шуддха хабе*
*шунийа сабара шока дукхха дже гхучибе*
*15*
*анийачхо джади прабху амаре начате*
*начао начао прабху начао се-мате*
*каштхера путтали джатха начао се-мате*
*16*
*бхакти наи беда наи наме кхуб даро*
*"бхактиведанта" нам эбе сартхак коро*

1. Азизим Парвардигор Кришна, Сен бу арзимас, кўримсиз руҳга чексиз марҳамат кўрсатяпсан, лекин нимага мени бу ерларга олиб келганингни билолмаяпман. Энди нима қилсанг ҳам, мен Сенинг қўлингдаман, Сенга бутунлай ўз ихтиёримни топшираман.
2. Билиб турибман, бу ерда Сен қандайдир бир каромат кўрсатмоқчи бўляпсан, акс ҳолда мени бундай даҳшатли жойларга олиб келмасдинг?
3. Бу ерда яшайдиган одамларнинг кўпчилиги моддий табиатнинг ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсири остида яшайди. Дунёвий фаолиятга ғарқ бўлиб, улар ўзларини жуда бахтиёр ҳисоблайдилар. Улар ўз ҳаётидан жуда жуда мамнун, шу боис Васудеванинг илоҳий хабарларига эътиборсизлик билан қарайдилар. Мен уларнинг бу илоҳий илмни тушунишларига ишонгим келмайди.
4. Лекин биламанки, Сенинг бесабаб марҳаматинг билан ҳатто иложи бўлмаган ишни ҳам амалга ошириш мумкин, чунки Сен - энг моҳир сеҳргарсан.
5. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг лаззатини улар англаб ета оладиларми? Эй азиз Худойим, мен фақат Сенга суянаман, фақат Сенинг марҳаматингдан умидворман, Сендан илтижо қилиб сўрайман - Сенинг таълимотинг аниқ ҳақиқат эканига бу ғофил одамларни ишонтиришда Ўзинг менга ёрдам бер!
6. Сенинг ироданг билан барча тирик мавжудотлар алдамчи қувват таъсири остига тушиб қолганлар, агар Сен истасанг, яна Сенинг ироданг билан улар бу ёлғончи, алданиш тузоғидан озодликка чиқа оладилар.
7. Сендан илтимос, уларни қутқар! Фақат Сен уларга руҳий озодлик совға қилишни истасанггина улар илоҳий хабарингни, руҳий таълимотингни тушуна оладилар.
8. "Шримад Бхагаватам"даги гаплар - Сенинг тимсолинг, мунтазам равишда камтарин ҳолда "Шримад Бхагаватам"ни қунт билан тинглаш натижасида ҳар қандай соғлом фикрлаш қобилиятига эга одам Сенинг хоҳишингни, илоҳий хабарингни тушуна олади.
9. "Шримад Бхагаватам"(1.2.17-21)да шундай дейилган: "Шри Кришна, Худо Шахси - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд ва самимий содиқнинг саодатманди бўлган Параматма(Олий руҳ), - Худонинг хабарини тинглашга ихлоси кучайган кишининг қалбини ҳиссий лаззатларга интилиш истагидан поклайди. Агар тўғри тинглаб, тўғри тушунтира олсалар Худонинг хабари одамларга фақат яхшилик келтиради. "Шримад Бхагаватам"ни мунтазам тинглаб юриш ва Худонинг асл содиқ хизматкорига садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан инсон ўзининг қалбини ташвишга соладиган нарсаларнинг деярли барчасидан халос бўлади, шунда у шуҳрати чексиз, улуғвор илоҳий қўшиқларда олқишлаб куйланадиган Парвардигорга чуқур муҳаббат билан хизмат қилишни ҳеч қачон тарк этмайди. Инсоннинг қалбида Худога соф садоқат билан хизмат қилиш истаги пайдо бўлган заҳоти, эҳтирос ва ғафлат гунаси унга таъсир қилмай қўяди, қалби шаҳвоний эҳтирос ва дунёвий истаклардан покланади. Шунда у эзгулик гунасида мустаҳкам туриб, ҳақиқий бахтга эришади. Шу тарзда эзгулик гунасида мустаҳкам туриб олган, Худога садоқат билан фаол хизмат қилишдан жонланган содиқ хизматкор дунёвий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни тарк этади, руҳий озодликка эришади, Парвардигор ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлади. Шу тарзда содиқнинг қалбида дунёвий истаклар тугуни ечилади ва барча хавфу-хатарлар яксон бўлади. Аслида инсон танасининг хўжайини Руҳ эканини англаб етган заҳоти, унинг оқибат келтирадиган фаолиятининг натижалари занжири(карма) узилиб қолади".
10. У ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсиридан халос бўлади, қалбининг тўрида яшириниб ётган барча ташвиш ва ёқимсиз туйғулар биратўла яксон бўлади.
11. Мен уларнинг қалбига Кришнани англаш таълимотини қандай етказа оларкинман? Мен бир омадсиз, бирор ишга яроқсиз ва адашган бандангман. Шунинг учун фақат Ўзингдан мадад тилайман, - фақат Сенинг ёрдаминг билангина мен уларни ишонтира оламан, ёлғиз мен ўзим бу ишни уддалай олмайман.
12. Эй азиз Худойим, барибир мана шу одамларга Сен ҳақингда гапириб беришим учун Ўзинг мени бу ерга олиб келдинг. Эй азиз Худойим, менинг бу уринишим муваффақиятли тугайдими ёки натижасизми - фақат Сенинг Ўзингга боғлиқ. Ҳаммаси Сенинг қўлингда.
13. Эй бутун оламнинг руҳий устози! Мен фақат Сенинг хабарингни ўзгартирмасдан такрорлай оламан, холос. Агар истасанг, шундай қилки, улар мени тушуниб етсинлар.
14. Фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг билангина менинг айтганларим беғубор пок бўлади. Ишончим комилки, одамларнинг қалбига сингиб, бу илоҳий хабар-

лар уларнинг қалбини қувончга тўлдиради, шунда одамлар ўзларининг барча мусибат ва азоб-уқубатларидан бутунлай халос бўладилар.
15. Эй азиз Худойим, мен Сенинг қўлингдаги бир ўйинчоқман. Мени бу ерга ўйнатгани олиб келган экансан, мени рақсга тушишга мажбур қил, эй азиз Худойим, Ўзинг истаганча мени рақсга тушишга мажбур қил, мен бутунлай Сенинг ихтиёрингдаман.
16. Менда садоқат ҳам йўқ, илм ҳам йўқ, лекин Кришнанинг муқаддас номининг қудратига ишончим комил. Мени Бхактиведанта деб атадилар, энди, агар истасанг, ана шу буюк номни оқлашимга ёрдам берасан.

Энг бахтиқаро ва ярамас девона Бхактиведанта Свами.
Пирс ҳамжамиятининг “Жаладута” кемаси бортида ёзилди.
Бостон. Массачусетс, США. 18. Сентябр. 1965г.

## Шри Дамодараштака

Бу илтижони Нарада Муни ва Шаунака Риши билан суҳбатлашганда Сатьяврата Муни айтган эди ва у Кришна Двайпайана Вйасанинг "Падма пурана"сида келтирилган. (Карттика ойида куйланади)

*Намам ишварам сач-чид-ананда-рупам*
*ласат-кундалам гокуле бхраджанам*
*йашода-бхийолукхалад дхавы манам*
*парамриштам атйантато друтйа гопйа*
*2*
*рудантам мухур нетра-йугмам мриджантам*
*карамбходжа-йугмена сатанка-нетрам*
*мухух шваса-кампа-трирекханка кантха*
*стхита-граивам дамодарам бхакти-баддхам*
*3*
*итидрик сва-лилабхир ананда-кунде*
*сва-гхошам нимаджджантам акхиапайнтам*
*тадийешита-джнешу бхактаир джитатвам*
*пунах прематас там шатавритти ванде*
*4*
*варам дева мокшам на мокшавадхим ва*
*на чанйам вринe хам варешад апиха*
*идам те вапур натха гопала-балам*
*сада ме манаса авирастам ким анйаих*
*5*
*идам те мукхамбходжам атйанта-нилаир*
*вритам кунталаих снигдха-рактаиш ча гопйа*
*мухуш чумбитам бимба-рактадхарам ме*
*манасй авирастам алам лакша-лабхаих*
*6*
*намо дева дамодарананта вишно*
*прасида прабхо дукхха-джалабдхи-магнам*
*крипа-дришти-вриштйати-динам батану*
*гриханеша мам аджнам эдхй акши-дришйах*
*7*
*кувератмаджау баддха-муртйаива йадват*
*твайа мочитау бхакти-бхаджау критау ча*
*татха према-бхактим свакам ме прайаччха*
*на мокше грахо мести дамодареха*
*8*
*намас те”сту дамне спхурад-дипти-дхамне*
*твадийодарайатха вишвасйа дхамне*
*намо радхикайаи твадийа-прийааи*
*намо нанта-лилайа девайа тубхйам*

1. Мен илоҳий танаси мангу лаззат, илм ва мавжудлиқ даргоҳи бўлган; Ўзи ҳамиша илоҳий Гокула салтанатида бўлган ҳолда порлоқ нур таратиб турадиган; қулоқларида акула шаклидаги сирға секин қимирлаб турадиган; Яшода онадан қўрққанидан ёғоч ҳовончани айланиб тирқираб қочадиган ва Ундан тезроқ чопгани учун Яшода она барибир ушлаб оладиган Парвардигор олдида итоаткорлик билан самимий бош эгаман. Ана шу Парвардигор, Шри Дамодарага мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан.
2. У(онасининг қўлидаги хипчинни кўриб) йиғлайди ва нилуфарсимон қўллари билан кўз ёшларини артади. Унинг кўзлари қўрққанини билдириб турибди, ҳиқиллаб йиғлаб, тутилиб-тутилиб нафас олаётганидан сурдаги чизиқларга ўхшаган уч чизиғи кўриниб турган бўйнига осилган марварид маржон титраб турибди. Ана шу Парвардигорга, қорни оддий арқон билан эмас, онасининг соф меҳр-муҳаббати ришталари билан боғланган Шри Дамодарага мен камтарин ҳолда сажда қиламан.
3. Унинг шунга ўхшаган болалик ўйинлари Гокула аҳолиси учун таърифлаб бўлмайдиган жазавали лаззат манбаидир. Бу ўйинлари билан У Парвардигорнинг улуғворлиги ва таърифлаб бўлмас ғаройиблиги ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлиб юрган содиқларига кўрсатадики, Уни фақат қалби ҳар қандай қўрқув ва ҳаяжондан пок бўлган соф меҳр-муҳаббатга тўла содиқларгина мағлуб қила оладилар. Мен чуқур муҳаббат билан Парвардигор Дамодара олдида юзлаб саждалар қиламан.
4. Эй азиз Худойим, Сен мени дуо қилиб, ҳар қандай саодат инъом этишга қодирсан, лекин мен Сендан шахсиятсиз озодликка чиқишни ҳам, руҳий озодликнинг энг олий турини(Вайкунтхада мангу яшашни) ҳам, бхактининг тўққиз турига амал қилиб эришиш мумкин бўлган бошқа бирор бахтни ҳам тиламайман. Эй азиз Худойим, мен фақат Вриндавандаги мана шу Бала Гопал қиёфангда ҳамиша қалбим тўрида бўлишингни истайман. Менга шундан бошқа ҳеч қандай эҳсон керак эмас.
5. Эй азиз Худойим, Яшода она Сенинг қизғиш қора тўлқин сочларинг ўраб турган нилуфар юзларингни такрор ва такрор ўпичларга кўмиб ташлайди, лабларинг эса, *бимба* мевасидай қизариб кетган. Мен ҳамиша қалбимда Сенинг ана шу ғаройиб нилуфарсимон қиёфангни кўриб юрадиган бўлай. Менга бошқа минглаб дуо-фотиҳаларнинг кераги йўқ.
6. Эй Олий Парвардигор, мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. О Дамодара! О Ананта! О Вишну! Эй ҳукмдор! Эй азиз Худойим, Сендан ягона тилагим - мендан рози бўлсанг бас. Ўзингнинг марҳамат тўла нигоҳингни ташлаб, бу бахтиқаро нодонни, дунёвий ғам-ғуссаларга ботиб кетган ғофил аҳмоқни қутқариб ол ва ҳамиша Сенинг жамолингни кўриб юриш имконини бер.
7. Эй Парвардигор Дамодара, ёғоч ҳовончага боғланган ёш бола қиёфасида Сен Куверанинг икки ўғли Налакувара ва Манигривани Нараданинг қарғишидан халос этдинг ва уларни Худонинг буюк содиқларига айлантирдинг. Эй азиз Худойим, менга ҳам ана шу према-бхактидан эҳсон қил. Мен фақат шуни истайман ва бошқа ҳеч қандай озодликка интилмайман.
8. Эй Парвардигор Дамодара, энг аввало мен Сенинг қорнингни ўраб олган ярқироқ арқон олдида сажда қиламан. Кейин, ичида бутун борлиқ жой олган қорнингга сажда қиламан. Кейин мен Сен ҳаммадан ҳам кўпроқ севадиган Зот - Шримати Радхарани олдида

камтарин бош эгаман. Ва ниҳоят, мен Сенинг олдингда, Ўзининг туганмас ўйинларини намоён этадиган ягона Парвардигор олдида такрор ва такрор сажда қиламан.

## Бхаджаху ре мана Шри Нанда-нандана

(Говинда дас Кавиража)

*бхаджаху ре мана шри-нанда-нандана-*
*абхайа-чаранаравинда ре*
*дурлабха манава-джанама сат-санге*
*тарохо э бхава-синдху ре*
*2*
*шита атапа бата баришана*
*э дина джамини джаги ре*
*бипхале севину крипана дураджана*
*чапала сукха-лаба лаги"ре*
*3*
*э дхана, йаубана, путра, париджана*
*итхе ки ачхе паратити ре*
*камала-дала-джала, дживана таламала*
*бхаджаху хари-пада нити ре*
*4*
*шравана, киртана, смарана,вандана,*
*пада-севана,дасйа ре*
*пуджана, сакхи-джана, атма-ниведана*
*говинда-даса-абхилаша ре*

1. Эй ақлим, инсонни барча қўрқувлардан халос этиб, қалбини жасоратга тўлдирадиган Нанданинг нилуфар қадамлари пойига сажда қил. Шундай нодир инсон танасига эга бўлган экансан, табаррук авлиё зотлар билан ҳамсуҳбат бўл, чунки фақат шу йўл билангина сен моддий тириклик уммонини кечиб ўта оласан.
2. Иссиқ ва совуқдан, шамол ва ёмғирдан қийналиб, на кундузи, на кечаси тиним билмайман. Атиги бир томчи ўткинчи лаззат олиш учун мен ярамас, исқирт, хасис одамларга хизмат қилдим. Аммо барча уринишларим бекор кетди.
3. Бойлигимиз, ёшлигимиз, фарзандларимиз ва қариндошларимиз бизга ҳақиқий бахт бера оладими? Инсон ҳаёти худди нилуфар гулининг япроғининг устида, зўрға илиниб, титраб турган шудринг томчисига ўхшайди. Шунинг учун сен Парвардигор Харининг нилуфар қадамлари пойига ҳамиша, бетиним садоқат билан хизмат қилишинг керак.
4. Говинда дас ўзини бутунлай бхактининг тўққиз жараёнига бағишлашни истайди: Парвардигор Харини шарафлашларини тинглаш, Уни шарафлаб куйлаш, Парвардигорни эслаб юриш, Унга илтижо қилиш, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилиш, содиқ хизматкори сифатида хизмат қилиш, Унга мушк-анбар ва бошқа нарсалар таклиф этиб сиғиниш, дўст сифатида садоқат билан хизмат қилиш ва ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириш.

## Шри Туласи - киртан

1
*намо намах туласи! кришна - прейаси*
*радха - кришна - сева пабо эи абхилаши*
*2*
*дже томара шарана лой, тара ванчха пурна хой*
*крипа кори коро таре брндавана - баси*
*3*
*мор эи абхилаш, билас кундже дио вас*
*найане херибо сада джугала - рупа - раши*
*4*
*эи ниведана дхаро, сакхир анугата коро*
*сева - адхикара дийе коро ниджа даси*
*5*
*дина кришна - дасе кой, эи джена мора хой*
*шри - радха - говинда - преме сада джена бхаси*

1. Эй Туласи, Кришнанинг севгилиси, мен Шри Шри Радҳа-Кришнага муҳаббат билан хизмат қилиш бахтига эришиш ниятида сенинг олдингда такрор ва такрор бош эгиб сажда қиламан.
2. Сендан паноҳ излаган ҳар бир инсоннинг барча ниятларини ўзинг рўёбга чиқарасан. Сенинг марҳаматинг билан у Вриндаванда яшаш бахтига муяссар бўлади.
3. Ўз марҳаматинг билан менга ҳам Вриндавана дҳаманинг лаззатларга тўла бутазорларида жойлашишга рухсат бер. Шунда мен Радҳа ва Кришнанинг ажойиб ишқий ўйинлари лаззатидан ҳамиша баҳраманд бўлиб юраман.
4. Мени Враджа подачиларининг издошларидан бири қилишингни сендан илтижо қиламан. Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш бахтига муяссар этиб, мени ҳам хизматкоринг қилиб ол.
5. Мен, Кришнанинг адашган, гуноҳкор бир хизматкори сендан Шри Шри Радҳа ва Говиндаларнинг муҳаббат уммонида мангу лаззатга ғарқ бўлиш имконини ато этишингни тилаб, сенга илтижо қиламан.

## Шри Туласи пранама

*врндайаи туласи - девйаи*
*прийайаи кешавасйа ча*
*кришна - бхакти - праде деви*
*сатйаватйаи намо намаҳ*

Парвардигор Кешавага жуда азиз бўлган Вринда, Шримати Туласи деви олдида мен такрор ва такрор бош эгаман. Энг юксак Ҳақиқатни билувчи эй фаришта! Сен ҳар бир инсонга Парвардигор Кришнага садоқат билан холис хизмат қилиш бахтини ато этасан.

## Шри Туласи прадакшина мантра

*йани кани ча папани*
*брахма - хатйадикани ча*
*тани тани пранашйанти*
*прадакшинах паде паде*

Шримати Туласи Девининг атрофини айланаётган киши, ҳар бир қадам ташлаган сайин барча гуноҳлардан, ҳатто браҳманни ўлдиришдек энг оғир гуноҳдан ҳам озод бўлади.

## Шри Нрисимха пранама

*намас те нарасимхайа*
*прахладахлада - дайине*
*хиранйакашипор вакшаҳ -*
*шила - танка - накхалайе*

Панжалари иблис Хиранйакашипунинг метиндай кўксига кескир тиғ каби қадалган ва Прахлада Махаражга қувонч келтирган Парвардигор Нарасимҳа олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман.

*ито нрсимхаҳ парато нрсимхо*
*йато йато йами тато нрсимхаҳ*
*бахир нрсимхо хрдайе нрсимхо*
*нрсимхам адим шаранам прападйе*

Парвардигор Нрисимҳа ҳамма жойда мавжуд. Мен қаерга боқсам Парвардигор Нрисимҳа шу ерда мавжуд. У ҳар кимнинг қалбида ҳам, ташқарида ҳам мавжуд. Мен бутун борлиқнинг манбаи ва бутун мавжудотнинг олий нажоткори бўлган Парвардигор Нрисимҳага ўз ихтиёримни топшираман.

## Парвардигор Нрисимҳага илтижо

(“Шри Дашаватара - стотра”дан)

*тава кара - камала - варе накхам адбхута - шрингам*
*далита - хиранйакашипу - тану - бхрингам*
*кешава дхрита - нарахари - рупа джайа джагадиша харе*

Эй Кешава! Эй бутун олам ҳукмдори! Эй ярим одам-ярим арслон қиёфасига кирган Парвардигор Хари, Сенга шону-шарафлар бўлсин! Одам бармоқлари билан арини янчиб ташлагани сингари, Сен ҳам Ўзингнинг ажойиб, ўткир панжаларинг билан арига ўхшаган иблис Хиранйакашипу танасини осонгина тилка-пора қилдинг.

## Муқаддас номларни такрорлашда йўл қўйиладиган ҳақоратлар

1. Бутун умрини Худонинг муқаддас номлари шуҳратини бутун оламга ёйишга бағишлаган Худонинг содиқ хизматкорларини ҳақорат қилиш.
2. Тангри Браҳма ва Тангри Шива каби буюк фаришталарнинг номларининг қудрати ҳам Худонинг Олий Шахсининг муқаддас номларига баробар ёки Улардан фарқ қилмайди, деб ҳисоблаш.
3. Руҳий устозни оддий инсон деб қабул қилиш ва унинг кўрсатмаларига амал қилмаслик.
4. “Веда”(муқаддас китоб)ларни ва уларга мос равишда ёзилган, Ҳақиқат илми ёритилган китобларни ҳақорат қилиш.
5. Худонинг муқаддас номларининг шуҳратига, қудратига ишонмаслик, унинг шуҳратига гумон билан қараш.
6. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш қудратини, шарофатини ўзи билганича тушунтириш.
7. Муқаддас номларни зикр қилишнинг поклаш қудратига ишониб, онгли равишда ҳар хил гуноҳ ишлар қилишда давом этиш.
8. Ҳаре Кришна маха-мантрани зикр қилиш ҳам муқаддас китобларда кўрсатилган, моддий манфаат кўзлаб қилинадиган (кармали) маросимлардан бири деб ҳисоблаш.
9. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофатлари ҳақидаги сирни Худога ишонмайдиган иймонсиз кишиларга очиш.
10. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш қудрати ҳақида шунча насиҳатлар олгандан кейин ҳам ўткинчи моддий нарсаларга боғланиб қолишни тарк этмаслик.